

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 101.1.(575.1)

АДИЛОВ ЗАФАР ЮНУСОВИЧ

ДИНИЙ МАНБАЛАРДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: фалсафа фанлари доктори, проф.
Саломова Ҳакима Юсуповна**

Урганч – 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. ДИНИЙ МАНБАЛАРДАГИ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ НАЗАРИЙ – МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	13
1.1. “Авесто”даги табиат муҳофазасига оид ғоялар	14
1.2. Таврот таълимотида экологик масалаларнинг фалсафий таҳлили	26
1.3. Ислом дини манбаларида “инсон – табиат” муносабатлари уйғунлиги масалалари	38
Бобга оид хулоса	50
II-БОБ. МУТАСАВВИФЛАР ҚАРАШЛАРИДА ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ БИРЛИГИ, УМУМИЙЛИК, ХУСУСИЙЛИК МУАММОЛАРИ	53
2.1. Юсуф Ҳамадонийнинг “Коинот ва инсон ҳақида” (“Фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон”) рисоласида экологик муаммолар ечими	56
2.2. Жалолиддин Румийнинг табиат борлигига оид қарашлари	70
Бобга оид хулоса	79
III-БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲАМДА ДИНИЙ МАНБАЛАРДАГИ ЕЧИМИ	84
3.1. Ҳозирги даврнинг экологик муаммолари ва унинг ўзига хос хусусиятлари	84
3.2. Экологик муаммоларни ҳал қилишнинг амалий воситалари ҳақидаги дунёвий ва диний қарашлар	106
Бобга оид хулоса	122
ХУЛОСА	124
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	128
ИЛОВАЛАР	138

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобал ўзгаришлар шуни кўрсатмоқдаки, табиатга нисбатан антропоген таъсирнинг кучайиши бугунги экологик вазиятнинг издан чиқишига ва бир қанча экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, атмосферанинг ифлосланиши, ҳаво ҳарорати ошиши, ўрмонларнинг қисқариб бориши, тупроқ деградацияси, тоза ичимлик суви танқислиги, озон қатламининг емирилиши сингари экологик муаммолар алоҳида эътибор талаб этади. Шу жиҳатдан, бугунги кунда бу каби муаммолар юзага келишининг олдини олиш, ижтимоий тараққиёт билан атроф-муҳитнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш орқали қулай табиий атроф-муҳитни сақлаб қолиш, “табиат-жамият-инсон” тизимида мувозанатга эришиш билан боғлиқ масалалар ечимини топишда диний манбалардаги муҳим конструктив аҳамиятга эга экологик ғоялар алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида экологик муаммолар пайдо бўлишининг олдини олиш ва ечимини топиш бўйича илмий асосланган кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, аҳолининг экологик онги ва маданиятини шакллантириш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш, экологик танглиқдан чиқиш мезонлари билан боғлиқ тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга. Бунда эса, халқ донишмандлигининг методологик асоси бўлган диний манбалардаги атроф-муҳит, табиат неъматларига инсон муносабатини меъёрга келтириш, табиат компонентларининг ҳосил бўлиши билан сарфланиши ўртасидаги мутаносибликни чуқур ўрганишга оид ғояларини амалиётга жорий қилиш аҳолининг экологик тафаккурини ижобий томонга ўзгартиришда муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли диний манбалардаги экологик муаммолар билан боғлиқ бўлган табиат ва инсон муносабатлари уйғунлиги муаммосини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш объектив зарурият бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда экологик танглик тахдидига бархам бериш, яъни атроф-муҳитнинг табиий мусаффолигини сақлаш, биологик хилма-хилликка зарар етказмаслик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. “Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин”¹. Бу вазифаларни амалга оширишда эса инсониятнинг асосий маънавий мероси бўлган диний манбалардаги экологик муаммоларга оид ғояларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, диний манбаларда табиатга муносабат масаласида келтирилган фикрларни умумлаштириш, улардаги экологик муаммоларга оид конструктив ғояларини аниқлаб, амалиётда қўллаш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956-сон “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” фармонлари ва 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида” қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. - Т.: Ўзбекистон., 2018. – Б. 570.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табиат борлиғи, унинг барча компонентларини авайлаб асраш барча даврларда ҳам долзарб ҳисобланган. Диний ва замонавий илмий адабиётларда экологик муаммолар умумбашарий муаммо эканлиги таъкидланиб келинган ва бу борада кенг кўламли илмий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, хориж олимларидан D.L. Barnhill, S. Roger² экология ва дин муаммолари бўйича илмий ишлар олиб боришган. Дин, фан ва келажак масалалари олмон дин пешволари Г. Лидке, А. Дюма, америкалик иқтисодчи Г. Дейли, Сидней университети профессори биохимик Ч. Берч илмий ишларида ўз изоҳини топган.

МДХ олимларидан Э.В. Гиросов³, Н.Ф. Реймерсларнинг илмий фаолияти экологик онг, экологик тафаккур, табиат бойликларининг иқтисодий қийматлари каби муаммоларга бағишланган.

Ўзбек диншунос олимларидан Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф⁴, Аҳмад Муҳаммад Мубашшир Аҳмадларнинг илмий фаолиятида инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар ўз изоҳини топган.

Ўзбекистонда экологиянинг фалсафий муаммолари: табиат борлиғи ҳамда унинг хилма-хил таркиблари, экологик зиддиятлар, экологик-табиий меъёр, экологик мувозанат билан А.Ф. Файзуллаев, С.С. Сангинов, Э. Хошимова, Х.Ю. Саломова⁵, А.К. Бердимуратова⁶, С. Каримов, Э. Усмонов, С. Мамашокиров каби олимлар; табиий

² Deep ecology and world religions: new essays on sacred ground / Edited by David Landis Barnhill and Roger S. Gottlieb. - N. Y.: State University of New York, 2001.

³ Экология и экономика природопользования. Под ред. Э.В.Гиросова. - М.: ЮНИТИ, 2007.

⁴ Саййид Мубашшир Тарозий. Соф табиат дини. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф таржимаси. -Т.: “HILOL-NASHR”, 2012.

⁵ Саломова Х.Ю. Ижтимоий экология асослари. - Т.: “FAN VA TEXNOLOGIYA”, 2008; Саломова Х.Ю. Экология ва иқтисод. Ўқув қўлланма. 2008; Саломова Х.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. – Бухоро: “Дурдона”, 2018.

⁶ Бердимуратова А.К. Философско-методологический анализ экологического кризиса на пороге XXI века (на материале Приаралья). - Т.: “Фан”, 1999; Бердимуратова А.К. Философия экологической безопасности. Учебное пособие(на каракалпакском языке). - Нукус.: “Билим”, 2012.

ресурслардан оқилонга фойдаланиш ва иқтисодий самарадорлик бўйича академик А.Э. Эргашев, И. Руденко, С. Давлетов, А.А. Азизовлар ишлаб чиқаришни экологик асосланган даражага ўтказишга оид қимматли маълумотлар беришган. Инсон экологиясини “биологик” кўзгу орқали Р. Эгамбердиев бошчилигида Ш.Ю. Қодиров, Ш.И. Жуманиёзова, М.Б. Досчанова, О.У. Нормуратовлар таҳлил этишган.

Диний манбалардаги экологик муаммолар ва уларнинг ечимига оид фикрлар эътибордан четда қолиб кетган. Бир диндаги табиат оламига муносабат билан иккинчи бир диндаги табиат оламига бўлган муносабат орасидаги ўхшашлик ва фарқлар бирор бир илмий адабиётларда ўз изоҳини топмаган. Шу сабабли, диссертант ўз ишида бу борадаги қарашларни илмий таҳлил этишни мақсад қилиб олган. Зеро, мазкур диний манбалар ва замонавий илмий адабиётларда уқтирилгандек, фақатгина табиат қонунларига мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳа ва чора-тадбирларгина иқтисодий самарали бўлишида ва биосферанинг ҳаёт кўрсаткичларини асрашда, инсонга диний манбалардаги ибора билан айтганда, “олам тартибларига” ва “табиат олдидаги масулиятини англаб, унинг мулкида одоб билан яшашнинг” моҳиятини англантиш ҳамда экологик муаммолар ечимига оид ғояларни тадқиқ этиш муҳим зарурият эканлиги аниқланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ёшлар маънавий қиёфасини юксалтиришнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий муаммоларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган (2017-2021 йй).

Тадқиқотнинг мақсади экологик муаммоларни бартараф этишда диний манбалардаги экологик ғояларнинг илмий аҳамиятини асослаш ва экологик инқирозлар ечимини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

диний манбалардаги (Қуръон ва Ҳадислар) экологик муаммолар ечимига оид фикр-мулоҳазаларни қиёсий ва мантиқий таҳлил этиш, улар асосида экологик фалокатлар ечими йўлларини ёритиб бериш;

Юсуф Ҳамадонийнинг “Фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон” (“Коинот ва инсон ҳақида”) рисола”сини тадқиқ қилиш;

экологик маданиятни шакллантиришда диний (Қуръон ва Ҳадислар) ва тасаввуфий (“Коинот ва инсон ҳақида”) манбалар орқали диний-экологик одобни ёритиш;

экологик кўрсатмаларга риоя қилмасликнинг салбий оқибатларини Қуръон ва Ҳадислар орқали асослаш;

диний-экологик тафаккур умуминсоний қадриятлар сифатида инсониятнинг табиат олдида масъуллигини англашга эриштирувчи омил эканлигини очиб бериш;

экологик хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда ҳар бир диннинг (Зардуштийлик, Яхудийлик, Ислом) ўрнини аниқлаш ва муаллифлик хулосаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини экологик инқирозлар ечими борасидаги диний манбалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети экологик муаммолар ечими масаласида диний манбалардаги ғояларни ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш ва уларни илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, объективлик, қиёсий таҳлил ва социологиядаги анкета усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экологик талофатлар, девиант ҳаракатлар ва нигилистик кайфиятни олдини олишда исломий манбалар (Қуръони карим ва Ҳадислар)даги табиатнинг қонун ва меъёрларини бузмаслик, табиат борлиғи компонентларининг табиий-биологик хусусиятларини сақлаш сингари ғоялардан унумли фойдаланиш зарурияти табиат-жамиyat муносабатларида фуқаролар масъулиятини ошириш, экологик қадриятлар ва экологик маданиятни юксалтиришнинг муҳим воситаси эканлиги аниқланган;

Юсуф Ҳамадонийнинг “Фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон” (“Коинот ва инсон ҳақида”) рисоласидаги борлиқ ожизлиги, коинотнинг

кадр-қиммати ва устунлиги, инсоннинг борлиқни бошқарувчиси эканлиги ва коинотсиз яшай олмаслиги, маънан коинотнинг амрига бўйсунувчи эканлиги тўғрисидаги тасаввуфий қарашлар экологик муаммоларнинг олдини олишда субстанционал вазифани бажариши мантиқий жиҳатдан далилланган;

экологик муаммоларни бартараф этиш ва атроф-муҳитни асрашда диний манбалар (“Авесто”, “Таврот”, “Қуръони карим” ва Ҳадислар)даги табиатнинг барча неъматларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, инсон - табиат олами учун масъуллиги, табиат манбаларини эҳтиёж доирасида ишлатишнинг мувофиқлаштирувчи ва барқарорлаштирувчи диний-экологик парадигмаларининг ижтимоий аҳамияти фалсафанинг детерминистик қонунияти асосида очиб берилган;

табиатга зиён келтирган шахсга нисбатан жазо чораларининг мавжудлиги, экологик фаолликни рағбатлантириш каби экологик ҳуқуқ-нормаларга риоя қилишнинг бирламчи кўринишлари зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да илмий асосланганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аҳолининг диний-экологик онгини шакллантирувчи объектив ва субъектив усул-воситалар аниқлаштирилган;

“Экология”, “Ижтимоий экология”, “Диншунослик” фанларини ўқитишнинг замонавий концепциясини яратиш зарурлиги асосланган ва экологик офатларнинг олдини олиш бўйича аниқ кўрсатмалар, табиий экологик меъёрга риоя қилиш зарурлиги кўрсатилган;

экологик муаммоларни ечишда диний манбалар орқали аҳолининг диний онгини шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларга доир илмий-назарий хулосалар умумлаштирилган;

“диний-экологик онг” феноменининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузалар, бу маърузаларнинг илмий тўпламларда чоп этилгани, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК белгилаб берган журналларда эълон қилинган мақолалар,

илмий-амалий эксперимент натижалари бўйича илмий анжуман ва давра суҳбатларида берилган ахборотлар, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги тўғрисида тегишли ташкилотлардан олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда диний манбалардаги экологик қарашлар замонавий фан парадигмалари контекстида фалсафий таҳлил этилган бўлиб, диний манбаларда табиат борлиғига бўлган муносабат замонавий экологик инқирозларнинг олдини олишга оид билимларни тўлдиради, илмий-амалий чораларни қўллашда назарий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, “Фалсафа”, “Диншунослик”, “Илмий ижодиёт методологияси”, “Табиат фалсафаси”, “Ҳозирги замон табиий фанлар концепцияси”, “Ижтимоий экология” каби фанлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар тайёрлашда амалий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диний манбаларда экологик муаммолар ечими бўйича ишлаб чиқилган ижтимоий-фалсафий тақлифлар асосида:

экологик талофатлар, девиант ҳаракатлар ва нигилистик кайфиятни олдини олишда исломий манбалар (Қуръони карим ва Ҳадислар)даги табиатнинг қонун ва меъёрларини бузмаслик, табиат борлиғи компонентларининг табиий-биологик хусусиятларини сақлаш сингари ғоялардан унумли фойдаланиш зарурияти табиат-жамиyat муносабатларида фуқаролар масъулиятини ошириш, экологик қадриятлар ва экологик маданиятни юксалтиришнинг муҳим воситаси эканлигига оид илмий-назарий ғоялар, тақлиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг йиллик дастур сценарийсини тайёрлашда, жумладан, Қўмитанинг ҚҚ-100-IV-сонли қарорига 4-илова III-қисм 11-бандида “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунини тузиш ва амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2020 йил 25 августдаги 2-сон маълумотномаси). Натижада, аҳолининг ва таълим олувчиларнинг диний-экологик билимларини янада юксалтиришга хизмат қилган;

Юсуф Ҳамадонийнинг “Фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон” (“Коинот ва инсон ҳақида”) рисоласидаги борлиқ ожизлиги, коинотнинг кадр-қиммати ва устунлиги, инсоннинг борлиқни бошқарувчиси эканлиги ва коинотсиз яшай олмаслиги, маънан коинотнинг амрига бўйсунувчи эканлиги тўғрисидаги тасаввуфий қарашлар экологик муаммоларнинг олдини олишда субстанционал вазифани бажаришига оид конструктив фикр-мулоҳазаларидан “Мир Араб” олий мадрасасида ўқитиладиган фанлар учун манба бўлган “Тасаввуф сабоқлари” номли ўқув қўлланманинг Марказий Осиё тасаввуф намаёндаларининг илмий меросларида “Меъёр” категориясининг ёритилиши деб номланган III-бобини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг 2020 йил 26 августдаги 1694-сон маълумотномаси). Натижада, диний-маърифий жараёнларни таҳлилий ўрганиш, жамиятда динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, аҳоли ўртасида диний муҳитни янада соғломлаштириш юзасидан ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар сценарийсини яратилишида илмий манба сифатида хизмат қилган;

экологик муаммоларни бартараф этиш ва атроф-муҳитни асрашда диний манбалар (“Авесто”, “Таврот”, “Қуръони карим” ва Ҳадислар)даги табиатнинг барча неъматларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, инсон - табиат олами учун масъулиги, табиат манбаларини эҳтиёж доирасида ишлатишнинг мувофиқлаштирувчи ва барқарорлаштирувчи диний-экологик парадигмаларининг ижтимоий аҳамиятига доир амалий таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Экологик партиясининг “Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, маҳаллийлаштиришни таъминлаш, экологик вазиятни тиклаш ва соғломлаштириш, бошқа экологик ноқулай ҳудудларда экологик

муаммоларни ҳал этиш ва аҳоли саломатлигини сақлашга йўналтирилган инновацион ғоя ва технологияларни, дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” бўйича аҳоли ўртасида ўтказилган социологик тадқиқот дастури сценарийсини тузиш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Экологик партиясининг 2020 йил 25 августдаги 08/196-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Экологик партияси фаолиятининг ривожланишига, жамиятда экологик онг ва маданиятни юксалтиришга хизмат қилган;

табиатга зиён келтирган шахсга нисбатан жазо чораларининг мавжудлиги, экологик фаолликни рағбатлантириш каби экологик ҳуқуқ-нормаларга риоя қилишнинг бирламчи кўринишлари зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да илмий асосланганлигига оид илмий асосланган таклиф ва тавсияларидан Хоразм вилояти телерадиокомпанияси томонидан 2020 йил май-июнь ойларида эфирга узатилган “Буюк мутафаккирлар асарларида экологияни асраш ғоялари ёшлар нигоҳида”, “Ёшлар ва экологик тарбия” номли махсус телекўрсатувнинг Дастур сценарийсини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 19 августдаги 2084-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимизда шахс экологик ижтимоийлашувини шакллантиришга, глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви ва информацион жамиятнинг шаклланиб боришида шахс экологик ижтимоийлашувига ташқи таъсирларнинг кучайиши ҳамда экологик ижтимоийлашишга таъсир этувчи институтларнинг узвий ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган. Шунингдек, диссертация натижаларидан Лунд университетида (Швеция) тайёрланаётган инновацион ва мутахассислик курсларида ҳамда “ГИС (географик ахборотлар тизими) ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича масофадан бошқариш” курсларида кенг қўлланилмоқда.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (жумладан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шунингдек, социологик тадқиқот натижалари таҳлили ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

Г БОБ.

ДИНИЙ МАНБАЛАРДАГИ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ НАЗАРИЙ–МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Диний манбаларда экологик мувозанат “олам тартиблиги” тушунчаси орқали ифодаланади. “Олам тартиблиги” ҳақидаги ғоя барча динларнинг диққат марказида туради. “Олам тартиблиги” тушунчасининг ўзи замонавий иборалар орқали ифодаланганда “биосферанинг ҳаёт кўрсаткичлари”, “экологик мувозанат”, “табиат қонунлари”, “биосферанинг имконият чегаралари”, “табиий-экологик меъёр”, “оламни оқилона бошқариш” каби тушунчалар билан синонимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш эътиборимиз марказида туриши зарур”, деб таъкидлади.⁷ Мазкур масала ечими учун Ер сайёрасида яшовчи ҳар бир инсон диний эътиқодидан, миллати, тили, жинсидан қатъий назар, табиат борлиғи ва унинг сифат кўрсаткичлари учун масъулдир.

2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида Ўзбекистон томонидан тақдим этилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди. Мамлакатимизда турли диний конфессиялар вакиллари ҳамда турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, шу жумладан, табиат борлиғини асраш – биосферани ноосферага айлантириш долзарб масала ҳисобланади.

Ислом ҳамкорлиги ташкилоти (ИХТ)га аъзо давлатлар маданият вазирларининг қарорига кўра, ҳар йили мусулмон мамлакатларидаги 3 та шаҳарни Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилади. Уларнинг бири араб давлатлари, бошқаси Осиё ва учинчиси Африка мусулмон мамлакатларидаги шаҳарлардир. Ислом ҳамкорлиги ташкилоти маданият вазирларининг IX

⁷Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи. 2018. 29 декабрь. –Б.4.

анжумани қарорига кўра, 2020 йилда Бухоро, Коҳира (Миср) ва Бамако (Мали) шаҳарлари Ислом маданияти пойтахтлари сифатида тасдиқланган. Айтиш жоизки, 2007 йилда ушбу ISESCO (Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Ислом олами ташкилоти) томонидан Тошкент – Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинган эди. Диний манбаларда (қадимги, миллий, жаҳон), айниқса, Ислом динида экологик масала қадрият даражасига кўтарилган - табиатга оқилона муносабатда бўлишга алоҳида эътибор берилган. Ислом динида катта из қолдирган деярли ҳар бир алломанинг асарларида диний ва дунёвий илмлар алоқадорлиги, оламни асрашда экологик илмнинг аҳамияти борасида ибратли ғоя ва фикрларни учратамиз. Бинобарин, Олам – Ер сайёраси барча динлар аҳли ва миллат вакиллари учун ягона ҳаёт манбаидир.

§ 1.1. Авестода табиат муҳофазасига оид ғоялар

Энг қадимги динлардан бири бўлган зардуштийлик милоддан аввалги учинчи минг йиллик охирларида шаклланиб, Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Ҳиндистонда кенг тарқалган асосий дин бўлган. Ўрта Осиё халқлари қадимда эътиқод қилган Зардуштийлик дини кўплаб тадқиқотчилар илмий хулосаларига кўра Хоразмда пайдо бўлган.⁸ Бугунги кунда Зардуштийлик динига эътиқод қилувчилар сони дунёда икки юз мингдан ошган бўлиб, шуларнинг юз минг нафари Ҳиндистонда истиқомат қилади. 2003 йил ЮНЕСКО томонидан зардуштийлик динининг уч минг йиллиги нишонланди. Бу диннинг муқаддас китоби бўлган “Авесто” милоддан аввалги X-VII асрлар орасида яшаган Зардушт (форсча Зардуштра, юнонча Зороастр) томонидан бир тизимга келтирилган. “Зардуштра” форсчада “Туя боқувчи” деган маънони англатган.

“Авесто” ҳақида буюк олим Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: “Йилнома Китобларида бундай дейилган... Подшоҳ Доро ибн Доро

⁸ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997. –Б.62.

хазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди”⁹. “Авесто”да диний масалалар қамраб олинishi билан бирга фалсафа, сиёсат, ахлоқ, адабиёт, биология, тиббиёт, тарих ва бошқа муаммоларга ҳам катта эътибор берилган.

“Авесто” – зардуштийлик динининг асосий, муқаддас китоби⁹; баъзи адабиётларда у – “Ҳаёт йўриқномаси” деб ҳам аталган. “Авесто” – табиий, фалсафий билимлар, инсонни, табиатни улуғлаштириш, муқаддаслаштиришга оид қадриятлар мадҳияси, шарафномаси, деб ҳам аталади. “Авесто”да халқимизнинг энг қадимий байрамларидан бир бўлган “Наврўз” ўз аксини топган. “Наврўз” (милоддан аввалги VI асрдан бошланган) илк экологик амалиёт – уруғларни саралаш, экин ерларини тозалаш-экинга тантанали тайёрланиш, кўчатлар экиш, энг сара дарахт навларини пайвандлаш, гуллар экишда барча инсонлар фаоллиги, табиат жонланиши, уйғонишига ёрдам бериш жуда муҳим қадрият ҳисобланган.

Зардуштийликда табиатга, ерга, бутун жонзотларга, дарахт-ўсимликларга меҳр билан қараш тарғиб қилинган. Оддий меҳнаткаш инсон улуғланган. Табиат ва унинг неъматларига бўлган эзгу, оқилона муносабат “Авесто”даги “Дехқончиликнинг фойдаси ҳақида” номли махсус бўлимда кенг изоҳланган. Оламнинг дастлабки беш унсурлари – ер, олов, табиат, сув ва ҳаво улуғланган. Зардуштийлик таълимоти беҳуда қон тўқувчи, қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик ҳужумларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади, айниқса, йилқичиликни йўлга қўйиш, сувни муқаддас тутиш шартлилиги таъкидланган. Зардуштийлар моҳир соҳибкор, боғбон ва деҳқон бўлганлар, узоқ вақтгача май тайёрлаш, сотиш ишлари

⁹ Беруний. Танланган асарлар. I-том.- Тошкент, 1968. –Б.238.

билан шуғулланганлар: дайри муғон, харобот, пири муғон ва х.¹⁰ (Дайри муғон –оловга эътикод қилувчилар ибодатхонаси, оташхона; Борлик ҳақиқатининг сақловчиси, эгаси; пири муғон – майхона соҳиби, майфуруш; харобот – харобазор ёхуд майхона)¹¹ .

Зардуштийлик таълим

эотига кўра қуёш нурлари оламдаги наботот ва ҳайвонот ҳаётини таъминлайди. “Авесто”нинг “Қуёшга алқов” қисмидан келтирилган парчага диққат қилсак:

1. Биз Қуёшга топинурмиз,
Унинг ўлмас ёлқинига.
2. Қуёш балқиб чиққанда
Мазда берган ер ялқир,
Оқар сув балқир шунда,
Балқир булоқ сувлари,
Барча хилқат яшайди¹².

Юқоридаги мисралар орқали Зардуштийлик таълимотида қуёш тафтисиз ҳаёт бўлмайди, ҳар бир ўсимлик, ҳар бир жонзотда қуёш зарраси мавжудлиги англанади. Бунда борлик ва ҳаётнинг асоси сув, олов, ҳаво ва ер, дунёдаги ҳамма нарса ана шу тўрт унсурдан пайдо бўлганлиги, ҳаётни қуёш таъминлаши, олов эса унинг ердаги заррачаси эканлигини таъкидловчи ғояни илгари сурилади. Бинобарин, Зардуштийлик дини таълимотида “ҳар бир мавжудотда Ахура Мазда зарраси бор” деган ғояни учратамиз. Бу ғоя эса инсоният билан табиат бўлақларининг уйғунлик билан тараққий этганлигини кўрсатибгина қолмай, балки унинг илдизлари Зардуштийлик динида ҳам борлигини исботлаб беради.

¹⁰Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997. –Б.208.

¹¹ Фарҳанги забони тоҷики. (Аз асри X то ибтидон асри XX). Иборат аз ду чилд. Чилд. I. Нашриёти Советская энциклопедия”. – Москва, 1969. Фарҳанги забони тоҷики. (Аз асри X то ибтидон асри XX). Иборат аз ду чилд. Чилд. II. – М.: Советская энциклопедия, 1969. Имомназаров М., Эшмухаммедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Тошкент: “Тошкент ислом университети”, 2001. –Б.213.

¹² Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997. –Б.236

Шунингдек, Зардуштийлик динида кўриқ ер очиб, уни боғ-роғга айлантирган одам илоҳият раҳматига учрайди, аксинча, боғлар, экинзорлар, суғориш иншоотларини бузганлар катта гуноҳга қолиши алоҳида таъкидланган.¹³

“Авесто”нинг кўпгина қасидаларида табиатдаги боғларни, фойдали ва фойдасиз наботот ва ҳайвонот оламини асраш, сувларнинг тозалигини сақлаш, сувни муқаддас тутиш шартлиги, тупроқ, олов ва бошқаларнинг софлигини асраш ҳақида қизиқарли фикрлар айтилган. Заратуштра орқали одамлар табиат борлигининг бир-бирига алоқадорлиги, уларнинг ташқи муҳит билан алоқасини кенгроқ билиб олишган. Қабила аъзолари табиатнинг барча неъматларига сиғинишган, уларни эъзозлашган, дарахтларни қуригандан кейингина ёқиш мумкинлигини тушунишган. Дарахтнинг бир шохини синдирган ёки нопок кўзани ҳовузга солган инсон ҳам 25 қамчи қалтакланиш билан жазоланган.

Юқоридаги маълумотларга кўра, Аша ёки Арта уч асос бирлик алоҳида эмас, биргаликда мавжуд экан. Ички-руҳий, маънавий олам ва моддий, табиат оламидаги эзгуликлар – узвий тизими инсон фаолиятида намоён бўлади. Атроф-муҳит, ҳаво, чорвалар, тупроқ - ер, сувни покиза сақлашни фикримиздагина эмас, балки амалиётда кўрсатсак, эзгулик амалини тўлиқ бажарган бўламиз. Авесто таълимотини энг муҳим ва ҳозирги кун учун ниҳоятда қадрли бир томони шундаки, у ҳам бўлса, бу таълимот ва унинг тарафдорларининг табиатга уйғун муносабати, уни ниҳоятда авайлаб асраганидир. Айтиш жоизки, табиатдаги кўпсифатлилик уларни лол қолдирган. Табиат борлигидаги ҳар бир жиҳатга, хоҳ жонли, хоҳ жонсиз бўлсин қасидалар бағишланган. Амалий ҳаётларида ҳам улар нафақат жонли табиатни, балки жонсиз табиатни ҳам яхлитлигача асрашга ҳаракат қилганлар. Ҳўл дарахтлар сира ҳам ёқилмаган, бу билан оловга ҳурмат, ҳавони асраш моҳияти кўринадир. “Авесто”да сув ҳосилдорлик маъбудаси Ардвиги, бошқача

¹³ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997. –Б.26.

айтганда, “Обон - яшт”, яъни сувлар қасидаси, Савонхи (хайвонларга ҳомийлик қилувчи илоҳ), Фародат – Фшова (майда хайвонларга ҳомийлик қилувчи илоҳ) – табиат борлигининг барчаси муқаддас ҳисобланган, итни ўлдириш катта гуноҳ саналиб, ўсимликлардан турли хилма-хил шарбатлар (тетиклаштирувчи, ёшартирувчи, оғриқни қолдирувчи ва х.) тайёрланиб, истеъмол қилинган.

“Оқин сувлар,
Ўлик сувлар,
Сарчашмалар
Сувларидан баҳрубарнинг...”

Табиий сувларнинг кўп сифатлилиги ўша пайтдаёқ зардуштларга аниқ бўлгани юқоридаги мисралардан кўриниб турибди. Табиат билан бўлган муносабатда ҳам одам ҳақиқатдан чекинса, уч асос бирликдан воз кечса:

“Ўз аҳдини бузган кимсалар,
Ўз сўзида турмаган каслар
Ҳукм куни сонсиз-саноқсиз
Улоққанча ётарлар абгор”.¹⁴

Эътиборлиси шундаки, ҳукм куни марҳумлар руҳи устидан ҳукмни Митра, Рашну ва Срахша чиқаради. Ҳукм куни кишининг фоний дунёдаги қилган яхши ишлари ва ёмон, ёвуз амаллари ўлчанадиган кун. Бу кунда кишиларнинг фақат инсонлар билан эмас, балки табиат борлигидаги ҳар бир жонсиз ва жонли ҳилқат билан мулоқот пайтидаги амаллари ҳам ўлчанади. Киши бир дарахт экиб, уни ҳосилга киритган бўлса, бир арини ўлдирган бўлса ҳам “ҳукм куни” булар ижобий ёхуд салбий амал тарзида ҳисобга олинади. Ушбу динга эътиқод этувчиларнинг ҳукм куни тўғрисидаги ақидавий қарашлари инсонларнинг флора ва фаунага бўлган муносабатларини ҳам ижобий томонга йўналтирган, шундан бўлса керак, мол гўштини истеъмол қилмаслик уни илоҳийлаштириш ҳукми ҳозирги кунда ҳам Ҳиндистонда

¹⁴ Авесто // Санъат. - Тошкент, 1991. -№ 6.-Б.25.
Авесто // Санъат. – Тошкент, 1991. -№4. –Б.18-22.

сақланиб қолган. Шунингдек, табиат борлиғи билан муносабат пайтида ҳам ёлғонга йўл қўйиш мумкин эмас. Оламни бошқарувчи куч - олий ҳақиқат. Олий ҳақиқат ва эзгу фикрат инсоннинг табиатга, инсонга муносабати меъёр модификацияси бўлиб келган бўлса, меъёрнинг яна бир шакли олам мутаносиблиги, тартиблилиги олти асос бирлик бўлиб изоҳланган. Булар:

Эзгу фикрат – Воху – Мана;

Олий ҳақиқат (Арта) – Оша Вохишта (Аша Вахишта);

Муқаддас Тавфиқ – Спанта – Ормайти;

Матлуб Ҳокимлик – Хшатро – Вора;

Бутунлик – Харватот;

Мангулик – Омаратот.

“Авесто”даги қасидалардан кўриниб турибдики, олам иккига ажратилиб қаралган. Биринчиси: моддий, табиий, объектив олам (Бу оламда мавжуд бўлган эзгу ёки ёвуз амаллар). Иккинчиси: рухий, маънавий олам (Бу оламда мавжуд бўлган – эзгу ёхуд ёвуз фикр, калом).

“Авесто” таълимотининг энг муҳим томони шундаки, у ҳар икки олам борлиғида ҳам меъёрнинг мавжудлигини аниқ кўрсата олган.

Меъёр – эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал ягоналиги.

Меъёр – уч асос ягоналиги, уч асос яхлитлиги, бир бутунлиги – эзгу фикрлаш, эзгу калом, эзгу амалдир.

Профессор Ҳ.Ю.Саломова таъкидлаганидек, “Меъёр – олти асос бирлиги кўринишида намоён бўлади”¹⁵. “Олти асос бирлиги: сув, ер, осмон, ўсимликлар, ҳайвонлар, одам”. Олти асоснинг бири бўлмаса ёки ўз табиий меъёридан кам бўлса, олам табиат борлиғига путур етади. Сув – бутун борлиқни поклаш манбаи ҳисобланган. Тупроқ, ер – инсонни тўйдирадиган, кийинтирадиган манба бўлган. Ўн сантиметрли гумус қобиқ – ҳосил берадиган тупроқнинг қисмини олсак, бунинг учун табиат 2000 йилдан 7000

¹⁵ Саломова Ҳ.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. – Бухоро: “Дурдона”нашриёти, 2018. -Б.40.

йилгача “меҳнат” қилади.¹⁶ Тупроқни асраш, ҳавони ифлосламаслик ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, инсонлар қулай яшашига хизмат қилади. Демак, экологик кадрият илдири “Авесто”дан бошланган, деган фикрга олиб келади. Инсон маънавий – руҳий меъерининг табиат борлигидаги амалиётда намоён бўлишини, уларнинг узвий тизимини кўрсата олгани бизни экологик офатлар олдини олишнинг энг биринчи йўли табиат борлигидаги ҳар бир неъмат, экотизимларнинг табиий-экологик меъерларни бузмасликдан бошланади, деган хулосага олиб келди.

“Авесто”да уқтирилишича болалар ёшлигиданоқ дарахт кўчатларини ўтқазилари шарт бўлган. Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи жазосига маҳкум этилган. “Авесто”да энг муҳим экологик талаб сифатида бир турдаги табиий объектни бузгани учун иккинчи бир турдаги табиий объектни тўлдириш шартлиги меъер қилиб олинган. Итти ўлдириш қаттиқ гуноҳ саналган. Масалан, сувни ифлос қилган ёки ов итини ўлдирган киши 10 000 руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик барги териши, 1000 эчкимар, 1000 та сув қўнғизи ва касаллик тарқатувчи пашшани ўлдириб, гуноҳини ювиши лозим бўлган. “Авесто”нинг “Вандидод” қисмида яйлов ва экинзорларни пайхон қилган, хонаки ҳайвонлар, ов ва чўпон итига озор етказган, уларни қасддан ёхуд билмасдан ўлдириб қўйган кишиларга қўлланиладиган жазо, жарима тартиб – меъерлари батафсил баён қилинган. “Вандидот”да ҳайвонлар, уй ҳайвонларига, турли хилдаги итларга қарши жиноятлар, табиатга қарши жиноятлар: ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини, жамоат тозалиги, шахсий тозалик қоидаларини бузиш, боғ-роғларга зарар етказиш, бетартиб бутазорлар яратиш, сувни исроф қилиш кабилар мансуб бўлган¹⁷.

“Вандидод” китобида Ахура Мазда қасамлар саноғи олтига, деб уқтиради. Мазкур олти қасамнинг барча табиатга оқилона муносабатни ўз ичига жамлаган. “Ахура Мазда жавоб берди:

¹⁶ Саломова Ҳ.Ю. Меъернинг фалсафий моияти ва амалий аҳамияти. – Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2018. – Б.178.

¹⁷ Авесто (“Вандидод”. Тўртинчи фарғард.) - Тошкент: ”Шарқ”, 2001. –Б.117.

- Менинг қасамларим олтига;
- биринчи – сўз қасами;
- иккинчи – қўл қасами;
- учинчи – қўй қасами;
- тўртинчи – сигир қасами;
- бешинчи – одам қасами;
- олтинчи – экин қасами; энг яхши, энг обод, энг серҳосил заминдаги экин¹⁸.

Кўриниб турибдики, деярли барча қасамёдларда табиат, табиат тозалиги, атроф – муҳитга оқилона муносабат, экологик маданият куртаклари намоён бўлган. Қасидаларда табиат ва атроф-муҳитни булғайдиган, турли касалликлар тарқатадиган ҳайвон ва ҳашаротларни йўқотишга даъват этилган. Атроф-муҳит тозалиги ва ҳар бир инсоннинг катта-кичиклиги, эркак ёхуд аёллигидан қатъий назар шахсий тозалигига жиддий эътибор берилган. Бу ҳақда шарқшунос олима Фозила Сулаймонова шундай ёзади: “Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, Қуёшни олқишлаб сиғиниши шарт бўлган”.¹⁹

Қасидаларни ўқиш жараёнида ҳайвонларга ҳомийлик қилувчи илоҳ Савонҳи, майда ҳайвонларга ҳомийлик қилувчи илоҳ Фшова-Фродатлар ҳақида фикрлар экологик маданият пойдеворлари ўша пайтдаёқ оқилона шаклланганлигини кўриш мумкин. Инсонга қувват, бардамлик ва тетиклик бағишловчи сут билан омухта қилинган ўсимлик шарбати Ҳамма, Заотра ҳақида, “Обон яшт”²⁰, яъни “Сувлар қасидаси” табиат борлигини муқаддас билиб, уни асраш борасидаги фикрлар инсонни табиатни янада улуғлашга ундаб, яхши сўз, яхши фикр, яхши амал каби ахлоқий қадриятлар орқали Зардуштийлик динида шахсни маънавий етук, комил, экологик маданиятли қилиб тарбиялашга қаратилган.

¹⁸ Авесто (“Вандидод”. Тўртинчи фаргард.) - Тошкент: ”Шарқ”, 2001. –Б.117.

¹⁹ Сулаймонова Ф. Зардуштийлик ва Иония фалсафаси // Адабий мерос. – Тошкент, 1989. -№4. –Б.9-10.

²⁰ Авасто //Санъат. – Тошкент, 1991. -№4. –Б.27.

Авасто//Санъат. – Тошкент, 1991. -№5. –Б.18.

“Инсон, - дейилади “Авесто”да чорванинг кўпайишига, яйловларнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берган тақдирдагина, деҳқончилик ва суғориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилгандагина худо ёки унинг ёрдамчисининг иноятига мойил бўғусидир...Дон эккан киши тақводорлик уруғини экади. У Маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, у иймонни озиқлантириб туради”²¹. Зардуштийлик динининг (Вандидод 1-фаргарт, 5-банд)да, экин ерларини кўпайтириш, шудгор қилиш, асраб-авайлаш, уни муқаддас ҳисоблаб сажда қилиш илоҳий инъом тусини олган. Оловга сиғиниш, ер ва олов худоси Митрага, яйлов худоси Романога ибодат қилиш, уй-жой қуриш, уни олов билан, уй хайвонлари, хотин, бола-чақа билан тўлдириш, ўсимлик ва дарахт кўкартириш, катта-кичик уй ҳайвонларини кўпайтириш, ерни парвариш қилиш зардуштийлик динининг асосий таълимотидан бири бўлган.²² Таъкидлаш жоизки, милоддан аввалги 3-2 минг йилликларга тўғри келадиган Сурхон воҳаси Бойсун туманидаги Дарбандсойдан топилган “Дарбанд тош китоби” (унинг ўлчами 15x15x13 см бўлиб, тошнинг юзасида аввал ўткир тиг ёрдамида тирнаб чизилган, сўнг қора ва қизил оҳрада бўялган пиктографик ёзувлари тасвирланган сопол тошда²³ (мазкур тош 2008 йилнинг август ойида топилган) тоғ эчкиси, кийиклар галаси, илонлар, ой, қуёш, тоғ манзараси, манзилгоҳлар, одам кўзи каби пиктографик белгилар тасвирланган бўлиб, бу эса инсоннинг табиат борлиғи билан ягона – яхлит тизимда эканлигига ишора қилади. Шу сабабли ҳам, академик С.Ф.Ольденбург бу ҳақда, “инсоннинг ер юзидаги ҳаётини енгиллаштиришга, уни бахтиёр қилишга қаратилган оқилона дин” деб ёзгани бежиз эмас.²⁴

Аждодларимиз ўша пайтлардан бошлаб ўсимлик мева, поя, илдиз, баргларида турли шарбатлар, баъзи шарбатларга сут қўшиб қайта ишланишлар орқали кучли, саломатликни тикловчи ичимликлар тайёрлашни

²¹ Ўзбек педагогикаси антологияси. - Ташкент: Ўқитувчи, 1995. –Б.36.

²² Авесто.Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Мухтор таржимаси. – Тошкент: “ Шарк”, 2001. -384 б.

²³Хайтов Ш. Муроса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – Б. 188-189.

²⁴ Сулаймонова Ф. Шарк ва Ғарб. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997. - 207 б.

билишган. Баъзи шарбатларга сут қўшилса, баъзиларига сув қўшиб тайёрлашган. Сувда ҳаёт кучи бор, ҳаёт кучини ўсимлик шарбатлари билан бойитиб бориш керак, деб тушунишган.

Беморларни даволашда аждодларимиз халқ табобатидан жуда усталик билан фойдаланган. Шарқшунос олим Баҳромийнинг таъкидлашича, “Авесто”да мингдан зиёд доривор ўсимликлар, гиёҳлар рўйхати келтирилган. Энг ҳайратланарли томони шундаки, улардан дори олиш ва тайёрлаш йўллари кўрсатилган. Дорилар кўпинча шира, барг, гул, дон, бута ва гиёҳ илдизи ширасидан, заъфарон, коски, кунжут, кўкнори, ҳазорисбанд, зира, пиёз, зайтун мойи, седана, қатрон, найшакар, турп, хурмо, сабзи, беҳи, асал, савсан, зирк, баргизуб, дўлана каби гиёҳ ва ўсимликлардан тайёрланган. “Оқ Хум” барча доривор гиёҳларнинг подшоси ҳисобланган.²⁵

Биринчи параграф бўйича зардуштийлик дини манбаларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Зардуштийликда табиат борлигининг яхлитлиги кузатилган, уни ягоналикда асраш зарурлиги қатъий уқтирилган; Зардуштийлар сувни оловдан ҳам ортиқ эъзозлашган. Уларнинг фикрича, ерни қуршаган олти модда (олти маъбуданинг биринчиси сув-Апам-Напат) –бирдай асралиши шарт. “Олти асос Яккалик” – сув, ер, осмон, ўсимликлар, ҳайвонлар, одам”. “Олти асос” – муқаддас. “Олти асос яккалик” – биосфера: гидросфера, литосфера, космосфера, флора, фауна, инсон). Олти асос бир-бири билан диалектик алоқадор, ривожланиш, ўзгаришда, муайян мутаносибликда бир бутун яхлитда мавжуддир.

2. “Авесто”да нотирик табиат борлиғи ҳам, тирик табиат борлиғи ҳам бирдай авайлаб асралиши таъкидланган. Ҳайвон ва ўсимликлар оламининг катта-кичиклигига бирдай эъзозий муносабат бўлган; “Хапараси” - доимо яшнаб турувчи арча худонинг хушбўй тутатқиси сифатида маъруфдир. ”Намад” деб доимо яшил бутоқ, тоза шохчалар назарда тутилган.

²⁵ Каримов С. Шарқ ижтимоий тафаккури тарихидан. - Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2016. –Б.78.

3. Баъзи ҳайвонларни ўлдириш ва ҳатто истеъмол қилиш гуноҳ саналиб, уларнинг популяция сони (миқдори) ўз давридаёқ асралган; Бу эса тур камайиб кетишини олдини олиш сабабчиси ҳисобланган. Ҳар бир турнинг биосфера олдидаги ўз масъулияти, функцияси борлиги билдиради.

4. Мингдан ортиқ ўсимликлар вакилларининг фойдали дориворлик хусусиятлари ёритилган. Биргина ўсимликлар:

- а) хилма-хил шарбатлар ҳамда махсус ичимликлар тайёрлашган;
- б) хилма-хил дорилар, малҳамлар тайёрланган;
- в) жарроҳликда шаробга Хум ва наша шираси қўшиб, беморни беҳуш қилишда фойдаланишган.

5. Табиат борлигини ҳам, унинг таркибидаги табиат неъматларини ҳам тозалигини сақлаш энг асосий муаммолардан бири бўлган. Зардуштийлик дини ер муқаддас, ўлган ҳар бир нарса ҳаром, муқаддас ерни ифлослантирмаслик учун уни ерга кўмиб бўлмайдди, ўликлар суяги гўштидан ажратилиб остодонга солиб сақлаб кўйилган. (Ҳозиргача Ҳиндистондаги зардуштийлар ўликларни Даҳма-минорага чиқариб кўядилар, қарға ва грифлар еб бўлгач, суякларни дафн этадилар)²⁶.

6. Ерга ишлов берадиган киши энг аввало ўзи покланган, биринчидан, тоза либосларда ерга ишлов беришни бошлаши лозим бўлган, у инсон ер илмидан хабардор бўлиши шарт бўлган. Ер ҳақидаги чуқур илмли, тоза кийимли инсон ерга ишлов берганда “...бу заминда осойишталик, буғдой, ва гиёҳларнинг унумдорлиги ҳамда ҳосили тўқ бўлади”²⁷. Иккинчидан, фақат тоза ерга уруғ экишга рухсат берилган. Тоза либосли деҳқон: тупроқ-ернинг тоза, сифатли асралиши ва сифатли уруғ экиш булар ҳосилдорликка эришиш пойдевори саналганлиги билдирган. Зардуштийликда экологик қадриятлар: эзгулик намоёндалари бўлганлар: “Чорвадор эзгу ният учун интилувчидир... “ақлли чорвадор”...”чорва учун астойдил қайғурувчилар”...” Кимки ғалла экса олижанобдир...Эзгулик биргина меҳнатни эмас, балки табиат

²⁶ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Тошкент: ”Ўзбекистон”, 1997. –Б.34.

²⁷ Авесто. - Тошкент: “Шарқ”, 2001. –Б.150; Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. - Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги матбаа ижодий уйи нашриёти, 2015.

борлиғидаги ноз-неъматларни кўпайтиришга, авайлашга табиат борлиғини яшнатишга қаратилганлиги ҳамдир. Энг асосий хулоса шундаки, экологик кадриятлар орқали ер юзидаги ёвузлик, урушлар, тўқнашувлар қон тўкишлар олдини олишдир. ”Экин эқмоқ ёвузликни ер юзидан тугатмоқ демакдир”.²⁸ Дехқончилик ва чорвачилик меҳнати эзгуликнинг намоён бўлишининг асосий шакли бўлган.

7. Айнан “Авесто”да илк экологик ҳуқуқ-нормаларга риоя қилишнинг қатъий қўйилганлигини пайқаш мумкин. Атроф-муҳитни, кўча-куйни, бутазорлар, ўтлоқларни, ерни ифлос қилган ва уни асраш қоидадини бузган шахслар “400 қамчи уриш жазоси”га гирифтор қилинган. Ахлатини уй эшиги олдида қўйган хонадон эгаси ёхуд кўчани супуриб, ахлатини ўз вақтида олмаган киши 25 қамчи уриш билан жазоланган. Ҳовуз ва ариқдан нопок кўза ёки челақда сув олган кишига 5 қамчи уриш жазоси берилган. Ариқ ва анҳор бўйларида мол боқиш, отларни боғлашга рухсат берилмаган, қудуқ ва ҳовуз сувларини ифлос қилган кишиларга қатта жарималар солинган. “Ҳукм куни” инсоннинг табиат борлиғидаги экологик тафаккури, кадрияти, билими ва маданияти борасидаги амалий фаолиятларининг ҳисобга олинишидир. Табиат имкониятига мос ва аксинча, табиат имкониятидан оғир, манфий таъсирлар, табиатни ўзгартириш борасидаги ҳаракатларимизнинг барча-барчаси “Ҳукм куни”да ҳисобга олинган.

8. Муҳими шундаки, ахлоқ қоидаларини ҳар қандай қисмини бузган кишилар фақат атроф-муҳитни тозалаш, ободонлаштириш, кўприклар солиб бериш, ҳайвонларни кўпайтириш йўллари билан ўз жазоларини ўтаб беришган. Масалан, зинокорлар 14 ариққа кўприк солиб бериш билан ўз гуноҳларини ювиши мумкин бўлган.

9. “Авесто”да атроф-муҳитни муҳофазаси икки йўл билан амалга ошган:
а) Физикавий усул: ифлосланган жойлар тупроқ, тош, қайроқлар билан кўмиб ташланган; иссиқлик, олов ва совуқлик йўли билан кийим-кечаклар зарарсизлантирилган; б) Кимёвий усул: сирка, шароб, турли хилма-хил

²⁸ Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литературы. - М.: Наука, 1972. -С.52.

гиёҳлар пиёз, седана, алоэ ва сандаллар тутатиш билан микробларни ўлдириш.

10. “Вандидод”нинг 5 ва 11 бобларида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, шахсий гигиена соч, тирноқ, баданларни поклаб юриш, бадантарбия, овқатланиш меъёрлари, кунига юз-қўлларини беш мартадан кам ювмаслик ҳақидаги мулоҳазалар баён қилинган.

§1.2. Таврот таълимотида экологик масалаларнинг фалсафий таҳлили

Дунёдаги энг қадимий миллий динлардан бири бўлган Яҳудийлик дини тахминан мил.авв. 2-минг йилликда Мисрда пайдо бўлган. Ушбу дин таълимотига кўра, Иброҳим (Авраам) пайғамбардан бошланган ва унинг набираси Исроилнинг 12 фарзандидан 12 яҳудий қабиласи пайдо бўлган. Ақидавий қарашлар якка худо – Я вега иймон келтириш, яҳудийларнинг ер юзидаги халқларнинг “энг мумтози” эканлиги, Мессия - яҳудийлар орасида халоскор келиши ва у яҳудийларнинг душманларини жазолаши, охират борлиги ва Муқаддас китобларга ишонишга асосланади. Яҳудийлик динининг муқаддас китоблари - Тора (Таврот, Қадимги Аҳд қисми) ва унинг шарҳи сифатида ёзилган Талмуд ҳисобланади²⁹.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда яҳудийларнинг умумий сони 14 млн. кишини ташкил этади. Энг йирик яҳудий жамоалари АҚШ (5,6 млн.киши), Исроил (5,6 млн.), Канада (350 минг), Франция (310 минг), Буюк Британия (280 минг), Германия (230 минг), Россия (230 минг), Аргентина (200 минг), Австралия (110 минг), Бразилия (110 минг) каби мамлакатларида мавжуд³⁰.

Ягона Худога, муқаддас китобга ва пайғамбарларга иймон келтирилиши билан Яҳудийлик дини миллий динлардан, миллийлаштирилиши билан эса, илоҳий динлардан ажралиб туради.

²⁹ Қаранг: Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. - Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – 303 б.

³⁰ The Global Religious Landscape. Pew Research Center. Washington, D.C. 2012. -P.43.

Яхудийлик дини вакиллари тарихий ва адабий-бадий манбаларда “яхудий”, “иброний” ва “исроил ўғиллари” каби номлар билан тилга олинади. Бани Исроилнинг 12 қабиласига асос солган, деб ҳисобланадиган Исҳоқ пайғамбарнинг ўғли Яъқубнинг 12 ўғлидан бирининг исми “Юда” ёки “Яхуда” бўлган деган тахминдан келиб чиққан ҳолда унинг исмига монанд равишда “яхудий” атамаси шаклланган.

Қуръони каримда пайғамбарлар ичида Мусо алайҳиссаломнинг исми энг кўп – 136 маротаба зикр қилинганлигини кўраемиз.

Яхудийлик дини Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган Таврот минг сура, ҳар бири етти минг буйруқ-амри-маъруф диний насихатдан иборат китоб билан боғлиқ. Тавротда Худо бандалари учун истеъмол қилишга буюрилган ҳалол ва ҳаром қилинган ҳайвонлар ҳамда жониворлар маълум қилинган.

Булардан инсонларга истеъмол қилишга ҳалол қилинган ҳайвон ва жониворларни аниқлаш учун қуйидаги талаблар қўйилганини кўраемиз. Жумладан: ҳайвонларни ҳалол бўлиши учун туёғи айри ва чуқур, кавш қайтарадиган жониворлар бўлиши керак ва булар қуйидагилар: қўй, эчки, туя, қорамол, қуён ва бошқалар;

- денгиз жониворларидан тангали балиқлар ва бошқа балиқсимонлар;

- ҳашаротлардан чигиртка ва унинг турлари, солам, харгол, хағоб ва уларнинг турлари.

Ҳаром қилинган ҳайвон ва жониворлар эса қуйидагилардир:

- қўшоёқлар кавш қайтарадилар, лекин туёқлари айри эмас, улар ҳаром;

- чўчқанинг туёғи айри, лекин у кавш қайтармайди, демак, ҳаром;

- тўрт оёқли йиртқич ҳайвонлар: шер, йўлбарс, қоплон, бўри, тулки ва бошқалар;

- от, эшак;

- кемирувчилар: сичқон, каламуш, юмронқозик, олмахон (хомяк);

- калтакесак, буқаламун ва ҳоказо судралиб юрувчилар;
- қушлардан қарға, оққуш, лайлак, туяқуш, бойўғли, укки, сассикпопишак, кўршапалак, қирғий, калхат, шунқор, денгиз бургути, катта бургут – қорақуш ҳамда ўлимтик ейдиган бошқа қушлар ва қанотли, тўрт оёкли жониворлар, судралиб юрувчилар киритилган.

Шунингдек, ҳаром қилинган ҳайвонлар ва жониворларнинг мурдаси ҳам ҳаром қилинган.³¹ Ушбу муқаддас китобда табиатдаги барча жониворларнинг истеъмол нуқтаи назаридан ҳалол ва ҳаромга ажратилиши инсон саломатлиги билан боғлиқ экологик тамойилларга таянилганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу диннинг муқаддас саналган китоби Талмудда яҳудийликнинг маросимлари, анъаналари ва урф-одатлари баён этилган бўлиб, одатда Талмуд “Оғзаки Тора” деб аталган. Талмудда 613 та қрида бўлиб, уларнинг 365 таси ман этиш ва 248 рухсат бериш характериға эға. Қридаларнинг барчаси Тораға асосланган³². Бу ўринда ҳам “ман этиш-рухсат бериш”да инсон саломатлиги, баркамоллиги асосий таянч мезон сифатида қаралган.

Яҳудийлик динининг муқаддас китоби Таврот беш китобдан иборат бўлиб, унинг “Ловийлар” (ибр. - “Вайикра”) китоби 27 бобдан иборат бўлиб, унда яҳудийлик динининг асосий ахлоқий асослари ва диний кўрсатмалар, гуноҳларнинг каффорати, истеъмоли ҳаром қилинган нарсалар, тақиқланган никоҳлар, диний маросимлар, байрамлар ва қурбонликлар билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Бу диннинг байрамлари (Моэд) ичида асосийлари қуйидагилар ҳисобланади: Шаббат (ҳар шанба куни) - дунё яратилиши хотираси; Рош га-Шана (сентябрь-октябрь, яҳудий календариди 1-2 тишрей) - Янги йил байрами; Йом-Кипур (октябрь - 10 тишрей) - гуноҳлар кечириладиган кун;

³¹ Библия. “Ловийлар” бўлими. 11-12 боблар.

³² Зюбер В., Потэн Ж. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Пер. с фран. Терюковой Е. - СПб. : Питер, 2008. - С.120.

Песах (Пасха, март-апрель, 15-22 нисон) - баҳор келиши ва яҳудийларнинг Миср куллигидан қутулиши билан боғлиқ³³.

Яҳудийлик динида овқатланишда қатъий чекловлар (кошер қридалари) бор. Гўшт учун ҳайвон (мол, қуй, эчки) муайян диний қоидаларга риоя этган ҳолда сўйилиши лозим. Бунинг учун яҳудий диний таълим муассасаларида алоҳида курслар ташкил этилган. Уни тамомлаганлар “Шохет (қассоб)” дейилади. Сўйиш бўйича қонун-қридаларни “Шхита” дейилади. Унга кўра инсонлар истеъмол қиладиган, сўйилган ҳайвоннинг тўрт аъзоси соғлом бўлиши шарт:

- териси турли кўтир, туллаш каби касалликлардан ҳоли бўлиши;
- ўпкасига сув қуйиб текширилганда ундан сув чиқиб кетмаслиги, яъни тешиклари бўлмаслиги;
- жигарида тош ёки қурт бўлмаслиги;
- корни ёриб кўрилганда унинг ичида ўлимга сабаб бўлиши мумкин бўлган тош, темир ва ойнак каби жисмлар бўлмаслиги шарт.

Бундан ташқари, сўйилган гўшт таркибидан қонни бутунлай чиқариб юбориш керак бўлади. Агар балиқ гўшти бўлса, у албатта тангали ва сузгичли бўлиши лозим.

Эътибор қаратсак, Исроил қавмининг чўлда ўтказган ҳаёти ва бошдан кечирган ҳодисалари, қоя тошдан сув чиқарилиши, ўлим ва илон воситасида шифо топиш билан боғлиқ бўлган маълумотлар эса 36 бобдан иборат “Сонлар” (ибр. - “Бамидбар”) китобида келтирилган. “Қуръони Карим”да Аллоҳ таолодан Мусо ўз қавмини сероб қилишни сўраганида, “Ҳассанг билан тошни ур!” деганини эсланг. Бас, ундан ўн икки булоқ отилиб чиқди. Ҳар қабила ўз сувини билди. Аллоҳ берган ризқдан еб-ичинглар. Ер юзида бузғунчилик устига бузғунчилик қилманглар” (“Бақара” сураси 60-оят)³⁴ деб таъкидлаган ушбу оят орқали маълумотлар ўз исботини топади.

³³ Яблоков И. Н. Религиоведение: Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. - М. : Гардарики, 2000. – С.194.

³⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири хилол. Фотиҳа ва Бақара суралари. 1-3-поралар. – М.: Шамс, 1996. – Б 85.

Ушбу масала юзасидан Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мусулмонларга 2 - “Бақара” сураси 172-173-оятларида: “Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳгагина ибодат қилувчи бўлсангиз, сизларга Биз ризқ қилиб берган покиза нарсалардан еб, Унга шукр қилингиз! У сизларга ўлимтик, қон, чўчка гўшти ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларни (истеъмол қилишни қатъий) ҳаром қилди. Аммо, зулмкор ва тажовузкор бўлмаган ҳолда, заруратан, мажбур бўлса (очлик танглиги юзасидан тановул қилса), унга гуноҳ йўқдир. Дарҳақиқат, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир”³⁵.

Бу ўринда Аллоҳ таоло қонни мусулмонларга ҳаром қилмоқда. яҳудийлик динида ҳам қон ҳаром қилинган бўлса-да, мана шу жойида Яҳудийлик ва Ислом динида фарқларни учратишимиз мумкин. Яҳудийларда ҳайвон сўйилгандан кейинги томирларда қолган қон ҳам ҳаром ҳисобланади, мусулмонларда эса бунинг аксидир. Роваибул баён тафсирида Муҳаммад Алий Собуний: Уламолар қонни ҳаром, нажас (Ҳаром)лигига ва у ейилмаслиги ва ундан фойдаланмасликка иттифоқ қилганлар. Аллоҳ таоло қонни бу ўринда мутлақ ҳолатда зикр қилди, “Анъом” сурасида эса уни тўкилган қон деб қайд қилган. Айтинг: “Менга ваҳий қилинган нарса (Қуръон)дан таом ейдиган кишига ўлимтик, тўкилган қон, чўчка гўшти – у, албатта, палид – ва (сўйишда) Аллоҳдан ўзганинг номи аталган “фисқ” (“ҳайвон”)дан бошқа ейиш ҳаром қилинган нарсани топмаяпман”. Бас, кимки заруратда қолиб, (бошқага) зулм қилмаган ва (зарурат) ҳаддидан ошмаган ҳолда (уларни еса), албатта, Раббингиз кечиримли ва раҳмлидир³⁶. Яъни, ҳайвон сўйилганда танадан ажралиб оққан қоннинг ҳаромлиги айтилмоқда. Аммо гўштнинг ички қисмида, томирларида қолган қонлар ҳаром эмас. Икрима (рз.): “Агар шу оят бўлмаганида мусулмонлар ҳам

³⁵ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – Б.36.

³⁶ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири хилол. Анъом сураси. 7-8-поралар. – М.: Шамс, 1996. – Б 147.

яхудийлар каби гўшт томирларидаги қолган қонлардан ҳазар қилиб, емаган бўлур эдилар”, – деганлар³⁷.

Бундан ташқари, Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом эшак, олақарға, сувдаги балиқдан ташқари сув жониворлари гўштини, сувда шубҳали тарзда ўлиб ётган балиқни ҳам ейишдан қайтарганлар, биз келтирган ушбу далиллар диний манбалардаги экологияга ва инсон саломатлигига тааллуқли ғоялар бугунги кунда ҳам долзарб эканлигини кўрсатади.

Яҳудийликнинг муқаддас манбасида, яъни “Таврот”дан Мусо пайғамбарнинг биринчи китоби “Ибтидо”нинг “Дунёнинг яратилиши” деб аталган биринчи бобида тун ва кунни, осмон ва ерни, яратилиши тўғрисидаги куйидаги маълумотларга дуч келамиз. Унда яхве шундай деб хитоб қилади: “Ер ўсимликларни кўкартирсин: уруғ берадиган ўт-ўланлар кўпайсин, мевасида уруғи бор турли-туман мевали дарахтларни ундирсин”, “кун-тун, осмон ёритқичларини яратиб, фаслларга ажратти”³⁸. Яна Худо айтди: “Сув тўда-тўда жониворлар билан қайнасин, ер устидаги осмон гумбази бўйлаб кушлар учсин”, “Баракали бўлинглар, кўпайинглар, денгиз сувларини тўлғазинглар. Ер юзида эса парранда кўпайсин”, -деди. Худо кейин: “...одамни яратди. У денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар, чорвалар, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча махлуқот устидан ҳокимлик қилсин”, -деди. Худо одам учун берилган табиат инъомларини эслатиб: “Мана, Мен сизларга бутун ер юзидаги уруғ берадиган ўт-ўланнинг ва уруғли мева берадиган дарахтнинг ҳаммасини бердим, сизларнинг истеъмолингизга ярайди. ...Шунингдек, тирик жони бўлган бутун ёввойи ҳайвонларга ва осмонда учиб юрувчи барча паррандаларга ва ер юзида ҳаракат қилувчи барча махлуқларга ҳам озуқа бўладиган емиш майсаларнинг ҳар турли навини яратдим”, -деб таъкидлади.³⁹ Флора, фауна ва инсонни озиклантирадиган табиат компонентларини ҳам яратгани эътироф этилмоқда,

³⁷ Муҳаммад Алий Собуний. Роваъул Баён тафсиру аятил аҳками минал Қуръан. 1-жуз. - Тошкент: Мактабатул Асийрийя Ваъут-Либнан, 2017. – Б.145.

³⁸ Библия. Тавротдан Мусо пайғамбарнинг биринчи китоби. Ибтидо. Забур. – Туркия, Муқаддас китоб жамияти. 1995. –Б.616-617.

³⁹ Torah The five books of Moses VARDA BOOKS skokie, illinois, Usa 5762 / 2001. –P.2.

яна бир томони, улар орасидаги ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик, яъни детерминизм тамойили намоён бўлишини англаш қийин эмас. “Таврот”да: “Ғалла янчаётган хўкизнинг оғзини тўсма”, дейилган бўлиб, бу эса инсонларга қўл остидаги жонзотларга ўз навбатида зулм қилмаслик, уларга яхши муносабатда бўлиш каби олийжаноблик ғояларини бундан 3 минг йил олдин диний манбаларда келтирилганидир. Шунингдек, “Таврот”дан сўнг энг мўтабар ва асосий манбаси “Мишна” саналади. “Мишна” ибронийча сўз бўлиб, луғатда “Ўрганмоқ, такрорламоқ” маъноларини англатади. Оромий тилида “қисса айтмоқ”, ўрганмоқ ва таълим олмоқ” маъноларини англатадиган “митна” сўзи айнан “Мишна”нинг ўзлаштирилган варианты саналади. “Мишна” сўзи истилоҳда авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб келаётган яҳудийлик динига оид ҳукмлар, таълимотлар, тафсирлар, изоҳлар, фатво ва васиятлар мажмуасини англатади. “Мишна” яҳудийликдаги муқаддас таълимот - Муқаддас китоб, яъни “Таврот”нинг оятлари билан бир хил кучга эга. “Мишна” олти қисм ва 63 бўлимдан иборат. Зераим – экинлар ва уруғлар қисми. Бу қисм айнан экинзорлар, далалар, боғлар билан боғлиқ диний ҳукмларни ўз ичига олган бўлиб, 11 бўлимдан иборат. Юқоридаги фикрларимизнинг исботи сифатида “Таврот”даги ушбу жумлаларни келтирамиз. Яҳве: “Мана, мен сизга ер юзидаги ҳар бир уруғни ва уруғ берадиган мевали дарахтларни бераман. Улар овқатланиш учун сизники бўлади. Шунингдек, куруқликдаги барча ҳайвонлар, осмондаги барча қушлар ва ҳаёт нафаси бўлган ер юзида юрадиган барча нарсаларга мен барча яшил ўсимликларни озиқ-овқат учун бераман”⁴⁰ деди. Бундан кўринадики, Яҳудийлик динида ҳам ер юзидаги барча неъматлар инсонларнинг экологик баркамоллиги учун, уларга амал қилишга эса ҳар бир шахс мажбур деган ҳулосага келамиз. Муқаддас “Таврот”да табиат неъматларидан “Сув” 217, “Тупроқ” 27, “Дарахт” 46, “Ҳайвон” 54, “Тоғ” 67, “Буғдой” сўзи эса 34 мартаба келган. Ушбу китобда табиатни севган ҳайвонотга меҳр кўрсатган кўплаб пайғамбарларнинг номлари келтирилган бўлиб, уларнинг ибратли,

⁴⁰ Torah The five books of Moses VARDA BOOKS skokie, illinois, Usa 5762 / 20014-page

хайрли ишлари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган, мисол учун ер юзини сув босгандан кейин, Нух пайғамбар ўз даврида тупроққа ишлов бериб узумзорни биринчи бўлиб ташкил қилган инсон сифатида номи келтирилган. Тавротда узум калимаси 17 марта учрайди⁴¹. Холбуки, барча пайғамбарлар табиатни асраш, ердан унумли фойдаланиб, аҳоли фаровонлигига хизмат қилган. Бу эса ўз навбатида динга эътиқод қилувчиларда табиатни қадрлаб, ерга ишлов бериб, ҳайрли ишлар билан машғул бўлиб, пайғамбарлар изидан боришга ундаганлигини кўрсатади. Яна ушбу манбанинг Теҳаарот – таҳорат, яъни покланиш қисмида ҳам дорилар, сигир, кудуқ ва покланиш жойлари, мева қолдиқларига оид фикрлар, буйруқ ва қайтарувлар ёритиб берилган.⁴²

Яҳудийлик диний манбаларида Христиан динининг пайғамбари Исо алайҳиссаломнинг келиши, у Яҳудий бўлиб унга муқаддас китоб нозил бўлиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Библия китоби яҳудийлик ва христианлик таълимотида муқаддас саналиб келинмоқда, ушбу манба деярли XV аср (милоддан аввалги XIII асрдан милодий II асргача) давомида турли муаллифлар томонидан ёзилган диний китоблар ва рисоаларни ўз ичига олади. Библия сўзи юнон тилида китоб, ўрам маъносини билдиради. Ушбу ном илк бор IV асрда христиан уламолари Иоанн Златоуст ва Епифаний Кипрский томонидан қўлланилган.

Библия энг қадимги ёзма ёдгорликлардан бири бўлиб, диний панднасихатлар, ақидалар, башоратлар, дуолар, солномалар, масаллар, дostonлар, ҳикоят, ривоят ва мактублардан ташкил топган. Яҳудийлик ва Христианликнинг турли йўналишларида Библия таркибига киритилган китоблар ўзаро фарқланади. Қадимги Аҳд ва Янги Аҳддан иборат. Қадимги Аҳд миллоддан аввалги XIII-IV асрларда (айрим маълумотларда - XII-I асрлар) ёзилган. Икки тилда: қадимий яҳудий тили бўлган иврит, қисман оромий тилида ёзилган (Масорет) ҳамда ушбу тилдан миллоддан аввалги III-II

⁴¹ Torah The five books of Moses VARDА BOOKS skokie, illinois, Usa 5762 / 20014-page

⁴² Маллабаев А. Яҳудийлик дини таълимотида мишнанинг ўрни//Диншуносликнинг долзарб муаммолари. IX. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2017. –Б.43-44.

асрларда қадимги грек тилига таржима қилинган (Септуагинт) шаклларида етиб келган. Янги Аҳд милоднинг I-II асрларида қадимги грек тилида ёзилган бўлиб, 27 та китобдан иборат.

Христиан динида ҳам инсон ва табиат муносабатларига, экология масалаларга бошқа динлардаги каби қарашлар мавжуд бўлиб, бу муаммоларни бартараф этиш масаласи ҳозирги кунда ҳам ўта аҳамиятлидир. Ёш авлодни экологик билимларини ошириш учун, уларга экологик диний таълим бериш орқали инсоннинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти натижасида дунёда табиат ва биосферага етказилаётган талофатларни олдини олиш мақсадида экологик муаммоларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Диншунос В.Н.Лосский таъкидлаганидек: “Атроф-муҳитга антропоген таъсирнинг ошиши шуни кўрсатмоқдаки, биз атрофимиздаги оламни ички дунёмизга мос равишда ўзгартирмоқдамиз, табиатни ўзгартиришдан олдин биз ўзимиз ўзгаришимиз керак”⁴³. Дарҳақиқат, яҳудийлик ва христиан динларининг иккаласи ҳам ер юзидаги инсонларни Аллоҳ буюрганидек флора ва фаунага гўзал муносабатда бўлишга чақиради.

Табиатда Аллоҳ томонидан яратилган қонун амал қилади. Аллоҳ яратган тартиб ягона ва яхлитдир. Оламдаги нотирик ва тирик мавжудотлар занжир каби боғланган. Инсон ҳайвонот оламига мансуб бўлмаганлиги туфайли ўз онги, қобилияти, салоҳияти, ўлчовлари, меъёрлари, заковати ва самарали ақлий тафаккурига яшаш имкониятига эга бўлган. Айнан мана шулар орқали жамиятда янгича тафаккурни шакллантириш лозим.

БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурининг Океан, қирғоқлар ҳудудини бошқариш маркази ўринбосари Артур Л.Дал “Янгича тафаккур барча мамлакат аҳлига тааллуқли бўлиб, улар ягоналикда фаолият кўрсатсагина экологик инқирозлар олди олинади,”⁴⁴ деб уқтиради. Бинобарин, дунё олимлари томонидан экологик мувозанат тушунчасига бундан саксон йил илгари тасниф берилган эди.⁴⁵ Атмосферадаги мувозанат

⁴³ Хрибар С.Ф. Экологическое в Библии. – Киев, Киевский эколого-культурный центр, 2003. – С.28.

⁴⁴ Қаранг: Артур Л.Дал. Пока не поздно. – Санкт-Петербург, Издательский фонд Бахаи “Единение”, 1995.

⁴⁵ Abdul-Baha. Quoted in Conservation of the Earths Resources. London, Bahai Publishing Trust, 1990. -P.4.

билан экологик мувозанат орасидаги алоқадорлик масаласи жаҳон ҳамжамиятининг доимий муаммолари сирасида қаралган. Бундай табиий мувозанатлар биосферанинг ҳаёт кўрсаткичларини ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги мунтазам таъкидланган.

Инсоният учун фақат биргина ҳаёт манбаи – Ер сайёраси мавжуд. Ҳар бир инсон қайси жинс вакили бўлишидан, қайси бир динга эътиқодидан ёки бирор бир мазҳабга эргашишидан, ёши, миллати, ирқидан қатъий назар, биосферани асраш унинг энг биринчи галдаги инсоний бурчи бўлиши шарт.

Яҳудий динидаги табиат оламига бўлган муносабат қуйидаги хулосаларимизда ўз аксини инъикос этади:

1. Инсон ўз мамлакатига бўлган муҳаббати билангина фахрланиши керак эмас, балки бутун дунёни севиши керак. Яъни, ер – яхлит мамлакат, инсонлар унинг фуқароларидир. Барча динларнинг мазмун-моҳиятини Аллоҳ бирлиги, динлар ягоналиги, инсоният бирдамлиги ташкил этади.

2. Яҳудий динида атроф-муҳит ҳолати учун қайғуриш диний онгнинг ажралмас қисми саналади;

3. “Таврот” китобида табиат неъматларидан “Сув” 217, “Тупроқ” 27, “Дарахт” 46, “Ҳайвон” 54, “Тоғ” 67, “Буғдой” калимаси 34 маротаба қўлланилганлиги аниқланди.

4. Яҳудийларнинг муқаддас саналган китобларида умуминсоний экологик қадриятлар аниқ ифода этилган. Барча қадриятлар сингари экологик қадриятлар ҳам инсонга таълим, билим олиш билан берилиши таъкидланган.

5. Ҳозирги экологик талафотларнинг асосий сабаби, аввалги экологик билимимиз билан қаноатланиб қолишимизда, аслида эса оламга, табиатга, биосферанинг вазифаларига оид кечаги илмимиз бугунги муаммоларни ечишда камлик қилаётганлигидадир. Ҳозирги кунда табиатга фақат эҳтиёткорона муносабатда бўлишнинг ўзи камлик қилади. Бизнинг фикримизча, диний-экологик қадриятлар ижтимоий муаммоларни ечишдаги яна бир янги йўналишдир. Диний ва экологик қадриятларни ўзимиздан

бошлаб, шу куннинг иқтисодий, сиёсий янгилик, талаб ва эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда янгидан кашф қила олишимиз лозим.

Яқин ўтмишда биосферада 1 миллиард киши яшаган бўлса, ҳозирга келиб инсоният кўлами 7,7 миллиарддан ортиқ кишига етди. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларида 24 миллион аҳоли бўлган бўлса, бугун мамлакатимиз аҳолиси 34,5 миллионга етди. Демак, биз табиат ва жамият орасидаги уйғунликка эришишимиз учун жамиятдаги ўзгаришлар, оқилона эҳтиёжларни ҳамда табиат қонунларини ҳисобга олишимиз лозим бўлади. Биз ўзимизнинг шахсий манфаатларимизни ҳам ҳимоя қилган бўламиз. Чунки инсониятни ўзи бошқа турларга нисбатан табиат борлигини кучли ўзгартиришга қодир бўлган энг кучли турдир. Бизнинг фикримизга кўра, экологик маданият – бу атроф-муҳитга бўлган инсоннинг жавоб реакциясидир.

6. Оламдаги нотирик ва тирик мавжудотлар бир-бирлари билан занжир каби боғланган. Табиат тартибига: табиат қонунлари, табиий-экологик меъёрларга, антропоген меъёрга зарар етказмаслик – экологик мувозанатни асраш омилидир. Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш энг олийжаноб фаолият бўлиб, у аёл ва эркакларни “қишлоқ хўжалик фанлари”ни чуқур ўзлаштириб, қишлоқ хўжалигини юқори даражада ривожлантириш зарурлигини уқтиради. Жамиятнинг асоси деҳқончиликдир. Фақатгина ерга яхши ишлов бериш орқали экологик талафотларнинг олдини олиш мумкин, деб хулосага келинади.

7. Тинчлик, экологик хавфсизлик, инсониятнинг фаровон турмуши дунё мамлакатлари ягона бўлиб, бир бутунликларини сезишганида, бирлашгандагина юзага келади.

8. 1986 йилнинг сентябрь ойида Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Фонди “Дин ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш алоқа ташкилотини” тузди. Бундан буддизм, индуизм, иудаизм, христианлик ва ислом динларидаги табиатни асраш ғоялари асосида инсониятни яқдилликда бирлаштириш ва табиатни асрашнинг тизимли амалга ошириш мақсади кўзланган.

Бизнинг фикримизча, барча диний таълимотларда атроф-муҳитни яхлит ҳолда, мамлакатлар билан ҳамдўстликда асраш борасидаги ғоялар мавжуд. Ягоналик ва ўзаро алоқадорлик принциплари атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳам қўл келади. Инсониятнинг экологик онги шаклланишида умумтаълим билимлар муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий адолат, барча ирқ ва халқлар тенглиги, эркак ва аёл ҳуқуқлари тенглиги, ҳар бир дунё кишисининг илм билан тўйинган бўлиши қоидалари ва бу қоидалардан атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ўринли фойдаланиш диний ва дунёвий адабиётларда ўз аксини топган.

Барча динларда табиатни асрашда иқтисодий адолатга эътибор берилган, бу фикрларини биз қўллаб-қувватлаймиз. Қуйидаги фактлар фикримизни далиллайди: АҚШ ўз тараққиётига 100% кислород ишлатса, мамлакат табиати сарфлаётган кислородининг атиги 60% ини етказиб беради, холос. Қолган кислородни эса бошқа мамлакат ўрмонлари тайёрлаб берадиган кислороддан олади. Яна бир мисол, Швейцария 39,3 млн.тонна кислород сарфлайди. Швейцария мамлакатининг майдони 9,5 млн. тонна, яъни 25%га яқинроғини етиштириб бера олади, холос. “Энг оддий ҳисоб-китоблар кўрсатишича, АҚШда ҳар йили аҳолининг 2,6 миллионга ортиши жаҳон табиат захираларига кучли босим етказди, унга нисбатан ҳар йили Ҳиндистон аҳолисининг янги 17 млн. кишига кўпайиши бу қадар жаҳон табиий захираларига оғирлик қилмас эди”⁴⁶. С.И.Вальянский, Д.В.Калужный фикрларини таҳлил этганимизда фақатгина АҚШ билан Ҳиндистонда туғилган бир инсонга тўғри келадиган табиат захираларининг, яъни 1 америкаликка тўғри келадиган табиат захираси тахминан 6 та Ҳиндистонда дунёга келган кишиларга тўғри келиши ривожланган мамлакатлар дунё миқёсида биосферанинг имконият чегарасидан четга чиқаётганлигини билдиради. Ҳақиқатдан ҳам барча инсонлар, барча мамлакатлар учун биосфера – ягона сайёра. Мана бир мисол: инсоният томонидан истеъмол

⁴⁶Вальянский С.И., Калужный Д.В. Третий путь цивилизации, или Спасет ли Россия мир? – Москва: “Алгоритм”, 2002. -С.126.

килинадиган барча озиқ-овқат маҳсулотларининг 98%га яқини фақат тупроқда етиштирилади. Уларнинг 60%ини фақат гуруч, буғдой, маккажўхори ташкил қилади. Иккинчи бир мисол: қишлоқ хўжалиги чучук сувнинг асосий “истеъмолчиси” ҳисобланади. Бугунги кунда чучук сувнинг 87% и шу соҳага йўналтирилган.

Жаҳон миқёсида “цивилизациялараро мулоқотнинг янги сифат касб этиши экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши”⁴⁷ ҳам экологик ҳамжиҳатлик умумбашарий экологик талофатлар олдини олишнинг ягона йўли эканлигини кўрсатиб берди.

Океан ифлосланиши, озон қобиғи, атмосфера “димиқшининг”, радиоактив ифлосланишлар, чўллашувлар олдини олиш ва биологик хилма-хилликни асраш ва бошқа экологик фожиалар олдини олишда жаҳон мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ушбу параграфга хулоса ўрнида яҳудийлик динида экологик маданият борасидаги қуйидаги учта тамойилни ажратиб кўрсатишни лозим топдик:

Биринчи тамойил: тирик мавжудотга азият етказмаслик қондаси ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот оламига шафқат билан муносабатда бўлиш.

Иккинчи тамойил: Экологик компонентларга шафқатсизларча муносабатни таъқиқлаш. “Таврот” оятида келтирилишича, ҳатто бирор шаҳарни узоқ вақт қамал қилиш даврида ҳам у ердаги дарахтларни вайрон этишдан қайтарилиб, балки, улардан фойдаланишга буюрилади.⁴⁸ Бошқача сўзлар билан изоҳлаганимизда, табиат борлигининг ҳеч бир заррасини “вайрон қилмаслик” тамойили ётганлигини англаш қийин эмас.

Учинчи тамойил: табиат борлиғи тириклик воситаси эканлиги жуда тўғри ёритилган.

§ 1.3. Ислон дини манбаларида “инсон – табиат” муносабатлари уйғунлиги масалалари

⁴⁷Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. - Тошкент: “Маънавият”, 2008. –Б.112.

⁴⁸Deep ecology and world religions:new essays on sacred ground / Edited by David Landis Barnhill and Roger S. Gottlieb . - N. Y. : State University of New York, 2001. - P.155-156.

Ислом сўзи (арабча “ўзини топшириш”, “итоат этиш”, “бўйсунтиш”) каби маъноларни англатади. Ислом дини, Буддавийлик ва Христианлик динлари каби учта жаҳон динларидан биридир. Ушбу дин милодий VII асрда Арабистон ярим оролида вужудга келган. Муҳаммад Аҳмад ибн Абдуллох - Муҳаммад пайғамбар (570-632) ўша даврда арабларнинг қурайш қабиласининг Хошимийлар уруғига мансуб оиласида дунёга келган⁴⁹. 610 йилдан бошлаб ислом динини тарғиб қила бошлаган. Ислом динининг муқаддас китоби “Қуръон” деб аталади. Ушбу китоб 30 пора, 114 сурадан ташкил топган бўлиб, унда Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад с.а.в гача ўтган пайғамбар сони ривоятларда 124 мингга дейилади. Қуръонда уларнинг 25 нафарини номи келтирилган. Шунингдек одамнинг яратилиши унинг табиат ва жамиятдаги вазифалари кўрсатиб ўтилган⁵⁰.

Ислом динининг муқаддас манбалари – Қуръони Карим, ҳадиси шарифларда атроф-муҳитни асраш, ҳайвонларни боқиш, ўсимликларни парвариш қилиш тўғрисида ибратли фикрлар айтилган. Баъзи ҳайвонларни овлаш таъқиқланган, дарахтларни кесиш, ўрмонларни нобуд қилиш ман этилган. Ҳатто урушларни ҳам махсус жойларда ва маълум муддатда олиб бориш тайинланган. Пайғамбарлар, ислом мутафаккирлари, сўфийлар ўз ҳаёт йўлларида табиат борлиғи ҳамда унинг ноёб ҳар бир оламига жуда эзгулик билан муносабатда бўлганлар. Дунёда биринчи бор деҳқончилик, тегирмончилик ва нонвойлик қилган киши Одам (а.с.)дир. Қалам билан биринчи марта ёзув ёзган, биринчи бўлиб тош-тарозу ишлатган Идрис (а.с.) ўсимликлардан дори тайёрлаб, турли касалликларни даволар эдилар.⁵¹ Ҳар бир ўсимликнинг даволовчилик хусусиятларини билганлар.

Қуръони Каримнинг бир қанча суралари ҳайвонлар номи билан аталган, масалан, Бақара” (сигир), “Фил”, “Наҳл” (асаларилар), “Анъом” (чорва моллари), “Анкабут” (ўргимчак), “Намл” (чумолилар), “Одиёт (чопқир

⁴⁹ Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. - Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. –Б.30-31.

⁵⁰ Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. - Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. –Б.33.

⁵¹Раҳматуллох кори Обидов. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир. (Қуръони Каримда пайғамбарлар сиймоси). - Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2005. –Б.47-63.

отлар). Унда мевали ўсимликка бағишланган “Тийн” (анжир) сураси, “Масад” (пишиқ тола; хурмо пўстлоғи) ва экотизимга бағишланган оятлар, масалан, “Аҳқоф” (кумтепалар) ҳамда минералларга бағишланган “Қамар” (ой сайёраси), “Шамс” (Қуёш) ва “Ҳадид” (темир – Ер куррасида энг кўп учрайдиган инсонга фойдали металлнинг номидан олинган) суралар ҳам бор.

Қуръоннинг 40 та жойида дарахтлар ҳақида маълумотлар берилган бўлса, шу оятларнинг 20 таси “хурмо” дарахти ҳақидаги маълумотлар эканлиги диққатга сазовордир.

Бундан 6000-8000 йиллар илгари хурмо дарахти Месопатамияда хонакилаштирилган. Мадина – хурمولари билан машҳур шаҳар. Мадина хурمولари ичида энг афзали “Ажва” деган хурмодир. Расулulloҳ с.а.в. шахсан ўзлари ана ўша ажва хурмосини экканлар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ с.а.в: Ажва жаннатдан тушган мева бўлиб, унинг суви захарланишга қарши даводир” – дедилар” (Имом Аҳмад ва Термизий ривояти). Шу ўринда ушбу қизиқарли фактга эътибор қаратсак. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу айтадилар: “Бемор бўлдим. Бас, Набий с.а.в. мени кўргани келдилар. У зот қўлларини икки кўкрагим орасига қўйдилар. Унинг совуғини қалбимда ҳис этдим. Сўнгра у зот: “Сен юраги хаста одам экансан. Сақифлик Ҳорис ибн Калданинг олдига бор. У табиблик қиладиган одам. Бас, у Мадинанинг ажвасидан етти дона хурмо олиб, данаги билан тўйсин. Сўнгра сенга ичирсин”, дедилар.”(Имом Муслим ривояти)⁵². Энди Ибн Сино асарларига мурожаат қилсак, хурмо юракнинг бир маромда ишлашини таъминлайди, хотирани ўткирлаштиради, астма касалига даво, кўз касалликлари – кератит офтальмия касалига шифо, ҳомиладор аёллар учун фойдалилигини Ибн Сино ўз асарларида алоҳида таъкидлаган.⁵³ Инсон саломатлиги масаласи ислом дини негизига сингдирилганига бир мисолдир.

Қовоқ ўсимлиги ҳақида “Саффот” сурасининг 146-оятда маълумот берилган. Олимларнинг аниқлашича, қовоқ инсонни тўқ тутиш хусусиятига

⁵² <http://muslim.uz>

⁵³ Абу Али Ибн Сино.Тиб қонунлари. 1 жилд. - ТошкенТошкент: “Абдулла Қодирий нашриёти”, 1993. - Б.136.

эга экан.⁵⁴ “Аллоҳ таоло қовоқни ҳикмат билан яратган. Унинг барги ўта мулойим, сояси қалин. Унга чивин яқинлашмайди, мевасини пўсти ва уруғи билан пишириб ҳам, хомича ҳам ейиш мумкин. Унинг инсон саломатлигига фойдаси катта. Бу дарахт меваси инсонларга берилган Аллоҳнинг улуғ неъматларидандир”⁵⁵. Ёки хантал ўсимлиги (“аччиқ қалампир”) оятларнинг “Анбиё” сураси 47 ҳамда “Луқмон” сураси 16-оятларида учратиш мумкин.

Эътиборлиси шундаки, кўпчилик дарахтлар “Қуръони Карим”да ўз номи билан эмас, балки “Шажара” сўзи орқали, мевалар эса “Фақиҳа” сўзи билан номланиб келганига гувоҳ бўламиз⁵⁶.

Зайтун ўсимлиги “Нур” сурасининг 35-оятларида унинг мойини тиниқ ёниши ҳақида маълумот берилган: “... У (чирок) на шарқий ва на ғарбий бўлмаган муборак зайтун дарахти (мойи)дан ёқилур. Унинг мойи (мусаффолигидан), гарчи унга олов тегмаса-да, (атрофни) ёритиб юборгудекдир...”⁵⁷. Ибн Сино зайтун мойининг ошқозон касалликлари ва ўн икки бармоқли ичак касалликларига даво эканлигини уқтирган.⁵⁸

“Бақара” сурасининг 61-оятларида саримсоқ, бодринг, мош, ловия, пиёз ҳақида; кафур ўсимлиги, яъни хина ҳақида “Инсон” сурасининг 5-оятларида; “Инсон” сурасида занжабил ўсимлиги ҳақида; “Ар Раҳмон” сураси 68 – оят ва “Анъом” сураси 99- ва 141-оятларида анор дарахти ҳақида кенг маълумотлар келтирилган. Ҳар бир ўсимликнинг фойдали томонлари, даволаш хусусиятлари ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) майитни кафанлашдан олдин уни “хина” сувига ювишни буюрганлар. Араб давлатларида хинани олтинга тенглаштиришган.

“Қуръони Карим”нинг 12 оятларида узум ҳақида маълумот берилган. Ислом манбасида узумнинг инсон организмига бўлган беназир фойдалари тўғрисида боён қилинган. “Қуръони Карим”нинг “Моида” сурасининг 90-

⁵⁴ Plants of the Quran By M.I. N.Farooqi. Published by Sidrah Publishers, 1989. -P.42.

⁵⁵ Ибн Касир Қисасул-анбиё. Коҳира. –Б.218-219; Раҳматуллоҳ қори Обидов. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир.(Қуръони каримда пайғамбарлар сиймоси). - Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2005. – Б.232.

⁵⁶ Алоуддин Мансур. Қуръони карим. Маъноларининг таржимаси. -Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2007. – Б.106.

⁵⁷ Қуръони Карим. “Нур” сураси 35-оят.

⁵⁸ Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунари. 1-жилд. - Тошкент: “Абдулла Қодирий нашриёти”, 1993. -Б.136.

оятида ундан инсонни, жисми, наслига зарар берадиган ичимликларни тайёрлаб ичиш қатъий ман этилган.⁵⁹ Ҳозирги кунда узумнинг 8000 дан ортиқ тури Европа мамлакатларида етиштирилади. Инсон саломатлиги учун муҳим бўлган узумчилик бугунги кунда ҳам мамлакатимизда кенг ривожлантирилмоқда.

Одамларга, фарзандларга меҳр қўйиш инсонийлик зийнати бўлганидек, “Одамларга аёллар, фарзандлар, уюм-уюм олтин-кумушлар, саман отлар, чорва ва экинларга меҳр қўйиш зийнатли қилиб қўйилди” (Оли Имрон, 14-оят)” барча табиат оламига меҳр билан қараш, уни Аллоҳ тажаллиси деб билиш авайлашга катта эътибор берилди.

Табиат ҳодисалари: “Кун”, “Тун”, “Ой”, “Қуёш”, “Тоғ”, “Юлдуз”, “Ҳижр” (Мадина билан Шом орасидаги водий) каби сураларда Ер, осмон, қуёш, ой, шамол ва сув каби табиат неъматларининг бари инсон хизматида экан, инсон уларни эъзозлаши, уларнинг табиий қонуниятларига аралашмасликлари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилади.

“Қуръони Карим”да ҳайвонот оламига жуда катта эътибор берилиб, уларни авайлаб-асрашга даъват этилган. Ҳайвонот олами ҳам инсоният каби дунёда яшашга ҳақли эканлиги, уларни қийратмаслик, уларга тамға босмаслик, оч-наҳор қўймаслик, уларни кўпайтириш, чин қалбдан парваришlash ҳақида фикр билдирилади. “Анъом” сурасида шундай ёзилган: “Ерда юрадиган ҳайвонлар, осмонда учадиган қушлар, сувда сузадиган балиқлар Сиз каби умматларимдир”. Бошқача таржимада бундай ёзилади: “Ердаги бирор жонивор ва бирор икки қаноти билан учадиган парранда йўқки, (улар ҳам) сизлар каби умматлар бўлмасалар” (38-оят)⁶⁰.

“Қуръони Карим”да инсон билан ўсимлик, ҳайвонот оламини бир ўринда, бир поғонада қўйилиши бежиз эмас, бу ерда мушоҳада қилинадиган фикрлар мавжуд. (Замонавий ибора билан изоҳлаганимизда тириклик олами

⁵⁹ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим. Маъноларининг таржимаси. –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2007. –Б.36.

⁶⁰ Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2001. - Б.132.

- биота ҳақида фикр юритилаётганлигини англаш мумкин). Мушоҳада қилинадиган фикрлар бизнинг нуқтаи назаримизча қуйидагилардир:

1. Инсон Аллоҳ олдида, борлиқ олдида қанчалик азиз ва мўътабар бўлса, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳам шу қадар азиздир, зеро, олам учун ҳар бирининг ўрни бўлак.

2. Инсон билан табиатнинг барча компонентлари, чунончи, ўсимлик, ҳайвонот, минералларнинг ҳеч бирининг иккинчисидан устунлиги йўқ. Инсон гарчи минг бор ўсимлик ва ҳайвонот оламидан ақл жиҳатдан устун бўлса-да, у ўзи ҳам табиат бўлаги, у ҳам табиатга тааллуқли. У ҳеч қачон табиат устидан ҳукмрон бўла олмайди. Инсоният экологик компонентлар билан бир сафда туриб, табиат қонунларига бўйсуниб, табиат қонунларининг ҳеч бирини бузмагандагина биосферани ноосферага айлантира олди. Бошқача айтганда, барқарор тараққиётга эришишнинг биринчи омили табиат қонунларига бўйсуниб саналади. Балки, шу сабабли ҳам, Хеопс эҳроми деворларида: “Аксари одамлар табиат қонунларини билмаганлари туфайли нес-нобуд бўлиб кетадилар”, деб ёзилган афоризм ҳамон ўз мазмун-моҳиятини сақлаб турибди.

Инсон қайси пайт табиат устидан ҳукмрон бўла олиши мумкин? Қайси пайт у табиатдаги сабабий боғланишларни илмий ўргана олса, ўша тақдирда ҳам ҳеч қачон инсоният табиат устидан ҳукмронлик қила олмайди, аммо унга бўйсунди. Донишманд ҳикмат аҳлининг таъбири билан айганда: Биз табиат устидан ҳукмронлик қила олмаймиз, гўё кимдир табиатдан ташқаридагидек...биз, аксинча, ўз танамиз, қонимиз, нафасимиз ва миямиз билан табиатга тааллуқлимиз ва биз унинг ичидамиз...бизнинг барча ҳукмронлигимизнинг моҳияти шундаки, бошқа жонзотларга нисбатан унинг қонунларини ўргана олишимиз ва уларни ўринли ишлата олишимиз мумкин.

Инсон табиатдан ташқарида яшай олмас экан, у табиат қонунларини аниқ билиши ва уларга сўзсиз итоат этиши шарт. Зеро, “табиат-инсон” тизим яхлит, ягона. Бу тизимни умумбашарий миқёсда кўриш лозим.

“Қуръони Карим”нинг “Моида” сурасида бундай деб ёзилган: “Сизларнинг манфаатингиз учун ва мусофирларингиз учун ҳам сизларга денгизда ов қилмоқлик ва ундаги таомларни истеъмол қилмоқлик ҳалол қилинади. Сизларга қачонки, эҳромда бўлган вақтларингизда қуруқликда ов қилиш ҳаром қилинди” (96-оят)⁶¹. Демак, денгиз ва дарёларда ов билан шуғулланиб юрган кишиларнинг қуруқликда ов қилишга ҳуқуқлари бўлмаган. Бунинг замирида энг оддий бир экологик қоидага амал қилинган, яъни, ерда ҳам, сувда ҳам яшайдиган тур сонининг оптимал (қулай) сони доимо сақланган. Ислом фақат ҳайвонларни овлаш, қушларнинг тухумига зарар етказмаслик ҳақида фикр юритиб қолмай, балки қоида бузувчилар тўғрисида ҳам ўз фикрларини айтган. Бу хусусда “Моида” сурасида шундай дейилади: “Эй мўминлар, ўзларингиз эҳромда чоғингизда ҳайвонларни овлаб ўлдирманглар. Кимки қасддан ўлдирса, унга жазо лозим бўлур, яъни ўлдирилган жонзот мислида жаримага ҳукм қилинур. Сизлардан икки мўтабар одамга Каъбага олиб келинган ҳайвонларни шу ов баробарида забҳ этишга ҳукм қилурлар. Буни қила олмаса, бир неча муҳтож одамга таом берур. Бунга ҳам қодир бўлмаса, рўза тутур. Токи қилган амалининг жазосини тортсин. Аллоҳ таоло салаф гуноҳларини авф қилғондир ва ҳар ким яна шундай гуноҳ қилса, Аллоҳ таоло ундан қасос олур”⁶².

Дарҳақиқат, ҳар бир популяция ўзининг динамик сонига эга, бу сифатни белгиловчи миқдорни туғилиш ва ўлим миқдорлари белгилаб беради. Юқоридаги сурада бир томондан, популяциянинг ўртача миқдорини асраш ҳақида фикр берилган бўлса, иккинчи томондан ов қилиш қоидаси, аниқроғи, 70% қоида ҳақида фикр билдирилмоқда.

“...(сўритокларга) кўтариб қўйиладиган ва кўтариб қўйилмайдиган (узумзор) боғларни, таъми турлича (бўлган) хурмо ва мевали дарахтларни, (ранг ва таъмда) ўхшаш ва ўхшамас зайтун ва анорларни пайдо қилди. Мева ҳосил қилганда, мевасидан енглар. Ҳосил йиғиш кунида (муҳтожларга)

⁶¹ Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. -Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёти, 2001. – Б.68.

⁶² Алоуддин Мансур. Қуръони Карим. Маъноларининг таржимаси. -Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2007. –Б.72.

ҳаққини (ушри ва хирожини) беринглар ва исроф қилманглар⁶³. (Анъом сураси,141-оят).

“Қуръони Карим”даги “Ҳижр” ва ундан кейин келадиган “Наҳл” сураларида ажойиб бир фикрнинг мантиқий изоҳи - табиат мувозанати ҳақида ёзилган ғоя инсонни лол қолдиради. Яъни: “Ерни эса, уни ёйдик ва унга тоғларни ўрнатдик ҳамда унда (ҳар ернинг ўзига) мос турли нарсаларни (ўсимлик ва меваларни) ундирдик. (Ҳижр сураси,19-оят.) 21-оятда “...Биз у нарсаларни маълум ўлчов билан (сизларга) тушируرمىз”⁶⁴. Тоғлар баландлиги ҳеч қачон Ер сайёрасида 10 километрдан баланд бўлмаган. Барча флора ва фауна ўзларининг муайян миқдорига эга. Бошқача айтганда, улар ўз табиий-экологик меъёрига эга. Иккинчидан эса ўсимликлар олами билан ҳайвонот оламининг миқдорий муносабати (ёхуд яна бир табиий-экологик меъёр) доимий сақланиши ҳақида фикр берилаётганини аниқлаш мушкул эмас.

“Фотир” сураси 12-оятда куйидагиларни ўқиймиз: “Икки денгиз тенг бўлмас – буниси ширин-тотли ва ютумли, униси эса шўр-нордондир. Сизлар (уларнинг) ҳар биридан янги гўшт (балиқ) ейсизлар ва тақадиган зеб-зийнат чиқариб олурсизлар.”(436-бет) 27-оятда “...тоғларнинг оқ, қизил, ранг-баранг йўл(лиси) ҳам, тим қораси ҳам бор. (437-бет)⁶⁵.

Ҳақиқатдан ҳам айнан балиқ таркибидагина протеин оқсили мавжуд бўлиб, мазкур оқсил инсон мия ақлий қобилятини ривожлантириб, иммунитетни юқори, фикрлаш қобиляти янада юксак бўлиб, кўзлари равшанлашишида катта аҳамиятга молик. Бу оқсилнинг инсон учун муҳим эканлигини фан исботлади. Инсон мияси талаб этадиган протеин оқсалига тўйиниши учун инсон бир йилда 25-27 кг балиқ, балиқ маҳсулотлари

⁶³ Ушр – бу олинадиган ҳосилнинг ўндан бирини Аллоҳ йўлига садақа сифатида бериш; Хирож – ушрдан кўпроқ, ҳатто ҳосилнинг ярмигача бериш. Яман диёридаги бир сахий боғбон фаолиятини эсланг, у ҳар йили кузда меваларни териш учун камбағал-мискинларни таклиф этиб, дарахтдан тергани боғбонга, ерга тушгани терувчиларга деб уларни сийлар эди. У оламдан ўтгач, фарзандлари бахиллик куйига кириб хато қилишгани ҳақида “Қалам” сураси 16-33 оятларда сўз боради.

⁶⁴ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим. Маъноларининг таржимаси. -Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2007. –Б.80.

⁶⁵ Кўрсатилган манба. –Б.112.

истеъмол қилиши шарт экан.⁶⁶ Муқаддас каломда балиққа нисбатан луқмаи ҳалол деб таъриф берилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, японияликлар бир йилда 65-69 килограммгача балиқ маҳсулотлари истеъмол қилишар экан. Зеро, энг кўп кашфиётлар кўлами ҳам шу мамлакат ҳисобига тўғри келиши фикримиз исботидир.

Юқоридаги фикрларни қиёсий таҳлил этсак, “Қуръони Карим”нинг деярли барча сураларида табиат борлиғи, унинг хилма-хил неъматлари ҳақида уларнинг тановули ёки ишлатилиши, асралиши ҳақида кенг фикрлар борлигини пайқаш қийин эмас.

632 йил Расулulloҳ (а.с.) ҳаж пайтида Арафот тоғида Видо хутбасини ўқиганларида ҳам инсонлар моли ҳам муқаррам мавжудот эканлигини тайинлаганлар. Уларнинг васиятларини бажариб келаётган Абу Бакр Сиддиқнинг Усома ибн Зайд бошчилигидаги қўшинга жангдан олдин қилган васиятида болалар, қариялар, аёлларни ўлдирмаслик ҳақидаги таъкидларида: “..Иморатларни вайрон қилманг, хурмоларни кесманг ва куйдирманг. Меваси бор дарахтни кесманг. Қўй, сигир ва туяларни сўйманг...”каби ўнта насиҳат тавсиялар берадилар. Бу тавсиялар ҳужжат мақомида мусулмонлар томонидан қабул қилинади ва уларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади. Ҳатто жанглар даврида ҳам табиат борлигини авайлашга жиддий эътибор берилгани, уларнинг мантиқий фикрлаш доиралари кенглигидан далолат беради.

Балиқ муқаддас диний манбаларда “луқмаи ҳалол” деб эъвозлангани албатта бежиз эмас. Балиқнинг тановул этилиши инсон организмидаги холестерин миқдорини меъёрда сақлайди. Инсон мия фаолиятини ақлий баркамолликка чиқарувчи омил ҳам балиқ таркибидаги протеин оқсили саналади. Бешдан бир қисм протеинни инсон балиқ маҳсулотларидан олади.

⁶⁶ Баъзи илмий адабиётларда бир киши бир йилда 12 килограмм балиқ гўштини истеъмол қилса иммунитетини юқори, фикрлаш қобилияти янада юксак даражада бўлиб, кўриш қобилияти янада равшанлашади, деб маълумот берилса, бошқа бир илмий мақолада бу кўрсаткич 25 кг дейилади. Аниқроғи, 12-25 килограммгача балиқ истеъмол қилинса фойдадан холи бўлмайди. Қаранг: Суванов Х. Балиқчилик – етти хазинанинг биридир // Экология хабарномаси. – Тошкент, 2009. -№6. –Б.36.

Ҳар бир киши бир йил давомида протеинга бўлган табиий эҳтиёжини тўлиқ қондириши учун 12 – 25 килограммгача балиқ маҳсулотларини тановул этиши шарт ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ҳар бир ўзбекистонлик аҳолига киши бошига 3 кг балиқ маҳсулотлари истеъмоли тўғри келмоқда. Ҳар бир ўзбекистонлик балиқ истеъмолини ўз меъёрига нисбатан 4 баравардан кам тановул этмоқда. Айнан протеин инсон миясининг ақлий қобилияти, интеллектуал салоҳиётини ривожлантиришда муҳим роль ўйнашини инобатга олсак, балиқ тановули бежизга диний манбаларда алоҳида урғуланмаганлигига гувоҳ бўламиз.

Ҳадис илмининг намояндалари Имом ал-Бухорий (194) 810-256 (870), Имом ад-Доримий ас–Самарқандий (181)797-255 (868) йиллар бу масалаларга алоҳида тўхтаб ўтишган. Ал–Бухорий “Ал-жомиъ ас-саҳиҳ” асарида табиат, табиат билан инсон ўртасидаги алоқадорлик ҳақида бундай деб ёзади: “Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Кимки ундан ҳақли равишда ҳалоллик билан олса, ундан барака топади. Кимки нафс хоҳиши билан дунёни муккасидан кетиб эгалласа, қиёмат куни дўзахдан бошқа нарсага эришмайди”.⁶⁷ Бу сўзлар замирида табиат ва унинг ҳар қандай заҳираларидан оқилона фойдаланиш, экологик тил билан айтганда “Қайтариш қонуни” акс этган, яъни тупроқдан қанча ҳосил олинса, ўша сифатда қайтариш ҳам лозимлиги уқдирилган. Ҳадисда уқдирилишича, ҳар бир ҳайвон, ҳар бир ўсимлик ўз хусусиятига эга. Мана бир эътибор берайлик: “399. Қўй баракадур, туя азиздир, отнинг ёлларига эса қиёмат кунигача яхшилиқ боғлаб қўйилгандир. 341. Йиртқич ҳайвонларнинг гўшти ҳаромдир”. Қадимда араблар ҳам ҳар бир ҳайвоннинг хислати ҳақида кўп яхши фикрлар айтишган, масалан, араб отларининг фақат тоза сой, анҳор, кўллардан (сув сифати тоза бўлган жойлардан) сув ичишини уқдиришган. Илмий ибора билан изоҳлаганимизда, биэкология фани нуктаи назари бўйича кенг, тор ва қатъий меъёрли организмлар табиатда мавжуд. Улар ҳамиша табиатан ирсий бўлган табиий экологик меъёрларига амал қилиб яшайдилар. Шундай отлар бор ҳар қайси сув манбасидан ҳам сув

⁶⁷ Имом Бухорий. Ал жомэ ас саҳиҳ. -Б.399.

ичади, шундай отлар борки, фақат тоза сой сувларидан ичади. Ёхуд яна бир мисол, шундай арилар борки хилма-хил гул шираларидан бол йиғади, яна бир ари турлари борки, фақат биргина ўсимлик гулширасидан асал йиғади. Бу эса атроф-муҳитни доимо озода, покиза асрашни тақозо этган ва халқ бу қоидага амал қилиб, ҳаёт кечирган. Атроф-муҳитга ҳайвон, жонзотга меҳр билан караганларнинг гуноҳлари кечирилган. Масалан, “396. Бир фоҳиша чуқур қудуқ бошида чанқаб ўлай деб турган итга қудуқдан сув чиқариб берди, рўмоли билан итнинг ярасини бойлаб қўйди. Бунинг эвазига тангри унинг гуноҳидан кечибди”.⁶⁸

Абу Исо ат-Термизий “Китоб ал-жомеъ (Бу китоб Сунани Термизий номи билан ҳам юритилади)” китобини ёзган. Имом Термизий “Китоб ал-жомеъ” дан ташқари “Китоб аш-Шамоил ан-Набавия” (“Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари”), “Асмо ус-саҳоба” (“Саҳобаларнинг исмлари”), “Китобул-илал” (“Иллатлар китоби” ва яна бир қатор асарлар ёзиб қолдирган. Ёзган китобларининг кўпчилигида табиат борлигидаги ўсимлик, жонзотларни асраш борасидаги ҳадисларни тушунарли содда тилда келтирилган. Сунани Термизийда шундай ҳадислар келтирилган:” 1475. Ибн Аббоснинг айтишича, ҳазрат Расулulloҳ (с.а.в.) жонли (ҳайвон ва қушлар)ни нишон қилиб отмасликка буюрди⁶⁹. Мазкур китобнинг “Ҳайвонни сўйиш китоби” деган жойида эса шундай ёзилган:” 1480. Абу Воқид ал-Лайсийнинг ривоят қилишича, ҳазрат Набий (саллоллоҳу алайҳи васаллам) Мадинага келган вақтларигача у ердаги халқлар туянинг ўрқачини ва қўйнинг думбасини тириклигида қирқиб олар эдилар. Буни кўриб Расулulloҳ: “Ҳайвонларнинг тириклигида қирқиб олинган аъзоси ўлик ҳайвон ҳукмидадур”, деганлар. Яҳудийлар туя, чўчка, қуён, от, эшак гўштларини ейишмаган. Улар ейдиган ҳайвон гўштида қон доғининг бўлиши мутлақо мумкин бўлмаган. Мусулмонлар учун “...сизларга ўлимтик, қон, чўчка гўшти...ҳаром қилинди”. (Бақара,173-оят) ёхуд “Моида” сурасининг 3-

⁶⁸ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. - Тошкент: Фан, 1990. –Б.110.

⁶⁹ Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. –Б.31.

оятида: “Ўлимтик, қон, чўчка гўшти, Аллоҳдан ўзганинг номи билан айтиб сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузишдан ўлган ва йиртқич ҳайвон (қисман) еган (ҳайвонлар) сизларга ҳаром қилинди, илло (шаръан) суйганингиз (ҳалолдир).⁷⁰

Диний тафаккур билан ҳикмат аҳлининг экологик тафаккури борасидаги уйғунлик мавжудлиги аниқланди. Беруний ўсимликлар морфологияси билан шуғулланиб, асаларилар уяси, барглarning жойлашиш тартиби, кристалларни кўриб, табиатда геометрик қодалар ва сонлар қодалари амал қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ҳикмат аҳлининг кўйидаги асарларида, қўлёзма манбаларида фикримизнинг ёрқин исботини кўришимиз мумкин.

Жумладан:

1. Ар-Розийнинг “Мансурга бағишланган тиббиёт китоби” (IV-жилд);
2. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, “Уржуза” (ёки “Тиббий достон”);
3. Мир Муҳаммад Ҳусайн ал-Оқилийнинг “Маҳзан ал-адвиййа” (“Даволар хазинаси”);
4. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгиз кўшилиш жойи”);
5. Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг “Қонуни Боситий” (икки қисмдан иборат асар);
6. Бадриддин Кашмирийнинг “Равзат ур-ризвон” китоби шулар жумласидандир⁷¹;

Мазкур асарларда инсон саломатлигини сақлашда сув ва ҳаво тозалигининг аҳамияти жуда юқорилиги бот-бот уқтирилган. Зеро, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, жамики касалликларнинг 85% сув билан боғлиқ. Ҳар йили 25 миллион киши ана шу хасталиклар

⁷⁰ Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. –Б.31.

⁷¹ Мазкур асарлар таҳлиliga чуқур тўхталмаслигимизнинг сабаби, бу борада Элдор Усмонов анчагина илмий изланишлар олиб борган. Қаранг: Усмонов Э. Қўлёзма манбалар ва экологик тарбия // Тафаккур. – Тошкент, 2010. -№3. –Б.68-71.

оқибатида дунёдан кўз юммоқда. 2009 йилнинг март ойида Туркиянинг Истамбул шаҳрида Бутунжаҳон бешинчи сув форумида БМТ 26 йўналишдаги бўлимларининг биргаликдаги “Ҳаёт учун сув” (2005-2015 йиллар) номли маърузасида таъкидланишича, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари сувдан фойдаланиш имконияти чегарасига жуда яқин келиб қолишган. Баъзи мамлакатлар, шаҳарлар, қишлоқлар орасида сув учун низо, келишмовчиликлар аллақачон бошланган, бу муаммони сиёсий муаммога айланиш хавфи тобора ошмоқда. Маърузачилар фикрича, сувни тежаш, тозалаш, оқава сувларни қайта тозалаш борасида амалий ишлар қилинмасан, сув истеъмоли ҳозирги даражада қолаверса, 2030 йилда 5 миллиард аҳоли (бу сайёрамиздаги 67% аҳолини ташкил этади) нинг сувга бўлган эҳтиёжи қониқмай қолади. Ҳозирги кунда Африканинг жанубий Саҳара қисмида 340 миллион аҳоли тоза, чучук сув танқислигига дучор бўлишган. Бу инсоният учун бугунги кундаги энг муҳим экологик муаммолардан биридир.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида тўпланиб борилаётган аждодларимизнинг диний-маърифий асарларидаги табиат борлиғи, ундаги инсон, диний-экологик маданият борасидаги ғоялар ҳали чуқур ўрганилмаган, араб тилидан ўзбек тилига ўтирилмаган ноёб асарлар талайгина. Юқоридаги фикрларни инобатга олиб Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида “Дин ва табиат” ёки “Диний-экологик билим ва маданият” бўлимини ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бинобарин, буюк аждодларимизнинг экологик қарашлари акс этган манбалари тўлиқ ўрганилмаган. Юсуф Ҳамадонийнинг “Инсон ва коинот ҳақида рисола” номли асари инсон ва табиат ўртасидаги муносабатини тўлиқ қамраб олган, умумбашарий муаммони ҳал қилишда инсоннинг маънавий оламини бойитиб, экологик билимларини оширувчи асар, десак асло муболаға бўлмайди. Унда ҳар бир инсоннинг коинотдаги табиат захираларидан фойдаланиш даражалари, она табиатдан оқилона фойдаланиш, яъни, табиий

–экологик меъёрга⁷² риоя қилиш, табиат заҳираларини истифода этиши, табиат борлиғидаги энг ақлли мавжудот сифатидаги бурч ва масъулиятлари ёритиб берилган.⁷³ Юсуф Ҳамадоний фикрича, ҳар бир инсон коинотга меъёри билан тўғри муносабатда бўлса, коинот ҳам инсонга фойдали муносабатда бўлади. Юсуф Ҳамадонийнинг бундай асар ёзгани ҳаммага ҳам маълум эмас. Шу сабабли ҳам, биз юқоридаги таклифларимизни ишимизнинг хулоса қисмида бердик. Шундай таклифлардан яна бири “Ҳадис илми мактаби”да “Инсон ва табиат олами” курсини ташкил этиб, унда аждодларимиз илмий-диний меросларидаги экологик қарашлар, диний-экологик маданиятларни чуқур ўргатиш - бу давр талаби.

Юқоридаги фикрларнинг қиёсий таҳлиллари бизни қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Идрис (а.с.) биринчи бўлиб матодан кийим тиккан тикувчи бўлган. Ҳайвонларнинг юнгидан бўлган матони аёллар қўл билан тўқишар эди. Қалам билан илк ёзув ёзган ҳам Идрис (а.с.) бўлган. Идрис (а.с.) ўсимликлардан биринчи бўлиб дори тайёрлаб, турли касалларни даволаган. Дунёвий ва диний илмларни қўшиб ўз шогирдларига илм ўргатган ҳам Идрис (а.с.) бўлган. Зеро, инсон дунёвий ва диний илмлар соҳиби бўлгандагина оламни ҳам, инсониятни ҳам барча ёмонликлардан асрай олади. “Хайру-н-носи ман йанфаъу-н-носа”, яъни “одамларнинг яхшиси – одамларга фойдаси кўпроқ тегадиганидир”. Инсон инсониятга яхшилик қиларкан, албатта, у табиат борлиғидаги ҳар бир заррага, ҳар бир ўсимлик ва ҳайвонот оламига яхшилик, эзгулик қилади.

2. Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в) ислом динини тарқата туриб, фақат инсонлар орасидаги жоҳиллик, ўз фарзандларини қурбонлик қилиб сўйиш, қиз фарзандларни тириклайин кўмиш, баччабозлик каби разил иллатларни ер юзидан супуриб ташлаш билан биргаликда, инсоният орасида табиат

⁷² Саломова Х.Ю. Проблема меры в экологии: Автореф.канд. философ. наук. - Ташкент, 1988. - 21 с.; Саломова Х.Ю. Мера как философская категория. - Бухара. Изд. “Дурдона”, 2018. - 186 с.; Саломова Х.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. – Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2018. –Б.198.

⁷³ Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. Одоб тарикати. Коинот ва инсон ҳақида. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2018. -224 б.

неъматлари бўлган ҳайвонот ва наботот вакиллари ҳам асраш-авайлаш зарурлигини тарғибот этганлари англашилди.

3. 900 йил Сомонийлар даврида “Ариқлар хусусида китоб” деб аталувчи қоидалар мажмуаси тайёрланган. Ушбу қоидалар тўлиқ ислом аҳкомлари асосида тузилган бўлиб, Улардаги қоидалар “Ҳидоя”, “Мухтасарул виқоя” деган китоблардаги фикҳий масалаларга тўлиқ мос келган. У қонун ва қоидаларда ер ва сувдан фойдаланишни тартибга солиниши диққатга сазовордир. Демак, экологик ҳуқуқий характердаги қонунлар ҳам ўлкамизда яратилган.

4. Тарих саҳифаларини варақласак, экологик мувозанатни асрайдиган аниқроғи, бокира табиат билан иккиламчи табиат ўртасидаги миқдорий мутаносибликни – (1:1) сақлайдиган қонунлар ҳам борлигининг гувоҳи бўламиз. Бухорода “Бедана кўриқ”, Қўқонда “Худоёрхон кўриқлари” қонун йўли билан қатъий муҳофаза қилинган. У ерларда руҳсатсиз ов қилиш, балиқ овлаш, ўрмон кесиш, ўт ўриш, қамиш қирқиш, чорва боқиш қатъий таъқиқланган.

5. Ҳайвонот ва ўсимликлар олами вакилларига зиён етказмаслик, “Ҳайвонларнинг тириклигида қирқиб олинган аъзоси ўлик ҳайвон ҳукмидадур” каби ҳукмлар орқали табиат оламидаги ҳар бир зарра асралишига оид қонунлар ҳаётга жорий этилган.

Биринчи боб бўйича хулосалар:

1. Зардуштийлик, яҳудийлик, христианлик ва ислом динларида белгиланган йўл инсон манфаатларига қаратилган бўлиб, асосий қадриятлар – инсонни, унинг тинч ҳаётини, мол-мулки, табиат борлигини муҳофаза қилиш ҳисобланади.

2. Инсоният ўзининг оқилона эҳтиёжини аниқлаб олиши, “оқилона эҳтиёж”, “табиий эҳтиёж”, “зарурий эҳтиёж” билан табиатнинг имконият чегаралари орасида диалектик алоқадорликни билиш - табиат борлигини асрашдаги илк қадамдир.

3. Энг қадимий дин ва энг ёш дин, миллий дин ва жаҳон динлари барча-барчасида табиатга эҳтиёткорона муносабат марказий ўринда туради. Мазкур динлар орасида ислом динида Ер юзини обод қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш борасидаги кўрсатмалар халқимиз орасида энг юқори қадрият даражасига кўтарилган ҳамда диний экологик таълим-тарбия диалектик алоқадорликда намоён бўлган.

4. Ислом динидаги табиат борлиғи, олам тартиблиги (экологик мувозанат), табиат борлиғига муносабат ҳади, фикр билан иш тутиш, қисқаси, табиатни асраш омиллари ўзидан олдин вужудга келган динларнинг табиат борлиғига бўлган қарашларни янада сермазмун ва чуқур моҳият билан бойитган.

5. Ислом таълимотига оид ҳар бир адабиётда учрайдиган “илм” калимаси инсониятни фақатгина диний илмларни ўрганишгагина эмас, балки дунёвий илмларни ҳам ўрганиб, уни жамият ва табиат борлиғини асрашга, инсониятнинг фаровон турмушини яхшилаш учун чуқурроқ ва кенгроқ ўрганишга чақиради. “Қуръони Карим”да “илм” калимасининг 754 марта қайд этилиши бежиз эмас. “...ақлни ишлатадиган кишилар учун аломатлар бордир”. (Бақара сураси, 164-оят, 25-бет), “...ҳикматли зикр”, “...ҳикмат бор”. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳикматли ибораларининг бирида шундай дейилган: “Элнинг юкини енгиллаштиринг, элга юк бўлманг”. Элнинг юкини енгиллаштириш эса илм орқали амалга ошади.

6. Меъёр - ҳаётнинг барча жабҳаларида амал қилиниши шарт бўлган борлиқнинг олтин қонунидир. Мазкур ғоя нафақат ибодат, умматлар гувоҳлиги учун, балки табиат борлиғидаги неъматларни олиб ишлатиш, табиатга антропоген таъсир меъёрини англатади. Умматларнинг энг яхшиси – ўрта уммат демақдир. “Қуръони Карим” таълимотидаги мағиз ғоялардан бири “Ҳар бир нарсада ўртаҳоллик яхшидир”. Ушбу фикримизни Аъроф сураси 31-оятдаги: “Енглар ва ичинглар, аммо исроф қилманглар” 154-бет) деган фикр ҳам тасдиқлайди.

7. “Аллоҳ кишиларни эзгулик йўлга бошлайди”. “...Ҳаддан ошмангиз!” (Бу ибора инсонларни табиат неъматларини исроф қилмасдан фойдаланишга чақириши билан аҳамиятли), “Аллоҳнинг чегаралари...” (Табиатда ҳар бир турнинг ўз вазифаси бор. Бир турдаги набобот ёки ҳайвонотнинг камайиши иккинчи бир турга зарар етказди), “Барча ишларни чиройли қилингиз” (Аллоҳ инсонларни гўзал хулқ, гўзал одоб ила инсон ва табиатга чиройли муносабатда бўлишга чақирган), (“Бақара” сураси 143-оят). Аллоҳ “эзгулик қилгувчиларни”, “сабрлиларни” севади. Яъни, инсонларнинг жамиятдаги мартабасининг ошишида инсонлар ва табиатга қилган ҳайрли ишлари билан бир қаторда гўзал сабр орқали муомила қилиши уларнинг ҳурматларини оширади.

8. “Ҳисоб-китоб берадиган кун”, “Улуғ кун”, “Жазо (Қиёмат) Кун”, “Ҳақ (ва рост) Кун”, “Ажрим Кун”, “Ўз китоби (номаи аъмоли) ўнг томондан берилган киши” ёхуд “Ўз китоби (номаи аъмоли) чап томондан берилган киши”- буларнинг бари ҳар бир инсонни табиат борлиғида ҳам, маънавий борликда ҳам чин инсоний-комиллик сифатларида бўлишликни уқтирганидир. Бу таълимотлар инсонларни экологик ахлоқли бўлишга, экологик бурч ва масъулиятини бажаришга чақиради.

9. Инсон ерда “Аллоҳнинг ўринбосари” бўлиб, Раббини таниш, унга ибодат қилиши, замин табиатини ўрганиши, ундаги неъматлардан бандалар манфаат топмоғини билиши вожиб. Аллоҳ таоло айтади: “У сизларни ердан пайдо қилиб, сизларни уни обод этувчи этди” (Ҳуд сураси 61-оят). Демак, “ўринбосарлик”нинг асосий шартларидан бири – ерни обод қилиш, ундаги неъматлар билан эҳтиёжларини меъёрида қондиришга чақиради.

10. Аллоҳ Одам отани яратиб, илм билан улуғлади, сўнгра қадрини баланд қилиб, фаришталарни унга сажда қилдирди. “(Аллоҳ) Одам (Ато)га барча номларни ўргатди” (Бақара сураси 31-оят). Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо оят тафсирида айтади: “Ҳамма нарсанинг номларини, тоғ, дарахт, денгиз, хурмо, ҳайвонлар номларини ўргатган” (“Тафсир Ибн Касир”)лиги маълум бўлди.

11. Муҳаммад (с.а.в.)нинг “Дин – покизалиқдир” ғоя сифатидаги мазкур фикрлари – моддий ва маънавий, руҳий оламдаги покизалиқдан бошланиб, табиат борлиғидаги покизалиқларни ҳам қамраб олади.

12. Инсон жамият, табиат – яхлит Ислом дини манбаларида янада кенг мазмун касб этган, аммо бу ғоя анча олдинги динларда ҳам мавжуд бўлган.

II-БОБ.

МУТАСАВВИФЛАР ҚАРАШЛАРИДА ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ БИРЛИГИ, УМУМИЙЛИК, ХУСУСИЙЛИК МУАММОЛАРИ

Дин – мўъминларга соф қалбли бўлишни, бутун борликқа масъулликни, инсон қалбини авайлаш каби бутун мавжудотни ҳам авайлаш зарурият эканлигини ўргатади. Дин ва тасаввуф чамбарчас боғлиқ. Табиатда тасаввуф – диний ва дунёвий илмларни икки қанот қилиб, қалбда эзгуликларни жойлаш тартиби ҳақидаги илмдир. Ҳар бир тасаввуф тариқатида табиат борлиғи, унинг хилма-хил вакиллари асраш-авайлаш борасида қимматли фикрлар билдирилган. Энг кичик мавжудот, энг нозик, майин наботот оламига ҳам зарар етказмаслик, уларни меҳр билан парваришлаш уларнинг бурчи саналган: “Ҳар бир баргда Худо яшар”, “Табиат - Аллоҳ тажааллиси”, -деб жуда улуғланган.

Тасаввуф ниҳоятда серқирра, чуқур исломий-фалсафий таълимот. Марказий Осиёда тасаввуф таълимоти ниҳоятда ривожланган бўлиб, инсонларни илм орқали ўзлигини англаш, экологик меъёрларга амал қилиб, атроф муҳит табиат неъматларига ғамхўрлик қилиш, Аллоҳни ва ўзликни таниб, нафсни тарбиялашда тасаввуф таълимоти инсонлар учун бебаҳо тарбия воситаси бўлган.

Бугунги ривожланган дунёнинг экологик муаммоларини бартараф этишда мутасаввуф алломаларнинг табиатни асраш тўғрисидаги ғояларидан фойдаланиш айни муддаодир.

§ 2.1. Юсуф Ҳамадонийнинг “Коинот ва инсон ҳақида” (“Фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон”) рисоласида экологик муаммолар ечими

Тасаввуф тўғрисида Маҳмуд Асъад Жўшоннинг “Тасаввуф ва нафс тарбияси”, “Ислом тасаввуф ва ахлоқ”, Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг “Тасаввуф ва инсон”, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф”, И.Ҳаққул, С.Сайфуллоҳ, О.Жўрабоевларнинг

асарлари, шунингдек Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг “Тасаввуф ҳақида тасаввур” номли асарлари бўлиб ушбу асарларда тасаввуф таъриф бериш билан бир қаторда, тасаввуф тарихи, тасаввуфда нафс тарбияси ҳамда инсоннинг ахлоқий тарбиялаш услубларини ёритиб берганлигини кўраемиз.

Шу ўринда нақшбандшунос олима Г.Н.Наврўзованинг тасаввуф таълимотига берган қуйидаги таърифни беришни жоиз деб билдик: “Тасаввуф мутлақ ҳақиқатга олиб боришни кўзда тутган диний фалсафий хусусиятга эга бўлган таълимот бўлиб, инсоннинг маънавий камолотига, комил инсон бўлишига оид билимларни нафс тарбияси, қалб тарбияси, руҳият тарбиясини ўз ичига олади ва инсоннинг ўзини англаш воситаси билан олий ҳадгача баркамол этади.⁷⁴”

Шунингдек, бугунги кунда кўплаб олимлар тасаввуфга ўз таърифларини берган бўлиб, авваламбор, уларнинг таърифларига тўхталишни маъқул кўрдик. Жумладан, фалсафа фанлари доктори Ҳ.Ю.Саломова ўзининг “Тасаввуфда “Комил инсон” ёхуд руҳий меъёрнинг моҳияти ва мезонлари” деб номланган мақоласида тасаввуфга оид таснифларни таққослайди. “Тасаввуфга қуйидаги таснифлар берилган:

1. Тасаввуф – нафс тарбияси ҳақидаги илмдир;
2. Тасаввуф – қўлингдаги бор нарсани бермоқдир;
3. Тасаввуф – илоҳий сифатларга эришмоқдир;
4. Тасаввуф – шариатга биноан яшамоқдир;
5. Тасаввуф - ақлдан устун турувчи илм;
6. Тасаввуф – дунёдан юз ўгириб, қалбни Аллоҳга йўналтиришдир;
7. Тасаввуф – илми Аллоҳдан келадиган илҳом, кашфу ҳолдир;
8. Тасаввуф – яратувчи Парвардигорни ва дунёни чуқур, қалбдан ҳис этиш, таниш ва билишдир;
9. Тасаввуф – ботин ва ғайб олами билан ошналик;

⁷⁴ Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси: Фалсафа фан. д-ри. дисс. автореф. - Тошкент, 2002. – Б.13-14.

10. Тасаввуф – яхши, олий хулққа кириш ва паст хулқдан чиқишдир;

11. Тасаввуф – тоат-ибодат ва яхши ишларга маҳкам дил боғламоқ, Аллоҳга муҳаббат қўймоқ ва унинг васлига етиш йўлида риёзат чекмоқдир;

12. Тасаввуф - “Қуръони Карим”га чин қалбдан амал қилиб, Пайғамбар суннатларини маҳкам тутиб, нафс лаззатларидан, ўзлигидан буткул воз кечиб, машаққат чекиб, фақат Ҳаққа етишиш учун яшамоқликдир;

13. Тасаввуф – Ҳақнинг сендаги “Сен”ни ўлдириши ва Ўзининг наздида тирилтиришидир (Жунайд Боғдодий, 910 йилда в.э.);

14. Тасаввуф – ёмон ахлоқдан парҳез қилиш орқали илоҳий сифатлар нурига етишдир (ибн Арабий);

15. Тасаввуф – қалбни фақатгина Аллоҳга йўналтириб, мосиво – Аллоҳдан бошқа барча нарсалардан буткул алоқани узишдир (Имом Ғаззолий. 1111 йилда в.э.);

16. “...тасаввуф икки ишдир: бири – Аллоҳ буюргандек тўғри юрмоқ, тўғри турмоқ (мусулмонларга Аллоҳ фарз қилган жамики амалларда); иккинчиси – кўпчиликдан четлашмоқ (узлат), яъни ношаръий ишларда халқдан узоқлашмоқ”⁷⁵;

17. “Тасаввуф бир дам беғам бўлишдир”, деб ёзади Жунайд Бағдодий.

Бу иборанинг маъноси шундан иборатки, бир дам беғамлик – бу қалб осойишталиги, инсоннинг аслига (юқори меъёрига) етгандан кейинги тамкинли саодати, дунё ташвишлари, нафс қутқусидан озодлиги ва ҳ.ларни англатади. Шу билан бирга, бир дам беғам бўлиш ҳаддан зиёд тўполон-ғалва қилмаслик, ҳаяжонланмасликни ҳам билдиради. Тасаввуф – бу энг аввало Комил Инсон ҳақидаги таълимотдир, бу инсоннинг руҳий меъёрга эришиши ҳақидаги ҳамда беқарор ўзгарувчан ҳолатдан барқарор ҳолатга (тамкин) ўтувчи, ривожланиш, такомиллашиш даражаларига етакловчи таълимотдир.

⁷⁵ Имом Ғаззолий. Охиратнома..“Эй фарзанд...”. Рисола. - Тошкент: “Ёзувчи”, 1994. –Б.18.

Инсоннинг ўз маънавий оламини шакллантириш ва бошқариш унинг ўзидан катта матонат, меҳнат ва ирода талаб этади. Тасаввуф айнан инсон қалбини эзгуликка етакловчи таълимотдир. Бошқача айтганда, беқарор, ҳаракатчан, ўзгарувчан меърдан барқарор меъерга ўтишдир. Инсон Комил инсон сифатларини ўзига сингдиргандан сўнг табиат оламига ҳам бўлган муносабатини ўзгартиради.

Тасаввуф қисмларига – шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат мансуб.

Тасаввуфнинг ҳар бир қисмида меъёр алоҳида мазмунга эга бўлиб, ҳар бир пиллапоядан ўтган сари унинг мазмуни ҳам бойиб бораверади. Мазмун бойиши билан барқарорлиги ҳам ошиб боради.

“Шариат айтадур, ўлдир илонни,

Тариқат айтадур, оғритма жонни”.⁷⁶

Тасаввуф таснифлари борасида фалсафа фанлари доктори Ҳ.Ю.Саломованинг фикри билан яқдилмиз. Аммо бизнинг эътиборимизни мақоладаги тасаввуф поғоналари тўғрисидаги бошқа бир фикр жалб этди. Тасаввуфнинг илк поғонасида “Шариат айтадур, ўлдир илонни”, деб айтилиши “Қуръони Карим”да уқтирилганидек, бешта ҳайвонни ўлдириш мумкин, деган фикрнинг тасдиғи ҳисобланади. Тасаввуфнинг кейинги поғонасига кўтарилганда “Тариқат айтадур, оғритма жонни”, деб таъкидлангани - ҳеч бир жонга зарар етказмаслик зарурлигини уқтиради. Замонавий илмий нуқтаи назар билан қаралганда, ҳар бир тур бебаҳо. Биологик хилма-хилликни асраш негизи тасаввуфда бўлганини англаймиз.

Ҳақиқатда ҳам тасаввуфга жуда кўп, хилма-хил таснифлар берилган. Биз айнан тасаввуфга берилган икки тасниф устида фикр юритишни лозим деб билдик. Яъни, “Тасаввуф - нафс тарбияси ҳақидаги илмдир” ва “Тасаввуф - яхши, олий хулққа кириш ва паст хулқдан чиқишдир” таснифлари. Ҳар иккала тасниф экологик борлиқда инсоннинг масъулиятини аниқлаб бераётганини пайқаш қийин эмас. Айнан мана шу икки таснифда

⁷⁶ Саломова Ҳ.Ю. Тасаввуфда “Комил инсон” ёхуд рухий меъёрнинг моҳияти ва мезонлари // Бухоро давлат университети илмий ахборотномаси. – Бухоро, 2019. -№1. –Б.12-17.

экологик бурч, масъулият, табиат борлиғи сифат кўрсаткичларига инсон жавобгарлиги, экологик маданият элементлари мужассамлашган. Тасаввуфнинг ҳар бир йўналишида табиат борлиғини асраш-авайлаш ҳақида асосли ғоялар ётади.

Бизнинг фикримизча, тасаввуф – диний ва дунёвий илмларни икки канот қилиб, қалбда эзгуликларни жойлаш тартиби ҳақидаги илмдир. Ҳар бир тасаввуф оқидамида табиат борлиғи, унинг хилма-хил вакиллари асраш-авайлаш борасида қимматли фикрлар билдирилган.

Тасаввуфнинг ҳар бир тариқатида табиат неъматларини сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот олами, тупроқ, уларнинг ҳар бир заррасини авайлаб-асраш борасида қимматли фикрлар билдирилган. Ҳожагон сўнг Нақшбандия деб номланган тариқат, яссавия, кубровия, мавлавия, қаландария каби тариқатларда динийлик ва дунёвийликнинг чамбарчас боғланиб кетганлигини, у ёки бу қоидалар орқали халқ қалбига ҳалоллик, инсоннинг инсоният ҳамда табиат олами олдидаги бурч ва вазифалари, ахлоқий қоидалар, ўзларини чеклашлар борасидаги руҳий, маънавий, экологик тарбия деб очаларини кўрамыз. “Мен чопонимни елкамга ташлаб қуриб оламан” (Сайид Амир Кулол), сўфий аҳлининг ҳатто майсаларга ҳам озор бера олмаслигига мисол бўла олади. Халқимизда “Эрларини йўқотган эл ўн йил йиғлар, ерларини йўқотган эл минг йил йиғлар” деган гап бежиз айтилмаган. Олинган ҳосил билан бирга ҳамда сув ва шамол эрозияси туфайли ҳар гектар ердан ўртача 30 тонна унумли тупроқ йўқолади. Инсониятни боқиб, тўйдириб келаётган ерга, сувга, жамики тирик табиатга бўлган муносабатимиз олам тартиблигини сақлашга қаратилган бўлиши - табиат қонунларига қатъий риоя этишни тақозо этади.

Хоразмнинг Чағмин қишлоғида таваллуд топиб, 1221 йилда вафот этган Умар Чағминийнинг табобатга оид “Қонунча” номли асари орқали уларнинг атроф-муҳит ва саломатлик, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, жамият ва табиат орасидаги мувозанатлар тўғрисидаги фикрлари Ибн Синонинг бу борадаги фикрлари билан ҳамоҳанг эканлигини кўришимиз

мумкин. Умар Чағминий табобатга оид “Қонунча” номли асарида атроф-муҳитни асраш, сув ҳавзалари ҳамда дарёларни ифлосламаслик ҳақида ўз вақтида қайғуриб таъкидлагани бежиз эмас. Бутун инсоният нафақат дарё, кўллар ифлосланиши, балки океан, денгизлар ифлосланишининг салбий оқибатларини XX аср охиридагина жиддий англади.

Тариқат аҳлининг диний ва дунёвий илмлар орқали олам яхлитлигини сақлаб қолиш, инсониятнинг табиат борлиғи учун масъуллигини англашга, оламни яшнатишга даъват этганликларини биламиз.

Нақшбандия тариқатининг бош – асосий ҳалқасини ташкил этган ўн бир улуғ раҳнамоларнинг табиат борлиғи ва уни асраш борасидаги фикр-мулоҳазалари уларнинг табиат борлиғини ноёб гавҳардек асраш масъулияти, ҳар бир инсон коинотга меъёр билан, тўғри муносабатда бўлсагина, коинот ҳам инсониятга фойдали муносабатда бўлиб, унга хизмат қилиши алоҳида уқтирилган. Инсониятнинг табиат борлиғидаги вазифалари, бурчлари ҳамда масъулияти бирма-бир уларнинг илмий рисоаларида ёритилган.⁷⁷

Юсуф Ҳамадоний (1049-1140) Эроннинг Ҳамадон шаҳрида исломни янги қабул қилган бир мажусий форс оиласида туғилган. Ёшлигиданок тасаввуфга оид фалсафий билимларга қизиққан. Юсуф Ҳамадонийнинг ҳам, Имом Ғаззолийнинг ҳам биринчи устозлари шайх Абу Али Фармадий бўлган. У сўфийлик илми бўйича 300 нафардан ортиқ шогирд тарбиялаган. Юсуф Ҳамадонийни пир тутган муридлардан 213 нафари кейинчалик машҳур шайхлар бўлиб етишган. Уларнинг тўрт забардаст халифалари – Ҳасан Андоқий, Ҳожа Абдуллоҳ Барқий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Абдулҳолик Ғиждувоний бўлган. Абдулҳолик Ғиждувоний табиат оламини роса эъзозлаган, гиёҳ ўсган жойларга ҳатто тупурмаган.

Юсуф Ҳамадоний 95 йил умр кўрган, ниҳоятда хушахлоқ, донишманд ва сахий инсон бўлган. Юсуф Ҳамадонийнинг “Инсон ва коинот ҳақида рисола”даги рационал мағиз ҳозирги ҳамда келажакдаги табиат борлигининг

⁷⁷ Нақшбандия бош – асосий ҳалқасининг таркибини ташкил этган ўн бир мутафаккир раҳнамоларнинг етти нафарининг қабрлари Бухорода; биттаси Сурхондарёда; яна биттаси Самарқандда, иккитасининг қабри эса Қашқадарёдадир.

сифат ва миқдор кўрсаткичлари олдинги табиат борлиғи сифат ва миқдор кўрсаткичлари билан диалектик алоқадорлигини ўз даврида пайқай олганидир. Юсуф Ҳамадоний борлиқ шаклларининг диалектик алоқадорлиги, унда инсон ўрни, фаолияти кўламлари оқибатларигина эмас, балки борлиқдаги қарама-қаршилиқлар, инъикосларни тўғри англаб, уни кўрсата олган. Социологик сўрвнома орқали талабалардан ушбу “Қайси тасаввуф аҳли олимининг фикрини кўпроқ қўллаб-қувватлайсиз?” саволига 44% талаба инсон – коинот (борлиқнинг) кули. Сизнинг ожизлигингиз – коинотсиз, борлиқсиз яшай олмаслигингизда (Юсуф Ҳамадоний), 11.3% талаба “Оламни яшнатиш”, “инсон ер юзидаги тартиб, меъёр ва осойишталикка шахсан масъул” (Махдуми Аъзам), 34.5% талаба “Ерда юрадиган ҳайвонлар, осмонда учадиган қушлар, сувда сузадиган балиқлар Сиз каби умматларимдир” (“Қуръони Карим” оятларида), 39.5% талаба “Дин – покизалиқдир” (Муҳаммад а.в.), 35.5% талаба “Ҳар қандай жониворга қилинган хизматнинг савоби бор” (Муҳаммад а.в.), 28% талаба “Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Кимки ундан ҳақли равишда ҳалоллик билан олса, ундан барака топади. Кимки нафс хоҳиши билан дунёни муккасидан кетиб эгалласа, қиёмат куни дўзахдан бошқа нарсага эришмайди” (Ҳадис), 13% талаба “Коинот – сув ва тупроқдир. Улар иккаласи сен истаган ҳожатинг миқдорида ва мақсадинг ҳаддига мувофиқ бўлса фойдалидир. Агар улар наф етказиш даражасидан зиёда бўлса, унинг ортиғини тарк этасан” (Юсуф Ҳамадоний) деб жавоб беришди. Ўтказилган сўрвнома натижалари фикримизни тасдиқлашга хизмат қилди.(2.2-расмга қаранг.)

Мутафаккир ўзининг “Рутбат ул-ҳаёт” (“Ҳаёт мезони”) рисоласида ҳам келтиради: ... “Фойда – зарар, ширин – аччиқ, қийин – осон, ҳокимият асорат, лутф – қаҳр, яшаш – синдириш, висол – ҳижрон, очиш – ёпиш, уялиш – мақтаниш, пинҳон – ошкор, айният (ўзлик) – ғайрият (бегоналик), поклик – нопоклик, ботин – зоҳир, ваъд (умидсизлантириш) – озорлаш, умр – аср, тубанлик – юксаклик – буларнинг барчаси қазою қадардан ҳосил бўлади...”⁷⁸.

⁷⁸Ҳожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (“Рутбат ул-ҳаёт”). - Тошкент: “Янги авлод асри”, 2003.

Диалектик мулоҳазага эга фикрлар, қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар – бари табиат ва ижтимоий борлиқда чамбарчас намоён бўлади. Айнан мана шу диалектик боғлиқликда инсон ҳал қилувчи роль ўйнашини Юсуф Ҳамадоний олдиндан кўра олганлари диққатга сазовордир. Инсоният томонидан кўрсатилаётган ҳар бир фаолият борлиқда инъикос этилади. Яъни, доно халқимиз таъкидлаганидек: “ким қилмагай, ким топмагай”. Олам инсон фаолиятини инъикос – акс эттиради. “Олам – инсон – табиат” булар ўзаро боғлиқ ягона тизим. Қатъий қоидалар, яшаш одоблари, руҳий покликка эришиш йўллари – қисқаси, тасаввуф тариқатининг олтин қоидаларига тамал тоши қўйган, Ўрта Осиёда улуғ тасаввуф алломалари етишиб чиқишига сабабчи бўлган, шунингдек, ўз асарлари билан инсонлар экологик маънавиятини оширишга хизмат қилган донишманд Юсуф Ҳамадоний бўлган.

Алломанинг куйидаги асарлари диққатга сазовор:

1. “Рутбат ул-ҳаёт”⁷⁹ (“Ҳаёт мезони”)
2. “Кашф” (“Ихтиро”)
3. “Рисола дар одоби тариқат” (“Тариқат одоби ҳақида рисола”)
4. “Рисола дар ахлоқ ва муножот” (“Ахлоқ ва муножот ҳақида рисола”)
5. “Фи аннал–кавна мусаххарун лил-инсон” (“Дунёнинг инсонни таслим қилиши ҳақида рисола”) ёки “Коинот ва инсон рисола” (бошқа илмий адабиётларда эса “Коинот” деб таржима қилинган рисола).

Ушбу асарлар билан танишганда Юсуф Ҳамадоний ўзининг деярли ҳар бир асарларида “ортиқча ишлардан йироқлашиши”, “ҳожатини ҳисобга олиб ишлаш”, “ҳаддан ошмаслик”, “зарурат меъёри” қабиларни қайта ва қайта тилга олади. Дунё молини йиғишда ҳаддан ошмаслик, эҳтиёжга кўра еб-ичиш, рўзғор тебратиш, оила қуриш, ва ҳ. билан кифояланиш ҳамма учун зарурийдир. Инсонга бу нарсаларни ишловчи ва ҳаммоли бўлган нафснинг яшаши учун заруратлиги таъкидланган.

⁷⁹Қаранг: Хожа Юсуф Ҳамадоний. Рутбат ул-ҳаёт (“Ҳаёт мезони”). – Тошкент, 2003. Мазкур асар Сайфуддин Рафиддин томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Ғи аннал–кавна мусаххарун лил-инсон” рисоласи айнан умумбашарий экологик муаммога бағишланган, экологик муаммолар ечимини ўз вақтида кўра олиб, табиатни асрашни, экологик тангликлар олдини олишда чора-тадбирларга бағишлаган асар, десак, асло муболаға бўлмайди. Мазкур кичкина рисола қайта ва қайта ўқир экансиз, асар мазмуни кўпроқ “Дунёнинг инсонни таслим қилиши ҳақида рисола” деб таржима қилиниши рисола моҳиятини аниқ қамраб олганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу кичкина, аммо жуда сермазмун рисолада, инсон ва табиат борлиғи, инсон ва олам, оламда инсон фаолиятининг инъикос масалалари, инсоннинг зарурий эҳтиёжи ва табиат борлигининг имконият чегаралари, табиат борлиғига инсоннинг таъсир этиш меъёри – чегараси, инсониятнинг дунё олдидаги бурч ва фарзлари тўлиқ баён этилганига амин бўламиз.

Юсуф Ҳамадоний ёзади: “Заруратнинг эса меъёри ва чегараси бўлади”⁸⁰. Фалсафадаги меъёр категориясининг асл моҳияти ёритилгани кўриниб турибди. Бошқача сўзлар билан ифодалаганимизда, табиат борлиғи, унинг экологик компонентлари барча-барчаси инсониятнинг биологик эҳтиёжларини қондиради, аммо очкўзлигини эмас. Табиат борлиғидаги барча-барча тирик ва нотирек олам ўз меъёри, яъни, миқдор ва сифат кўрсаткичларига эга. Заруратда оқилона эҳтиёж сингдирилган бўлди.

Юсуф Ҳамадоний илмий манбаларида табиат ва жамиятга фалсафий ёндашувлар талайгина: “Бир қалбда икки зид нарса ўрнашолмайди, келиша олмайди. Кўнгил дунё завқларига асир экан, ислом шарафи ва шонидан узоқлашиб, тубанлашиб бораверади”... “Зеро, “Икки зид нарса бир жойга жам бўлмайди”⁸¹ “Рутбат ул-ҳаёт” рисоласида Юсуф Ҳамадоний: “Инсонлар олтин ва кумуш маъданлари кабидирлар” деган ҳадисга ажойиб шарҳ беради: “Аллоҳ таоло Одамни ер юзининг юмшоқ, қаттиқ, нопок ва покиза тупроғидан яратди. Бу юмшоқлик, қаттиқлик, нопоклик ва покизалик одамнинг вужудида миқдорига кўра ёнма-ён ўрнашди”...Одам

⁸⁰ Қаранг: Хожа Юсуф Ҳамадоний. Рутбат ул-ҳаёт (“Ҳаёт мезони”). - Тошкент, 2003.

⁸¹ Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. Одоб тарикат. Коинот ва инсон ҳақида. - Тошкент: “Movarounnahr”, 2018. – Б.224.

фарзандларининг яратилишини тоғлардаги олтин ва кумуш маъданларига ўхшатдилар. Одамнинг сурати ва табиати тоғ янглиғ. Ахлоқдаги қаттиқлик, юмшоқлик, тўғрилиқ, эгрилик, фитратдаги бўйсунувчанлик ва саркашлиқ олтин, кумуш, мис, темир, ғишт, тош, дарахт ва сув маъданларига ўхшайди. Баъзи тоғлар олтин конидир, айримлари кумуш кони, бошқалари ғишт кони, яна бирлари темир ва туз кони. Шундай жойлар борки, сувли дарахтзордир....” бу иборалар орқали биз конларни инсон табиати билан қиёслаб, тушунтира олганларини кўра оламиз, яратилиши жиҳатидан сокин табиатли киши кўрқувни кетказувчи, хулқи раҳмат келтирувчи, суҳбати идрокни очувчи бўлса, бошқасининг сурати чиройли, аммо сийрати хунук, муомалада қўпол ва қўрс бўлса, бошқа бир табиат борки, сурати қабих, лекин сийрати сара ва мақбул, муомалада юмшоқ ва раҳмли бўлади. Яна кўринишда дангаса, аммо маънода оқил, иш юритишда ўта чаққон ва моҳир.”⁸² Мазмун ва шакл, моҳият ва ҳодиса категориялар негизида инсон фалсафасининг таҳлилини кўра олдик.

Диний манбаларда “борлиқ” муаммоси алоҳида аҳамият касб этган.

1. “Инсон – коинотнинг ҳукмдори, саййид хожасиз.
2. Инсон – коинот (борлиқнинг) қули. Сизнинг ожизлигингиз – коинотсиз, борлиқсиз яшай олмаслигингизда”⁸³.

Ҳожа Юсуф Ҳамадоний наздида борлиқ - кадр-қимматли ва инсон учун хизмат қиладиган бошқа нарса билан уни алмаштириб бўлмайдиган моддий дунё – табиий олам. Айна пайтда инсон тафаккурига, ҳаракат амалига боғлиқ бўлган бебаҳо хазинадир. Ҳожа Юсуф Ҳамадоний ўзининг “Инсон ва коинот ҳақида рисола” (“Фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон”)⁸⁴ китобларида борлиқни қуйидаги кўринишларга ажратади:

“Борлиқ – таом, сув, уй, маскан;

⁸² Қаранг: кўрсатилган китоб. –Б.88.

⁸³ Юсуф Ҳамадоний. Рисола (Фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон). - Истамбул, Кўпрули кутубхонаси, Ф.А.Пошо, № 853. 209а – 212б.

⁸⁴ Юсуф Ҳамадоний. Рисола (Фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон). - Истамбул, Кўпрули кутубхонаси, Ф.А.Пошо, № 853. 209а – 212б.

Борлиқ – оила қуриш ва никоҳланиш; инсонлар билан бирга бўлиш, уйқу ва уйғоқликдир;

Коинот иссиқлик ва совуқликдир.

Коинот нур ва оловдир.

Коинот сув ва тупроқдир.

Коинот ҳаво ва шамолдир.

Коинот инсонлар билан бирга бўлиш, халқ билан аралашидир.

Коинот ейиш, ичиш, эшитиш, ҳидлаш, сўз, иш, ҳаракат ва тўхташдир.

Борлиқ тафаккур ва ботиний ишларда мулоҳаза юритишдир.

Борлиқ ирода ва истакдир.”⁸⁵

Юсуф Ҳамадонийнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари бизни борлиқни қуйидаги гуруҳларга ажратишимизга сабаб бўлди:

1. Табиат борлиғи: сув, ҳаво, шамол, ўсимлик, ҳайвонот олами, тупроқ ва нур, олов, тоғ, тош ва ҳ.

2. Ижтимоий борлиқ: инсонлар билан бирга бўлиш, халқ билан аралашиди, оила қуриш, иш, уй ва ҳ.

3. Инсоннинг руҳий-маънавий олами: тафаккур, мулоҳаза юритиш, истак, ирода, ахлоқ, ботиний ишларга оид мулоҳаза ва ҳ.ларга жуда оқилона ёндашувнинг гувоҳи бўламиз.

Юсуф Ҳамадоний инсоннинг борлиққа муносабати, табиат борлиғидаги ўрни, коинот ва инсон орасидаги диалектик алоқадорлик, ҳар бир инсоннинг коинотга меъёр билан тўғри муносабатда бўлишини, айнан мана шундай муносабатда бўлсагина, коинот ҳам, бошқача сўзлар билан айтганда, бутун табиат борлиғи ҳам инсонга фойдали муносабатда бўлиб, унга хизмат қилишини такрор ва такрор уқтиради. Табиат борлиғи билан муносабатда: “...Сен табиат борлиғида яшайсан, коинотдан фойдаланасан, коинотдаги ҳар бир зарра, ҳар бир жонивор-у, наботот, ҳар бир сув, ҳар бир олов, ҳар бир тупроқ “сен истаган ҳожатинг миқдорида ва мақсадинг ҳаддига мувофиқ

⁸⁵ Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. - Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2003.; Абдуллоҳиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Ўз.Р. ФАШИ. № 2533. 20-37 в.

бўлса фойдалидир.”⁸⁶ Демак, барча экологик компонентларни меъёридагина ишлата олишимиз шарт, бу биринчи қонун;

иккинчидан: “...Булардан ҳожатинг доирасида ишлатсанг, сенга фойдалидир. Лекин ҳожатдан ортиб кетса, сени ўлдиради, маҳв этади, ҳалок қилади”⁸⁷. Коинотнинг табиат борлиғи деб аталадиган қисми ўзига қўпол, меъёрсиз, “ҳожатидан ортиғи” билан муомала қиладиганлардан албатта ўч олади. Мазкур жажжи рисолада умумбашарий муаммо кўтарилиб, уни ҳал қилиш омиллари ҳам, ҳар томонлама кўрсатилган, деган хулосага келишимиз учун тўла асос бор.

Буюк мутафаккир назарида эҳтиёжларнинг хилма-хиллигига жиддий эътибор берилганлигини ҳам, айниқса, оқилона эҳтиёж (ҳожатинг доирасида) га алоҳида урғу берилгани таҳсинга лойиқдир. Экологик инқирозлар, экологик хатолик ва тангликлардан қутилишнинг асосий йўли: “...Сен амал қилишинг керак бўлган йўл – уларнинг миқдор ва даражасининг салоҳияти ҳақида мулоҳаза юритишинг керак, ундан зарурий ва фойдали бўладиган миқдорини белгилаб, қабул қилиб, зарар кўрсатувчи ва ҳалок этувчи ортиқчасини ташлашинг керак”⁸⁸. Осмонимизни тўлдириб турган ҳавонинг ҳам, дарёлар ва денгиз, океанларимиздаги сувларнинг ҳам сифат ва миқдор кўрсаткичлари мавжуд, уларнинг барча-барчаси ўзининг табиий сифат даражаларига эга. Юсуф Ҳамадоний уқтирган фикрлар замонавий экологик тилга ўгирилганда: “экологик компонентларнинг асл табиий сифати”, “биосферанинг ҳаёт кўрсаткичлари”, “биосферанинг имконият чегараси”, “тоза, табиий сув сифати”, “тоза ҳаво”, “табиий сув ҳавзалари”, “ўрмон” деган тушунчаларга мос келади.

Юсуф Ҳамадоний инсонларга “Ўз борлигини асраш учун энг олдин табиат борлигини асрашинг лозим. Сен – инсон, бутун инсоният борлиқ учун

⁸⁶ Хожа Абдулхолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2003.; Абдулхолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Ўз.Р. ФАШИ. № 2533. 20-37в.

⁸⁷ Хожа Абдулхолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. - Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2003.; Абдулхолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Ўз.Р. ФАШИ. № 2533. 20-37в.

⁸⁸ Юсуф Ҳамадоний. Рисола (“Фи аннал – кавна мусаххарун лил – инсон). - Истанбул, Кўпрули кутубхонаси, Ф.А.Пошо, № 853. 209а – 212б. //Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. Хожа Абдулхолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. - Тошкент: ”Янги аср авлоди”. 2003. –Б.44.

масъулсан. Борлиқ Сенинг кўлингда, сенинг хизматингда”, деб қаттиқ уқтираётганини англаш қийин эмас.

Юқоридаги фикрлар, мушоҳадалардан шундай хулосага келиш мумкинки, борлиқ ҳақидаги онтологиянинг мустаҳкам пойдевори, борлиққа оқилна муносабатни ўз вақтида Юсуф Ҳамадоний томонидан қўйилган. Мутафаккир ёзган рисолаинг ўзиёқ инсон ва борлиқ, инсоннинг борлиққа муносабатлари ҳар томонлама ёритиб берилган. Инсониятнинг борлиқ олдидаги масъулияти, ёрқин бир маёқ мисоли кўрсатиб берилган. Эътибор берадиган бўлсак: “Сен хизматингдаги нарсаларни бошқарасан...Бу ишнинг чораси ва йўли мувозанатни сақлаш, ўлчов доирасида ҳаракат қилиш, ҳаддан ошмасликдир”⁸⁹. Инсоният табиат борлиғи неъматларидан фойдаланганда ҳаддан ошдимиз? Албатта ошди, ов қоидаси бўлган 70% қоидасига риоя қилдимиз? Йўқ, натижада қанчадан-қанча турлар Ер юзидан йўқолиб кетди.

Ҳожа Юсуф Ҳамадоний табиат борлиғи, унда инсон ўрни, табиат борлиғини эъзозлашда инсоннинг фаоллиги даражаси ҳақида бундай ёзадилар: “...қоинот (борлиқ) ожиздир, чунки у сизнинг хизматингизга топширилган... Фойдаю манфаатга, яроқли нарсаларга муҳтож бўлганингиз учун дунё сизларга бўйсундирилди. Қоинотнинг қадр-қиммати ва устунлиги очиқ-ойдин равшан. Чунки унинг фойдали ва завқли жиҳатларидан фойдаланишингиз мумкин. Шу боис қоинот бир томондан ожиз бўлса, бир томондан саййид – ҳожадир. Сиз ҳам бир жиҳатдан борлиқни бошқарувчисиз, иккинчи томондан эса ожизу муҳтожсиз. Сенинг ожизлигинг – қоинотсиз яшай олмаслигингдир”⁹⁰. Юқоридаги фикрларни таҳлил этсак, ажойиб бир диалектик мантиқий ҳақиқатга дуч келамиз. Табиат борлиғи ва Инсон – ҳар иккиласида ожизлик ва устунлик диалектикаси кўзга ташланади. Ҳар иккала томоннинг заиф ва устунлик томонларини кўрсата олди. Улар орасидаги олтин мутаносибликни Юсуф Ҳамадоний ўз даврида аниқ кўрсата олгани инсон ақл – заковатини лол қолдиради. Юсуф Ҳамадоний ёзади: ”Қоинот –

⁸⁹Кўрсатилган китоб. –Б.44.

⁹⁰ Ҳожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва қоинот ҳақида рисола (фи аннал-қавна мусаххарун лил – инсон). - Истамбул. Кўпрули кутубхонаси. Ф.А.Пошо. №853. 209 а -2126.

сув ва тупроқдир. Улар иккаласи сен истаган ҳожатинг миқдорида ва мақсадинг ҳаддига мувофиқ бўлса фойдалидир. Агар улар наф етказиш даражасидан зиёда бўлса, унинг ортиғини тарк этасан”⁹¹. Инсон учун бир кунда биологик эҳтиёжини қондириш учун 2-2,5 литр тоза ичимлик суви талаб этилади. Ҳаво ҳарорати мўътадил бўлганда, албатта. Зеро, ҳаво исиб кетса, бу кўрсаткич ўзгаради.

Биз Юсуф Ҳамадонийнинг “Инсон ва коинот ҳақида рисола” китобидаги борлиқ шакллари борасидаги фикр-мулоҳазаларини замонавий олимларимиз, хусусан, фалсафа фанлари доктори, профессор Б.О.Тўраевнинг борлиқ шаклларига оид фикрлари билан таққослашни лозим топдик.

Борлиқ шакллари ҳақида

Юсуф Ҳамадоний борлиқни қуйидагича баён қилади:

Табиат борлиғи; Жамият борлиғи; Инсоннинг маънавий-руҳий борлиғи; Вақтга нисбатан эса: бу дунё ва у дунё борлиғи кўринишларига ажратди;

Проф.Б.О.Тўраевнинг “Борлиқ: моҳияти, шакллари, хусусияти”⁹² номли асарида борлиқнинг моддий ва ғоявий, табиий ва ижтимоий, актуал ва потенциал, реал ва виртуал борлиқларга ажратган. Вақтга нисбатан эса ўтмишдаги, ҳозирги, келажакдаги борлиққа ажратиб кўрсатган.

Шундай қилиб, ушбу параграфда Юсуф Ҳамадонийнинг “Инсон ва коинот ҳақида рисола” асарининг илмий таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Табиат борлиғидаги барча ўсимлик ва ҳайвонот олами, табиат захиралари ўз миқдор ва сифат кўрсаткичлари, яъни табиий-биологик меъёрига эга;

2. Инсон табиат борлиғисиз яшай олмайди. Инсоният табиат борлиғига муҳтож, тобе. Табиат борлиғининг ва ундаги қонунларнинг устунлиги;

⁹¹ Хожа Абдулхолик Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. - Тошкент:”Янги аср авлоди”, 2003. –Б.43. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. –Б.43.

⁹² Тўраев Б. Борлиқ: моҳияти, шакллари, хусусияти. - Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2011. –Б.20-26.

3. Табиатнинг ҳар бир зарраси бутун борлиққа муайян ўз вазифасига масъул. Асалари асал йиғади. Дарахтлар ҳавони тозалайди. Табиат ишини ҳеч ким, ҳатто инсон бажара олмайди. Биосферада табиат ва инсоннинг ўз вазифалари бор. Инсоннинг ўз вазифаси бор. Ҳар бир табиат заррасини ишини ўзга бир табиат жисми бажара олмайди. Сув бажарадиган ишни тупроқ асло бажара олмайди;

4. Ҳар бир инсон коинотга - борлиққа меъёри билан, тўғри муносабатда бўлса, коинот, олам ҳам унга хизмат қилади. Инсоннинг оқилона, табиий эҳтиёжларини қондиради. Комиллик – она табиатни тоза тутиш, унинг хилма-хил неъматларидан меъёрида фойдаланиш, она табиатдаги энг кичик, энг майда турдан тортиб, барча-барчасига меҳр кўрсатишдир.

5. Меъёр – борлиқнинг олтин қонуни. Борлиқда инсон “амал қилиши керак бўлган йўл уларнинг (биосферадаги барча экокомпонентларнинг) миқдор ва даражасининг салоҳияти ҳақида мулоҳаза юритиши керак, ундан зарурий ва фойдали бўладиган миқдорини белгилаб, қабул қилиб, зарар кўрсатувчи ва ҳалок этувчи ортиқчасини ташлаши керак”.⁹³

Кўрмоқдамизки, буюк донишманд Юсуф Ҳамадонийнинг “Инсон ва коинот ҳақида рисола”сидаги фикрлари асрлар оша ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган.

§ 2.2. Жалололиддин Румийнинг табиат борлиғига оид қарашлари

Маълумки, Жалололиддин Румий ўзининг бой маънавий мероси орқали мусулмон оламида, яъни, тасаввуф намоёндаларининг орасида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган. Алломанинг асарларида инсон ва табиат, уларнинг ўзаро муносабати, ижтимоий ҳаётда инсоннинг тутган ўрни, табиат

⁹³ Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. Одоби тариқат. Коинот ва инсон ҳақида. - Тошкент: "Movarounnahr", 2018. –Б.117.

неъматларининг инсон ҳаётини бекаму-кўст ҳолда шаклланишига ҳамда инсон фаолиятининг самарали бўлишида катта аҳамиятга эга эканлиги билан инсоннинг экологик-маънавий дунёқарашини оширишга хизмат қилади.

Аллома ўзининг асарида диний манбалардаги табиат ва экологияга оид ғояларни инсонларга тушунарли бўлиши учун оддий сўзлар билан тушунтириб беради. Жумладан, “Наҳл” сурасида ёзилишича: “68-оят. Раббингиз асалариларга ваҳий (буйруқ) қилди: “Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар курадиган) нарсаларга ин қурингиз. 69-оят. Сўнгра турли мевалардан еб, Парвардигорингиз (сиз учун) қулай қилиб қўйган йўллардан юрингиз!” Уларнинг қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқур...фйкр юритадиган қавм учун аломат бордир.”⁹⁴

Биз табиатда асаларидек меҳнаткаш жонзот йўқлигини биламиз. “Сиз болари сингари доно бўла олмаганингиз учун уялинг”, деб ёзганида Сенека, унинг беқиёс ҳалол ва заҳматли меҳнатдан чарчаб қолмаслигини назарга тутган эди.

Румийнинг асаларилар фаолиятига атаган ажойиб мисралари мавжуд:

Хонаҳо созанд пур аз ҳалвойи тар,

Ҳақ бар у он ки илмро бикшод дар

Мазкур мисраларнинг ўзбек тилидаги таржимаси бундай:

Ҳақ таъоло илми бирлан болари,

Хона тиклайди тўла ҳолвалари.

Табиат борлигида ҳар бир турнинг ўз вазифаси мавжуд. Болари кўринишидан борлиқдаги энг жажжи – митти жонзот, аммо мана шу митти вужуд жуда улкан ишларни бажаради. Гулларни чанглантиради, бол йиғади. Гул шираларидан йиққан боллари инсониятга кони фойда. Жалолиддин Румий атиги икки мисра орқали унинг бутун ҳаётини тўлиқлигича ифодалайди. Асалари гулларида 4,25% глюкозаси бор гулларгагина қўнади. Бу глюкоза миқдорини у қаердан билади? Асаларининг барча табиий-

⁹⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. ТАФСИРИ ҲИЛОЛ. Учинчи жуз. Тузатилган ва тўлдирилган кайта нашр – Т.: “Hilol-Nashr”, 2018. – б 345-346.

экологик меъёрлари иловадаги 1.1- расмда ифодаланган. Асалари 100 гр асал олиш учун 46 000 километр масофани учиб ўтади. Бу Ер шарини экватор атрофида айланиб ўтиш демакдир. Асалари 1 кунда 7 мингта гулни чанглатади. Бу мўъжизавий жонзот ҳақида шоир:

“Болари этган юмушни, йўқ шак, На арслон удда айлар, на эшак”⁹⁵ -деб Румий асаларининг бекиёс меҳнатини ҳақли равишда улуғлайди ҳамда асло бир асалари бажарган ишни, бошқаси асло бажара олмайди. Ҳар бирининг ўрни, вазифаси бўлакча. Ҳамма арилар ҳам асал йиға олмайди. Бу ҳақда Румий бундай ёзадилар:

“Арилар ҳам турфадирким, ҳар маҳал
Биттаси заҳру бири йиққай асал”.⁹⁶

Йиғилган 5 кг гулширадан 1,5 кг асал олинади. Шунингдек, асалари маҳсулотлари: 1. Асал; 2. Мум; 3. Прополис; 4. Ўсимлик чанглиги; 5. Перга;6. Она сути; 7. Асалари заҳари киради.

Шу сабабли бўлса керак, ислом диний манбаларининг деярли кўпчилигида асалариларга озор етказмаслик қайта ва қайта уқтирилади. Юқорида кўрсатилган асаларилардан олинadиган ҳар бир маҳсулот тиббиётда жуда қадрли ҳисобланади.

“Қуръони Карим”даги “Наҳл” сураси ва Мавлоно Румийнинг арилар ҳақидаги мисралари таҳлилидан қуйидаги хулосага келдик:

1. Табиат борлигида яшаётган ҳар бир тур хоҳ катта, хоҳ миттикчикинагина бўлишидан қатъий назар, ўзининг яшаш майдони – экологик нишига эга. Инсоният бу экологик нишга зарар етказмаслиги туфайли тур сақланиб қолади (1.1.-расмда асалари учун табиий зарурий бўлган экологик ниш кўламлари келтирилган) . Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир тур экологик ниши аниқланиб, экологик мутаносиблик харитаси ишлаб чиқилиши зарур.

2. Асаларилар ҳидга нисбатан ниҳоятда таъсирчанлиги расмда изоҳланган, демак, асаларилар оиласини асраб қола олишимиз учун

⁹⁵ Жалолоддин Румий. Ҳикматлар. - Тошкент: “Шарқ”, 2008. –Б.34.

⁹⁶ Жалолоддин Румий. Ҳикматлар. - Тошкент: “Шарқ”, 2008. –Б.25.

Ўзбекистон ҳавоси ёт, зарарли ҳидлар манбалари йўқотилиши зарур. Иккинчи жаҳон урушигача биргина Бухоро ҳудудларидан бир йилда 9 марта асал тортишган. Чунки илгарилари Бухоро ҳавосида табиий ҳидлардан ўзга бегона, зарарли ҳидлар бўлмаган.

Жалололиддин Румий табиат унсурлари ўртасидаги уйғунликка инсон томонидан путур етказилса, қандай оқибатларга олиб келишини:

“... гул кетса, гулистон қолмагай,
Сўнгра булбул бирла дoston қолмагай”⁹⁷,

деган поэтик мисраларда ифодалайди. Жалололиддин Румий пантеизм фалсафаси руҳида, инсоннинг бу реал дунёда мавжудлиги, ҳаёти, завқ-шавқи табиат билан уйғун борлиғи, гўзаллиги билан муштарак ва бир бутунлигини гениал тарзда қайд этганлигини кўраимиз.

Румий:

“Ер ҳалолдир – беҳиёнат ҳар маҳал
Экканингни қайтариб бергай тугал.”⁹⁸

деб ёзганида гўё тупроқнинг “Қайтариш қонуни” ҳақида ёзаётгандек бўлади. Ерга ҳалол муносабатгина, ер сифатини асрайди, аммо “ер билан муомалада” виждонсизларча муносабат: уни ифлослаш; уни ҳаддан ортиқ кимёвий моддалар билан тўйинтириш; табиат борлигининг барчасини “иккиламчи табиат” бўлагига айлантириш; оғир технологиядан фойдаланиш барчаси табиатга катта зарар етказди. Табиатга антропоген таъсирларнинг камайтириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб, табиатни севиш, уни ардоқлаш ўта муҳим вазифалардан саналади. Шу ўринда биз Жалололиддин Румийнинг дўсти, устози, маслакдоши Шамс Табризийнинг куйидаги мисрасига диққат қаратишни лозим топдик: “Бутун коинот бир-бирига муҳаббат риштаси ила боғлангандир”.... “Муҳаббатсиз инсондан дунё, унутмагинки, кўрқармиш...”. Мазкур мисрларда табиий, моддий олам билан маънавий, руҳий олам боғлиқлигига аҳамият берилиб қалбида муҳаббат

⁹⁷ Жалололиддин Румий. Учмоққа қанотим йўқ вале учгайман. - Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. –Б.3-5.

⁹⁸ Жалололиддин Румий. Ҳикматлар. - Тошкент: “Шарк”, 2008. –Б.34.

бўлмаган инсон табиатга кўплаб талофатлар етказди, бу ўринда мухаббат ила оламни кутқариш мумкинлигини англаш қийин эмас. Хусусан, сувни ортиқча исроф ва ифлос қилмаслик, сув хавзаларини ҳар хил чиқиндилар билан булғаш ислом дини таълимотида қаттиқ қораланган. Бу ҳақда Табароний ривоят қилган ҳадисда шундай дейилган: “Пайғамбаримиз оқар сувни ифлос қилишдан қаттиқ қайтарганлар” (Имом Табароний ривояти). Ер сайёраси, табиат неъматлари оқилона, “эҳтиёж доирасида”, қаноат билан, исрофгарчиликсиз фойдаланилганда барча инсонларнинг эҳтиёжларини қондиришга қодир эканлиги кўрсатилади. Жалолоддин Румий ўз ҳикматларида сув қадрини кўрсатиб:

Оби ҳайвон қиблайи жон, эй рафиқ,

Сув ила яшнайти бўстон, эй рафиқ.

деб ёзади. XI асрда яшаб ўтган ижодкор Фаҳриддин Гургони ўз даврида сувни ифлос қилмаслик ҳақида улўғ ўғит сифатида:

“Бугун чашма сувни қилсанг агар хор,

Бошқа ичолмассан бу сувдан зинҳор”,- деб сувни ифлос қилмаслик уни асрашга чақирган.

Мавлоно Жалолоддин Румий сувнинг барча тирик организмлар, ўсимликлар ва инсонлар учун беҳад муҳимлигига алоҳида эътибор қаратиб:

Сув садоси бонгу Исрофил эрур,

Тиргизур ҳатто ўлик жонларни ул⁹⁹,

деб сувнинг табиатдаги ўрнини ёзган эди. Ушбу мисралар орқали инсонларга, “Қани энди, сен ўзингни сув деб фикр қил ва ўзингни сув каби ҳис эт. Сув каби ўзгача, сув каби ҳаётбахш, сув каби мусаффо, сув каби зарур, сув каби ҳаёт гарови ва сув каби битмас-туганмас эканлигингни хаёл қил... Аммо яна сув каби кичик бир идишга ўзингни сиғдира билгинки, токи инсонларнинг томирларига қадар кира олгин. Ҳаёт бахш эт, воз кечилмайдиган бўл!”¹⁰⁰. Мазкур мисралар борлиқда сувнинг нақадар юксак

⁹⁹ Жалолоддин Румий. Ҳикматлар /форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2007.-Б.18.

¹⁰⁰ Жалолоддин Румий. Кўрсатилган асар. –Б.34.

ўрнини кўрсата олган. Сув каби бутун инсониятга фойдали бўлиш ҳақида фикр билдирилмоқда. “Маъно оламида юксалмоқ, фақатгина руҳлари покиза бўлганлар учун насиб қилади.”

“Сенинг гул деганинг нима ўзи?

Уч беш тикан, бироз япроқ...

Сен жуда яхши кўрган умр-чи?

Уч беш нафас, сўнгра тупроқ...”¹⁰¹

Оламга пантеистик нуқтаи назардан караш, борликда Аллоҳ тажаллисини ҳар сатр билдириб турибди. “Дунёда билганимиз, кўрганимиз барча кушлар сайрашлари ила Ҳақ таолони зикр қиладилар...Мен кушларнинг сайрашларини эшитиб, зикрларини сезиб, хушҳол бўлиб табассум қилган ҳолда жонимни топширмоқни истайман. Бу жон, севгилини зикр қилаётган вақтда танадан чиқса, бу жон бериш қандай гўзал ўлимдир...”¹⁰²

Ҳазрати Мавлоно Жалолоддин Румий:

“Инсоннинг қадри нима билан ўлчанади, биласанми?

Излаган, қидирган нарсаси билан!

Инсон нимани изласа, ана ўшанга лойиқдир...

Ҳақни севмоқ осон, қийин бўлган нарса халқни севмоқликдир.

Билингки, ҳаётнинг сирри, қийин бўлгани – бажармоқликдир”.¹⁰³

Юқоридаги мисраларни мушоҳада этсак, олам ва инсон муносабатини ҳам, табиат борлиғида инсон ўрни ҳам, инсоннинг қиладиган ишлари ҳам яққол кўзга ташланганини кўраемиз. Энг яхши инсон – табиат борлиғида одоб ила яшаган инсон! Энг яхши инсон халқни ўйлаб, инсоният юқини енгил қилишга уриниб яшайдиган инсон эканлиги, деган хулосага келинади.

Румий Ҳазратларининг “Роббим, барчамизга ҳаддимизни билиб, мулкингда одоб билан яшамоғимизни насиб айла!”, деб ҳикмат аҳиллари дуо қилганларининг ўзиёқ инсониятни табиат борлиғидаги ҳадга–меъёрга зарар

¹⁰¹ Жалолоддин Румий. Кўрсатилган асар. –Б.34.

¹⁰² Жалолоддин Румий. Кўрсатилган асар. – Б.35.

¹⁰³Жалолоддин Румий. Ҳикматлар. - Тошкент: “Шарк”, 2008. – Б.36.

етказмасликка ундаш орқали экологик тарбия одоби билан яшашга инсонларни чорлаётганини гувоҳи бўламиз.

Дарҳақиқат, биосферада ҳар бир турнинг ўз вазифаси бор. Бир тур вакили иккинчи бир тур вакилининг функциясини вақтинча бўлса ҳам бажара олмайди. Ҳар бир турнинг ишлатиш меъёри мавжуд.

Жалололиддин Румийнинг табиат ва ҳайвонотга нисбатан олийжаноблик ғоясида бўлишга чорлайдиган фикрларини таққосласак Ислоом оламининг буюк мутафаккирларидан бири, Шарқда Хужжат ул-Ислоом рутбаси билан машҳур бўлган Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий ўзининг “Мукошафат – ул Қулуб” (Қалблар кашфиёти) асарининг “Марҳамат” деб номланган қисмида: “Марҳаматли кишилар ҳайвонларга ҳам марҳамат қилади. Юк ҳайвонларига кўтара олмайдиган, ортиқча юк юкламайди. Емини, сувини ўз вақтида ва етарлича беради”... бошқа жойда Пайғамбаримиз жавобларини мисол қилиб келтирадилар:... “Эй Аллоҳнинг Расули, махлуқларга қилган яхшиликларимиз учун ҳам савоб борми?

Пайғамбаримиз буюрдиларки:

1. Ҳар қандай жониворга қилинган хизматнинг савоби бор.”¹⁰⁴

Пайғамбаримиз (с.а.в.) фақат инсонларга эмас, Аллоҳнинг барча махлуқот ва мавжудотларига ҳам марҳаматли бўлишни таълим бердилар. Хаста бўлган бирор ҳайвонни кўрсалар, ўзлари уни даволашга киришар эдилар.

Ҳазрат Расулulloҳ одамларни ҳайвонларни бир-бири билан уриштиришдан қайтардилар. Бир одам чанқаган итга оёқ кийимида сув келтириб бергани учун, ўзи гуноҳкор бўлишига қарамасдан, унинг жаннатий эканлигининг башоратини берганлар. Бир мушукни оч қолдириб қийнаган аёл, азобга лойиқ бўлганини, сувсаган дарахтни суғорган одамга савоб ёзилишини башорат берган эдилар.¹⁰⁵ Қайси бир мусулмон киши бир дарахт ўтқазса ёки экин экса-ю, ундан инсонми, қушми ёхуд ҳайвонми еса, у кишига

¹⁰⁴Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат-ул қулуб (Қалблар кашфиёти). - Тошкент:”Адолат”, 2002. –Б.71-72.

¹⁰⁵ Раҳматуллоҳ кори Обидов. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир. (Қуръони каримда пайғамбарлар сиймоси) Иккинчи китоб. - Тошкент: ”Мовароуннаҳр”, 2005. –Б.198.

садақа бўлиб ёзилаверади. Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳамда унинг шогирди Ҳожа Али Рометаний (ҳожаи Азизон)лар ҳам энг яхши навли анжирлар етиштиришган. Ҳозирги кунгача Бухоро вилоятининг Рометан туманига қаршли Қўрғон қишлоғида Ўзбекистоннинг энг олий навли анжирлари етиштирилади. Ниацинга бой анжир юрак ва ошқозон учун энг зарурий озуқа саналади.

2. Тасаввуф аҳли “Инсоннинг вазифаси яратилган тириклик олами устидан масъуллик, уни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиб, гуллатиб, яшнатишидан иборатдир”, -деб инсониятнинг табиат борлиғи олдидаги шарафли фарзини кўрсатиб берганлар¹⁰⁶.

Бугунги кундаги ёшларнинг тасаввуф алломаларининг асарлари ва экологик тарбия тўғрисидаги ғояларидан хабардорлигини билиш мақсадида талабалардан олинган социологик сўровномадаги “Сизнинг фикрингизча қайси диний манбаларда табиатни асрашга оид аҳамиятли фикрлар маълум?” деган саволга 51.5% талаба “Енглар, ичинглар, исроф қилманглар” (“Қуръони Карим”), 39% талаба “Инсоннинг вазифаси яратилган тириклик олами устидан масъуллик, уни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиб, гуллатиб, яшнатишидан иборатдир” (Маҳдуми Аъзам), 8.5% талаба “Табиат ейиш, ичиш, эшитиш, ҳидлаш, сўз, иш, ҳаракат ва тўхташдир...” (Юсуф Ҳамадоний) (2.3 расмга қаранг) тарзида жавоб беришган. Талабаларнинг ушбу жавоблари бугунги кунда ҳам экологик муаммоларни ечишда ҳамда инсонларни экологик маънавиятини оширишда мутасаввуф алломаларининг асарлари ҳамда ҳикматлари катта аҳамиятга эга эканлигини намоён қилади.

Бугунги кунда инсоният ўзидан кейинги авлодга биосферани – табиат борлигини қай аҳволда қолдириб кетмоқда, деган ўринли савол туғилади.

Болалигиданоқ чорвачилик, деҳқончилик ва боғбончилик билан шуғулланган, Ислом дини, ҳикмат аҳилларининг табиатга оид фикрларидан озиқланиб, тасаввуф номаёндаси бўлган Маҳдуми Аъзам ўз ҳаёт фаолияти давомида куйидаги амалларни бажарди: 1) Миёнколда кўриқ ва тўқай

¹⁰⁶ Тўраев Б.О. Маҳдуми Аъзам – мутафаккир. - Тошкент: ИБХМН, 2013. –Б.22.

ерларни ўзлаштирди, уларни экинзор ва боғ-роғларга айлантди; 2) мелиорация соҳасига кўп янгиликлар киритди; 3) Дехқончилик тартиб, коида, меъёрларига бағишлаб бир нечта асарлар ёзди; 4) уруғчилик билан шуғулланиб, нок, анжир ва беҳи ҳамда полиз экинлари: қовун, тарвуз ва ковокнинг янги навларини меҳр билан яратди, ўзи яшаётган заминларини олтиндан ҳам баланд, қимматлилигини билди.

Маҳдуми Аъзамнинг “Рисолаи баттихия” – “Қовун ҳақида рисола”сида энг олдин ҳосилни йиғишдан аввал унинг уруғини тўғри танлаш ва ерга кадаш лозимлигини тасвирлаш орқали мўл ҳосил олиш сирлари ҳақида чуқур маълумотлар берилган.¹⁰⁷ Маҳдуми Аъзам ўсимликлар олами, табиат борлиғи билан муносабатлари ҳақида яна бир рисолада фикр юритади. Мазкур рисола “Рисолаи вужудия” деб номланган. “Вужуди дехқон” – концепцияси орқали табиат борлиғидаги қонунларга риоя этиш олами яшнатишга олиб боришини билдириб, инсониятни бу табиат борлиғи қонунларини ўрганишга даъват этади. Унинг назаридаги Комил инсон нафақат маънавий олам, балки табиат оламининг ҳам посбони саналади.

XVI аср Бухоро хонлиги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган, Яссавия тариқатининг муносиб давомчиси тасаввуф таълимотининг машҳур пири даражасига кўтарилиб, фано мақомига эришган Ҳазрат Шайх Худойдод Валий ҳақидаги ғоявий қарашлар ўзининг “Маноқиб”ида ҳамда яқин халифаси – Мавлоно Сайид томонидан ёзилган “Маноқоби Шайх Худойдод Валий” асарида ўз изоҳини топган. Форс тилида ёзилган ушбу асар 247 варақдан иборат бўлиб, унда туркий ва арабий жумлаларни ҳам учратиш мумкин. Шайх Худойдод ўз муридларига “Олимлик бу амалиёт билан илмнинг бирлашмаси” деб тушунтирган. Шайх Худойдод Валий халқ фаровонлиги ва мамлакат ободлиги учун жон куйдириб, ўзи шогирдларини атрофига йиғиб, атроф далаларни тозалаш, ариқ қазиш каби амалларни ҳам бажариб, ўша даврда атроф-муҳитни мусаффо

¹⁰⁷Зоиров Э., Жумаева Г. Маҳдуми Аъзамнинг “Рисолаи баттихия” асари баркамол авлодни тарбиялашда муҳим манба // Имом Бухорий сабоқлари. – Самарқанд, 2010. -№4. –Б.316-317.

холда асраш, экологик муҳит учун қайғуриш каби туйғуларни инсонлар онгига сингдиришга ҳаракат қилган. Бунга мисол қилиб: “...бир куни Ҳазрат Эшон ёронларига буюрдиларки, пахта даласини бегона ўтлар ва бефойда хашаклардан тозаланглар ва улар зинҳор ёқилмасин, иссиқлик сабабли тупроқ ва тошларни уюб, соҳил томонга ариқ қазинглар ва яна буюрдиларки, бир неча кун кўчалар хашаклардан тозалансин, нажосатдан пок (тоза) қилинсин”¹⁰⁸, деган фикрларини келтириш мумкин. Шайх Худойдоднинг юқорида келтирилган икки фикрини таҳлил қилишимиз орқали энг муҳим ижтимоий жараёнларни англаб олишимиз мумкин. Биринчидан, пахта етиштиришда тасаввуф вакиллариинг иштирок этиши; иккинчидан, табиат борлиғини асраш ва тозалаш борасидаги фаолликлари; учинчидан, илмдан мақсад - халққа фойда, оламни гўзаллаштириш, илмларни амалда қўллаш заруриятлигини уқтирдилар; олим ҳам талабалар орасида бўлиши, ҳам одамлар орасида бўлиб, дўстлар билан табиатга ёрдам беришни ташвиқот қилганидир. Шайх Худойдоднинг энг яхши сифатларидан яна бири “устоз – шогирд” муносабати орқали талабаларнинг илмини кузатиб бориши бўлган. Бир куни у киши шогирдларидан бирига савол берадилар: “Мантиқ нимани ўргатади?...Мантиқ бу қурол, восита, зеҳни хато фикрлардан кўриқлайди”- деган жавобни олди. Шайх Худойдод Валий ҳаётларида ҳам, асарларида ҳам биз диний ва дунёвий илмларнинг кўшиб олиб борганликларини кўрамиз¹⁰⁹.

Иккинчи боб бўйича хулосалар:

Ҳожа Юсуф Ҳамадоний табиат борлиғи – коинот деганда: сув ва тупроқ; ҳаво ва шамол; жонивор; наботот; коинотдаги ҳар бир заррани тушунади. Коинот - олам - борлиқдаги барча-барчалар бир-бири билан ўзаро боғлиқлигини, сифат ва миқдор жиҳатдан ўзаро алоқадорлигини Юсуф

¹⁰⁸Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II – жилд. Илмий асарлар. - Тошкент: Маънавият, 2000.

¹⁰⁹ Қаранг: Муҳаммад Олим Шайх Азизон. Ламаҳот. Яссавия тариқати пирлари мақомоти. Форсчадан К.Каттаев ва А.Нарзуллаевлар таржимаси. - Самарқанд. 2007.; Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Валий мақомотлари ёки мақомот. Форсчадан М.Ҳазраткулов таржимаси. - Тошкент: Мовароуннахр, 2011.; Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II – жилд. Илмий асарлар. - Тошкент:Маънавият, 2000.

Ҳамадоний ўз вақтидаёқ кўрсата олди. Уларни инсоният учун буюк неъмат сифатида яратилганлигига, табиат борлиғи сақланишига жиддий эътибор берган.

Ҳожа Юсуф Ҳамадоний, Жалолiddин Румий, Шамс Табризий, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий, Ҳожа Махмуд Анжир Фағнавий ҳамда уларнинг шогирдлари Ҳожа Али Рометаний (ҳожаи Азизон), Маҳдуми Аъзам каби алломалар асарларида яқдил, бир-бирини тўлдирувчи фикрлар тизими шодасини кўрдик. Оламда инсоннинг яшаш одоби борасида улардаги ғоялар мағзида меъёр қонуни ётганини англадик. Уларнинг табиат борлиғи, экологик талофатлар олдини олиш борасидаги фикрларини қиёсий таҳлил этиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Инсон табиат – коинот олдида ҳам устун, ҳам ожиз, эканлигини қайта-қайта уқтиради. Табиат борлиғи инсониятсиз яшай олади. Аммо инсоният асло табиат борлиғисиз яшай олмайди. Инсониятгина табиат борлиғи – коинотни асрай оладиган ягона кучлиги, табиат қонунлари бирламчи эканлиги алломалар рисолаларида алоҳида уқтирилган.

2. Ҳар бир табиат компонентининг фойдаланиш чегараси мавжуд.

3. Борликда – инсон фаолияти инъикос этади. “Табиатнинг тоқати етадиган меъёрда бўлса, фойдалари бениҳоядир.” ... “Сен хизматингдаги нарсаларни бошқарувчисан. Бу ишнинг чораси ва йўли мувозанатни сақлаш, ўлчов доирасида ҳаракат қилиш, ҳаддан ошмасликдир.” Ҳаётни боқий давом эттириш инсоният қўлида. Юсуф Ҳамадонийнинг юқорида келтирган фикри ҳар қандай экологик хатолик, инқирозлар олдини олиш чора-тадбирлари эканлигини англаш унчалик қийинчилик талаб этмайди. “Табиатнинг тоқати етадиган меъёр” деганда Юсуф Ҳамадоний табиат қонунларини ва ҳар табиат захирасининг экологик кўрсаткичларига зарар етказмасликни таъкидламоқда. “Роббим, барчамизга ҳаддимизни билиб, мулкингда одоб билан яшамоғимизни насиб айла!”, деб Шамс Табризий дуо қилганларида оламда яшаш одоби ҳақида фикр бораётганлиги, унинг қарашлари Юсуф

Ҳамадоний фикри билан яқдил эканлигини англатади. Бунда икки меъёр уйғунлигига қатъий риоя қилиш ҳақида фикр бормоқда.

4. Жалолиддин Румийнинг илгари сурган ғоялари “Қуръони Карим” оятларидаги Аллоҳнинг “Мен ер юзида ўринбосар қилурман”¹¹⁰. Инсониятнинг ер юзида ўринбосарликка танланиши билан ҳамоҳанг; Бинобарин, инсонгина бошқа жонзотлардан улуғдир. Юқоридаги фикрларимизни тасаввуф олими Ибн Арабийнинг бу иборани икки маъносини изоҳлаган фикрлари билан таққослаймиз. Ибн Арабий: инсон энг улуғ мартабали... “Бу борлиқнинг руҳий, фикрий ва моддий камолотлари бўлиб, улар инсондан бошқа бирор жонзотда мужассам эмасдир”, -деб таъкидлайди. Бу ўринбосарлик – Аллоҳнинг мутлақ хоҳиши билан инсониятга ер юзини, табиат борлигини обод қилишдек ишларни юклаганлигини билдиради.

5. Инсоният ер юзи учун масъул экан (инсонгина табиат борлиғи учун масъул) бу борада “инсонларни ақлини ишлатишга чақирилиши” ҳам манбада кўп уқтирилган. Ҳақиқатдан ҳам Инсон – барча яралганлар орасидаги энг улуғи, энг муқаддасидир. Жалолиддин Румий ва Маҳдуми Аъзам асарларининг бош мавзуси “инсон ва унинг ақл-идроқи, ахлоқий қиёфаси Яратганнинг энг муқаддас кашфиётидир”, деган ғояга асосланади. Улуғ устозлар изидан борган Маҳдуми Аъзам дин ва муқаддас китоблар инсонни ахлоқий камолотга етказиш учун берилган, инсон дин учун эмас, балки дин инсон учун яратилган, деган тугалланган фикрга келади. Бу ғоя ўша даврларда ташланган энг жасоратли ғоя бўлиб, инсонни ер юзидаги тартиб ва осойишталикка шахсан масъул эканлигини таъкидловчи, инсонни унинг измига берилган оламини яшнатишга, гуллатишга, поклашга, такомиллаштиришга ундовчи, ҳар бир мусулмонни фаолликка чақирувчи даъват эди. “Оламини яшнатиш”, “инсонни ер юзидаги тартиб, меъёр ва осойишталикка шахсан масъул эканлиги” ўша вақтда ҳам, худди ҳозирги кундагидек ҳар бир пок қалбли инсонни тириклик оламини асрашга оид энг

¹¹⁰ Қуръони Карим. 2. 30.

катъий, дадил ғоя эди. Махдуми Аъзам инсон ҳукмига инъом этган “оламни яшнатиш ғояси” биосферани, табиат борлиғини асраш, ҳеч қандай экологик офатларга йўл қўймаслик, оламни янада гўзаллаштириш ғоясини ўз эътиқодига айлантиришни яшаш мақсади даражасигача олиб чиқди.¹¹¹ Инсониятни “ақл билан ишлашга, фикр қиладиган...” бор дейилиши биосферани ноосферага айлантирилишига ишора, даъват деган хулосага келишимизга асос бўлади.

6. Ҳар бир ўсимлик ҳамда ҳар бир ҳайвон, инсон каби уммат. Инсон улуғ, руҳий фикрий ва моддий камолот мужассаами экан, ҳар бир наботот (флора-ўсимлик олами) ва жамодот (фауна-ҳайвонот олами) ҳам улуғ ва азиздир. Ҳар қандай жониворга қилинган хизматнинг савоби бор (Муҳаммад а.в.с.). Худди шунингдек, ҳар бир ўсимлик учун қилинган хизматнинг ҳам савоби бор. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий ўзларининг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”да илмни фаҳмлаш (теран тушуниш) бобида шундай ҳадис келтирилган: “...У (Ибн Умар) бундай деди: “Расулуллоҳ ёнларида эдик, хурмо ёғи келтириб қолдилар. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Дарахтлар орасида бир дарахт бордир, у мусулмонга ўхшашдир”, дедилар. Мен “Хурмо”, - деб айтмоқчи бўлдим, лекин...”¹¹². Диний манбаларда табиат инъомларини асраб-авайлаш инсоннинг олий бурчи сифатида уқдирилган.

7. “Қуръони Карим”нинг 187 та оятида ўсимликлар оламининг 30 тури ҳақида маълумотлар берилган. Вояга етган 10 туп бақатерак дарахти ерости сизот сувларини тозалашга қодир бўлган битта артезиан қудуғи ўрнини боса олади. Жаҳонда мавжуд 5000 турдаги ўсимлик озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида истеъмол қилиниши қайд этилган. Баъзи илмий манбаларда бу 7000 дан ортиқ ўсимлик, деб эътироф этилган.¹¹³ Айнан шу манбада, ҳозирги кунда бор-йўғи 30 турдаги қишлоқ хўжалик экинлари бутун

¹¹¹ Каримов С. Шарқ ижтимоий тафаккури тарихидан. - Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2016.

¹¹² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. Том.1. - Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. –Б.13-24.

¹¹³ Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари // Эргашев А., Руденко И., Давлетов С. ва бошқалар. - Тошкент: Vaktria press, 2016. –Б.128.

дунё аҳолиси озуқа маҳсулотларининг 95% энергия қувватини, булардан 5 турдаги бошоқли ўсимликлар (шоли, буғдой, маккажўхори, тарик ва жўхори) эса 60% энергия қувватини таъминлайди”¹¹⁴. Диний манбалар билан замонавий манбалардаги фикрлар уйғунлиғни қуйидаги маълумотлар билан йиллар кесимида очиб беришга ҳаракат қиламиз. Жумладан, бир йилда бир киши фойдаланадиган табиат неъматлари 1913 йилда 4,9 тоннани ташкил этган бўлса, 1940 йилда 7,4 тонна, 1960 йилда эса 14,3 тоннагача ошган. Илмий башоратга кўра инсоннинг табиат неъматларига бўлган эҳтиёжи келажакда 35-40 тоннага¹¹⁵ етиши тахмин қилинган. Шунинг учун табиат неъматларини асраш ва уни меъёрида ишлатиш ҳамда инсонларни диний ва дунёвий экологик илмлар орқали экологик маънавиятини шакллантириш бугунги кун учун жуда долзарбдир.

8. Ҳеч бир турнинг вазифасини иккинчи бир тур бажара олмайди, унинг табиат борлиғи қаршисидаги вазифасини ёлғиз ўзигина бажара олади. Биологик хилма-хилликни асраш барча мамлакатлар учун бирдек – табиат борлиғи олдидаги қатъий бурчдир.

¹¹⁴ Кўрсатилган асар. –Б.128.

¹¹⁵ Каримов С., Ўрозов Ш., Абдувоҳидов С. Ижтимоий тараққиёт: муаммо ва ечимлар. - Самарқанд: ”Zarafshon”, 2014. –Б.64.

III-БОБ.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲАМДА ДИНИЙ МАНБАЛАРДАГИ ЕЧИМИ

Жаҳон аҳолисининг учдан бир қисми учун тоза ичимлик сувининг етишмаслиги ҳаммага аён. БМТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг ҳар ўн нафаридан тўрттаси тоза ичимлик суви танқис бўлган ҳудудда яшайди. Ҳар йили 10 миллион киши ифлосланган ва зарарланган сувни ичгани туфайли оламдан кўз юммоқда. XX аср бошларида ер юзиде 1 миллиард аҳоли яшаган бўлса, XX аср охирида 6,2 миллиард, XXI аср бошларида 7 миллиард аҳоли яшамоқда. 2025 йилда ер юзи аҳолиси 8-9 миллиардга етиши мумкин. Ер сайёрасида яшаётган ҳар бир инсон тоза ҳаво, тоза сув, сифатли тупроқ, сифатли табиат инъомларидан “ўз ҳиссаларини” олишга ҳақли. Диний манбаларда ер сайёраси, табиат неъматлари оқилона, “эҳтиёж доирасида”, қаноат билан, исрофгарчиликсиз фойдаланилганда барча инсонларнинг эҳтиёжларини қондиришга қодир эканлиги кўрсатилади. Шамс Табризий сўзи билан айтганда, “Роббим, барчамизга ҳаддимизни билиб, мулкингда одоб билан яшамоғимизни насиб айла!”, Коинот – сув ва тупроқдир. Улар иккаласи сен истаган ҳожатинг миқдорида ва мақсадинг ҳаддига мувофиқ бўлса фойдалидир. Агар улар наф етказиш даражасидан зиёда бўлса, унинг ортиғини тарк этасан”.¹¹⁶ Юсуф Хамадонийнинг асаридаги ғоя Ер юзидаги барча ўсимлик ва ҳайвонот олами инсонларга Яратган томонидан неъмат қилиб берилган. Уни асрашлик, унга ғамхўрлик қилишлик, софлигини сақлаш инсоният бурчидир.

§ 3.1. Ҳозирги даврнинг экологик муаммолари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

XX аср бошларидаги ҳамда XX аср охиридаги табиат ва инсоният орасидаги ўзаро муносабатлар ҳамда ўзгаришларни қиёсласак, XX аср

¹¹⁶ Шамс Табризий // <https://t.me/s/tabreziyrumiy?before=1950>

бошида аҳоли сони XX аср бошида сайёрамизда аҳоли сони 1 млрд бўлса, аср охирида 6 бараварга (6,2 млрд) ошган. Ичимлик суви истеъмоли бўйича XX аср бошида 360 млрд/м.куб, XX аср охирида 4000 млрд/м.кубга ошган. Турларни қисқариш миқдори фоиз ҳисобида XX аср бошида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган бўлса, XX аср охирига келиб, бу кўрсаткич қарийб 20% га қисқарган. Энергия истеъмоли XX аср бошида 1 баробар бўлса, бу кўрсаткич XX аср охирига келиб, 12 баробарга ошганини кўришимиз мумкин. Бу дегани ҳар 25 йилда икки баробарга ўсиш демакдир.

Биота тоза маҳсулотининг истеъмоли XX аср бошида 1 бўлса, XX аср охирида 40 баробарга етган. Ялпи жаҳон маҳсулоти XX аср бошида 60 млрд.долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич XX аср охирига келиб, 20 000¹¹⁷ млрд.долларга етган. XX асрнинг бошида инсоният 1% биосферани аввалги захираларини истеъмол қилган бўлса, аср охирида биосфера захираларининг 10% ресурсларини истеъмол қилди.

Юқоридаги таҳлилларга кўра инсонларнинг истеъмоли ва экологияда катта миқдорда ўзгаришлар рўй берганлигининг гувоҳи бўламиз. Ушбу кўрсаткичлар олдимизга қуйидаги саволларни қўяди, жумладан, XXI асрда табиат борлиғидаги ўзгаришлар унинг сифат кўрсаткичларига қандай таъсир этаркин? XXI аср бошида сайёрамизда йилига 5-7 млн. гектар ер қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетмоқда. Кунига 44 гектар майдон саҳрога айланмоқда. Биргина Осиёда бутун ҳудудининг:

- А) 30% қисми бузилган;
- Б) 27% қисми қисман бузилган, издан чиққан;
- В) 43% издан чиқмаган ҳудуд ҳисобланади. Маълумки, Осиёнинг умумий ҳудуди 53 млн.квадрат километрни ташкил этади.

Шуниси эътиборлики, биосфера ва унинг имкониятлари, табиат борлиғи ўша-ўша ҳолатида қолган бир пайтда, бир томондан унда яшовчи аҳоли сонининг кескин ошиши, иккинчи томондан шаҳар аҳолисининг

¹¹⁷Масштабы экологического кризиса //Инженерная экология и экологический менеджмент. - М.: "Логос", 2003. -С.8.

кўпайиши (масалан, 1800 йилда шаҳарда яшовчилар сони ер юзи аҳолисининг атиги 3%ини ташкил этган бўлса, 2000 йилда ер юзи аҳолисининг 70%ини ташкил қилди) биосфера ва унинг ҳаёт кўрсаткичларига салбий таъсир этмай қолмайди. Айнан мана шу омиллар туфайли:

1. Шаҳарлар - табиий заҳираларни истеъмол қилувчи асосий манба;
2. Шаҳарлар – атроф-муҳитни ифлословчи манбалар¹¹⁸;
3. Шаҳарлар – автотранспорт учоғи;

Бир мамлакатдаги экологик чиқиндилар иккинчи бир мамлакат экологик ҳудудига салбий таъсир этиши ўзига хос экологик низолар-конфликтлар келиб чиқишига олиб келди. Умумбашарий экологик муаммолар тизимига:

Озон қобиғининг емирилиши, “Буғли қобиқ” ва атмосферанинг димиқиши, ўрмонларнинг кескин камайиб бораётганлиги, ичимлик суви танқислиги, чўллашув, тупроқ деградациялари, ифлосланишлар ва жаҳон океанларининг ифлосланиши, озиқ-овқат муаммолари, аҳолининг кўпайиш муаммолари киради.

Юртимиздаги эколог олимлардан фалсафа фанлари доктори, профессор С.Мамашокиров фикрича, “экологик инқирозлар – инсониятнинг лоқайдлиги, бепарволиги ва маънавий қашшоқлиги натижаси”¹¹⁹ бўлса, биология фанлари доктори, профессор, БМТ ҳузуридаги Экологик хавфсизлик халқаро фанлар академияси академиги Абдуқодир Эргашев фикрига кўра, “табиат ресурсларига бўлган эҳтиёжларнинг ҳаддан ошиши”¹²⁰деб билишади.

Шунингдек, фалсафа фанлари доктори Ҳ.Ю.Саломова фикрича, экологик инқирозлар сабаби, инсониятни табиат қонунларини билмай туриб,

¹¹⁸ Дунёнинг энг ифлосланган шаҳарлари: Африкадаги Гана – Агбоглоши, Ҳиндистондаги – Ранипет ва Вапи шаҳарлари; Замбиядаги Кабве, Россиядаги Норильск, Дзержинск шаҳарлари (Дзержинск шаҳри 2003 йил “Гиннеснинг рекордлар Китоби”га дунёдаги энг ифлос шаҳар номи билан кирди); Хитойдаги – Тяньин, Линьфэнь шаҳарларини кўрсатиш мумкин.

¹¹⁹ Мамашокиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. - Тошкент: "IQTISOD - MOLIYA" 2012. -Б.28.

¹²⁰ Эргашев А.Э., Реденко И., Давлетов С. ва бошқалар. Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари. - Тошкент: Vaktria press, 2016. -Б.224.

хар бир экологик компонентларнинг табиий-экологик меъёрларига амал қилмаганликларида ҳамда антропоген омил мезони бўлган лимитирик меъёрларга риоя қилмаганликларидадир¹²¹. Бизнинг фикримизча, ҳар учала олимлар ҳақ. Уларнинг фикрларидаги умумий “қизил ип” шундаки, экологик инқирознинг олдини олишнинг энг биринчи чораси:

1. Табиат борлиғидаги экологик компонентларнинг табиий-экологик меъёрини бузмаслик;
2. Табиат борлиғига нисбатан зарурий эҳтиёж, оқилона эҳтиёж чегараларига риоя этиш;
3. Инсоннинг экологик билимини ошириш, маънавиятини юксалтириш. Юқорида келтирилган фикрлар ислом манбаларида биргина тушунча “олам тартиблиги” тушунчаси билан ифодаланган.

Экологик муаммоларга бўлган қарашлар ўз моҳиятига кўра:

1. Оптимистик; 2. Пессимистик; 3. Скептик; 4. Алармистик; 5. Реалистик; 6. Фаталистик характерга эга.

Биз биосферанинг барқарорлиги ва жамиятнинг экологик ҳалокатсиз, инқирозларсиз ривожланиши тарафдоримиз. Бу борада энг аввало экологик билим, табиат қонунларини бузмасликка эришиш чораларини биринчи ўринга кўйишимиз лозим.

Шу ўринда далилларга асосланиб табиий борлиққа антропоген таъсирнинг ўз меъёридан ошишини таҳлил этамиз. Ер юзида яшайдиган 7 миллиард аҳолининг табиатга салбий таъсири туфайли иқлим ўзгаришлари рўй берди. Бу иқлим ўзгаришлари эса Европадаги амфибияларнинг қарийб 70% йўқ бўлиб кетиш хавфини юзага келтирмоқда. Британиялик олимлар бу ҳолат 2050 йилгача кузатилиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашмоқда.

Метео идораси қошидаги Хедли номидаги тадқиқотлар маркази (Британиянинг иқлим бўйича фаолият юритаётган экспертлари) башоратларига кўра, (интернетдан “Взгляд” газетаси. 05.10.2006)

¹²¹Саломова Ҳ.Ю. Ижтимоий экология асослари. - Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2004.

Саломова Ҳ.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. - Бухоро. “Дурдона” нашриёти, 2018. -Б.196.

умумбашарий исиш туфайли 2100 йилга бориб сайёрамизнинг учдан бир қисми чўлга айланади. Балки бу чўллашиш жараёни XXI асрнинг ўрталарида ҳам бошланиши мумкин, натижада одамлар орасида катта кўчишлар рўй беради. Қурғоқчилик миллионлаб одамлар ҳаётини хавфга қўяди. Умумбашарий исиш оқибатларини батафсил ёритган “Высокий прилив“ асарининг муаллифи Марк Линтес фикрига кўра, ер қуррасини 30% қишлоқ хўжалиги фаолияти учун яроқсиз бўлиб қолади, юз миллионлаб одамлар ўзини овқат билан таъминлай олмайдилар. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистонда 2019 йилнинг 6 январиди “Яйловларни тартибга солиш” ҳақидаги Қонун чиқди. Бу албатта, бекорга эмас, зеро, ерда ҳаётни сақлаб қола олиш учун ҳудудида маълум кўламда ботқоқлик; маълум кўламда яйлов; тоғ, ҳамда маълум миқдорда “бокира табиат” бўлиши шарт. Ушбу фикрлар юзасидан талабалар билимини аниқлаш учун ўтказилган сўровномада талабалар Ўзбекистондаги экологик ҳаёт кўрсаткичини сақлаб қолиш учун республикамиз умумий ҳудудининг бешдан бир қисми бўлган тоғли ҳудудлар ва ундаги табиат олами¹²² сақланиб қолиниши лозимлигини таъкидлашди. Мазкур фикрлар иккинчи бобдаги Ҳожа Юсуф Ҳамадоний, Жалолоддин Румий, Шамс Табризий, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий, Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳамда уларнинг шогирдлари Ҳожа Али Рометаний (ҳожаи Азизон), Маҳдуми Аъзам фикрлари тўғри эканлигини тасдиқлайди. Уларнинг фикрлари биргина ўз мамлакатимиз учун эмас, балки умумжаҳон табиат борлиғига тааллуқлидир.

Бугунги кунда дунёдаги дарё, денгиз ва океанларнинг экологик ҳолати юзасидан, АҚШ мутахассислари маълумотига кўра дунё океанлари оламининг 40% дан зиёди айнан антропоген таъсир туфайли зарар кўрган, деб уқтиришмоқда. Ив Кусто тадқиқотлари ҳам бу фикрни тасдиқлаган. Кейинги тадқиқотлар натижаси шуни тасдиқладики, дунё океанининг атиги 4%игина ўзининг табиий муҳитини асл ҳолича сақлаб қолган, холос.

¹²² Джумаев Т. Сохраним богатство гор // Экономика и статистика. Специальный выпуск посвященный международной конференции. “Экономика, экология и жизнь”, 1996. – С.61-64.

Маълумотларга қараганда Шимолий Атлантика, Тинч океанининг ғарбий қисми, Кариб, Ўртаер, Жанубий ва Шарқий Хитой, Қизил ва Беринг денгизларига ҳамда Форс кўрфазига катта зиён етган.

Бугунги кунда антропоген фаолият туфайли қанча ўрмонлар бир кунда ер юзидан йўқотиб юборилмоқда? Маълумотларга кўра 2020 йили мамлакатимизда экологик назорат тадбирлари натижасида 3890 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, жами 7812 туп дарахт, шундан 3428 туп қимматбаҳо дарахт ноқонуний кесилиши натижасида 15,3 млрд сўмлик зарар етказилгани аниқланди. Илмий хулосаларга кўра, бир гектарли ўрмон бир кунда энг кўпи билан (максимум) 100 кг кислород беради. Бир гектар қорағайзор ўрмонзорининг карбонат ангидрид газини ютиш қобилиятини 100% деб қабул қилинса, қарағай ўрмонзорининг бир гектари 160%, шунча майдондаги теракзор 700 фоиз заҳарли газни ютади, биз инсонлар учун яратилган табиий неъматларини кесишимиз эмас, балки экиб парвариш қилишимиз лозим. Сўзимизни исботи сифатида диний манбаларда ҳам куйидаги фикрларга дуч келамиз, Аллоҳ таоло “Қуръони Карим”да “Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирор эзгу иш қилса, бас, Биз унга пок ҳаёт бахш этурмиз¹²³” (Наҳл сураси 97-оят). Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: “Кўлингизда кўчат бўлса-ю, қиёмат қоим бўлиб қолса, имкон қадар кўчатни экиб қолинг¹²⁴” деб насиҳат қилганлар. Шуниси ибратлики, 2004 йил Нобел мукофоти табиатга меҳр бериб дарахт эккани учун Африка қитъасида яшовчи кениялик 64 ёшли аёл Вангари Маатаига топширилди. Зоолог олима ва табиат ҳимоячиси бўлган бу аёл “Олтин камар” ҳаракатининг етакчиси сифатида 10 йил давомида Африка ерларига 30 миллиондан ортиқ дарахт ўтқазган эди.

Шунингдек, XXI асрда “экологик из”, “биологик салоҳият”, “озиқ-овқат хавфсизлиги”, “иқтисодиётни экологиялаштириш” каби тушунчалар тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. “Экологик из” атамасини (Footprint)

¹²³ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – Б.517.

¹²⁴ Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. - ТошкентТошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – Б.208.

биринчи бўлиб, Канаданинг машхур университетларидан бири – Британия Колумбия университети профессори Вильям Риз 1992 йилда илмий муомалага киритди. “Экологик из” – кишилар ўзининг мавжудлиги учун табиатнинг қанча қисмини ишлатиши орқали уларнинг табиатга таъсирини баҳолаш учун ишлаб чиқилган. “Экологик из” – биосфера ресурсларининг инсоният томонидан истеъмол қилинишини акс эттирувчи шартли тушунча.¹²⁵ “Экологик из” – яшаш муҳитига инсоннинг таъсир қилиш чоралари бўлиб, у биз истеъмол қилаётган ресурсларни ишлаб чиқариш ва бизнинг ҳаёт фаолиятимизнинг чиқиндиларини сақлаш ёки қайта ишлаш учун зарур бўлган ёндош ҳудудларнинг ўлчамларини ҳисоблаш имконини беради. Бошқача айтганда, “экологик из” Ю.А.Израэль, Э.В.Гиросов¹²⁶ ва Ҳ.Ю.Саломоваларнинг илмий асарларида¹²⁷ кўрсатилган “биосферанинг имконият чегаралари” ёхуд “биосферанинг ҳаёт кўрсаткичлари” каби ғояларига яқин бўлиб, у биосферанинг “экологик хизматлар” кўрсатиш қобилиятини кўрсатиб беришга хизмат қилади. Шунингдек, биосферага антропоген таъсир меъёрларини таққослашга хизмат қилади.

Илмий хулосаларга кўра сайёрамиздаги барча биологик маҳсулдор ерлар ва денгизларнинг майдонини унда яшовчи аҳоли сонига бўлсак, 1999 йили битта одамга тўғри келадиган, ўртача 2,1 га. натижани оламиз. Бу миқдорнинг 1,6 га қисми ўрмонлар, ўтлоқлар ва ҳайдаладиган ерлар каби ер устидаги табиий ва тартибга солинадиган экотизим ҳиссасига тўғри келади; 0,5 га. қисми эса асосий қисми континентал шелфларда жойлашган океанларнинг экологик маҳсулдордор жойларидаги ҳудудлар ҳиссасига тўғри келади. 2015 йилги маълумотларга кўра, ерда яшовчи кишининг ўртача “Экологик из” кўрсаткичи 2,7 га майдонга бориб етган. Бошқача иборалар билан айтганда, умумбашарий иқтисодиёт ва инсон фаолияти таъсири Ернинг “экологик хизматлар” кўрсатиш қобилиятини 30%га ошириб юборди.

¹²⁵Эргашев А., Руденко И., Давлетов С. Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари. - Тошкент: Vaktria press, 2016. –С.296.

¹²⁶ Израэль Ю.А., Ровинский Ф.Я. Берегите биосферу. - М.: Педагогика, 1987.–С.88.; Гиросов Э.В.Нормативный аспект экологической науки и проблемы экологии.- М.: Наука, 1988. –С.744.

¹²⁷Саломова Ҳ.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти.-Бухоро: “Дурдона”, 2018. –Б.150-161.

Ривожланган мамлакатларда “экологик из” кўрсаткичи 2015 йилда 6,4 га майдонни (яъни, биосфера имкониятидан уч баробар ортиқ) кўрсаткични ташкил этган. Камбағал давлатлар аҳолиси бор-йўғи 1 га ердан фойдаланадилар, холос.

Дунёдаги энг асосий табиий ресурслардан истеъмол қилувчи мамлакатлар сирасига қуйидагилар киради: Бирлашган араб амирликлари: 9,831., Қатар: 8,000., Қувайт: 5.929., Белгия: 6,656., Голландия: 5,166., Жанубий Корея: 4,534., Исроил: 4,500., Саудия Арабистони: 4,295., Япония: 4,130., АҚШ: 4,128.¹²⁸

Шуни айтиш жоизки, бу мамлакатларнинг аҳолиси у ёки бу мамлакатнинг табиати бера оладиган ресурслардан анча кўп миқдордаги ресурсларни четдан олиб келади ва истеъмол қилади. Агар бу мамлакатларга темир парда тортиладиган бўлса, улар “ўлик саҳрога” айланади.

Агар мустақиллик йилларида Ўзбекистон бўйича 1 миллион 220 минг гектарга яқин ўрмонзор яратилган бўлса, шундан 400 минг гектардан ортиғи айнан Оролбўйи ҳудудида барпо этилган.¹²⁹ Ўзбекистон Республикаси Орол бўйидаги экологик вазиятни яхшилаш мақсадида кум-туз кўчишларининг, саҳро кенгайишининг олдини олиш мақсадида 500 000 гектар майдонда ўрмонзор барпо этишга киришди. Орол тубининг 338 178 гектаридан ортиқ майдони саксовул экиш учун тайёрланди. 109 851 гектар майдонда 443,3 тоннадан ортиқ саксовул уруғлари экилди, шундан техника боролмайдиган 60 000 гектар майдонга авиация ёрдамида уруғ қадалди. Мазкур тадбирда республиканинг барча шаҳарларидан ниҳоятда кўп аҳоли яқдиллик билан иштирок этишди. Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманидан 200 км, Нукус шаҳридан 400 км олисда жойлашган “Возрождение” (“Тикланиш”) оролидан чучук сув топилди. Чучук сув Орол олди артезиан бассейнининг Бўр давридаги ётқизиқлардан, яъни 260-280 метр чуқурликдан секундига 7 литр миқдорида чиқмоқда. Ушбу сувнинг минераллашуви 3 грамм, қаттиқлиги 6

¹²⁸ <http://www.wwf.ru/resources/footprint/calculator>

¹²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь. –Б.4.

миллиграм эквивалентга тенг. Демак, тоза чучук сувнинг 1 минутдаги кўлами – 420 литрни ташкил этади. Бир соатда эса 25 200 литр тоза чучук сув чиқмоқда. Бу ҳам Орол худудини экологик сифатини яхшилашга хизмат қилади.¹³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасининг мағзини экологик муаммолар ташкил этган десак, асло муболаға бўлмайди: “Келгуси йилда аҳолини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини ҳозирги 65%дан 75%га етказишимиз лозим...” “...ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш...”; “сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг қўллаш...”; “2019-2024 йилларда мамлакатда озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий дастури” қабул қилиш”... барча-барчасининг негизида экологик асосланган технологияларни жорий этиб, халқ фаровонлигини оширишга табиат борлиғидаги ҳар бир заҳирага оқилона муносабат бўлишни талаб қилади. Экспертлар хулосасига кўра, жаҳонда мавжуд бўлган мол-мулк жаҳон аҳолисининг 1%ни ташкил қилувчи бойлар, мол-мулкнинг 0,16% ер юзидаги қашшоқ яшовчи аҳолининг ҳиссасига тўғри келади.¹³¹ Табиат борлиғи ўз табиат неъматларини мўл-кўл қилиб яратганда ҳар бир инсоннинг унда ўз nasibаси борлигини таъкидлаган. Бугунги кунда ер юзидаги муайян аҳоли вакилларининг тўқ, бошқа худуд аҳолисининг очнаҳор яшаётганлиги инсониятнинг табиат борлиғига ўзгача муносабатда бўлиш ва ҳолисона баҳолаш вақти келганлигини англатади.

Маълумотларга кўра жаҳондаги саккиз мамлакат ер юзи аҳолисининг 56% ини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, умумжаҳон иқтисодий ишлаб чиқаришнинг 56% ни; бутун олам ўрмон хўжалигининг 55% ига эга бўлиб, дунё бўйича 58% углерод чиқиндиларини чиқариш ҳам шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Тўрт мамлакат: 1. АҚШ; 2. Олмония; 3. Япония; 4. Россия иқтисодий жиҳатдан юқори тараққий этган мамлакат ҳисобланади.

¹³⁰Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2018. 29 декабрь. -Б.4.

¹³¹<http://www.Rosbalt.ru/world/2017/01/16/1583374.html>

Тўрт мамлакат иқтисодий жиҳатдан тараққий этаётган мамлакатларга мансуб бўлиб: 1.Хитой; 2.Бразилия; 3.Ҳиндистон; 4.Индонезия мамлакатларидир. Бугунги кунда жаҳонда инсон эҳтиёжларини беқиёс ўсиши ҳамда биосфера имкониятининг чегараланганлиги сабаб турли зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Айнан бундай мураккаб типдаги зиддиятнинг ўзи барқарор тараққиёт концепциясини амалга оширилишини тақозо этади. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир инсон табиатдан фойдаланишнинг асосий экологик, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни бошқариш, назорат қилиш, табиат борлиғидаги ҳар бир захирадан оқилона фойдаланишни, табиат қонунларига қатъий риоя қилишни давр тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI-боб 50-моддасида шундай ёзилган: “Фуқаролар атроф-табiiй муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”. Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси табиат, табиий захира, денгиз, кўл, дарёларга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига, қисқаси, бутун оламдаги мавжудотга меҳр билан қараши, уларнинг табиий функцияси бузилишига йўл қўймаслиги лозим.

Мамлакатимизда иқтисодиётининг равнақи бугун кўп томондан экотизимларнинг биологик-экологик ҳолатига ҳам боғлиқ. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилида 24 млн. аҳоли бўлган бўлса, 2020 йилга келиб Ўзбекистон аҳолиси 34,5 миллиондан ошди. Инсониятнинг кўпайиши ўз-ўзидан уй-жойлар қурилиши, йирик-йирик шаҳарлар барпо этилишини тақозо этади. Бугунги кунда биосферанинг ноосферага ўтиши бизнинг назаримизда тезлашиши умумбашарий давр тақозосидир. Ноосферани икки хил тушуниш мавжуд:

1. Ақлнинг ҳукмронлиги (Фихте);
2. Инсон ва табиатнинг оқилона ўзаро алоқадорлик сфераси (Тайяр де Шарден ва В.И.Вернадский).¹³²

¹³²Қаранг: Тейяр де Шарден. Феномен человека. - М.,1973. -С.119.

Тайяр де Шарден фикрига кўра, ноосфера бу ижтимоий коллектив онги, яъни, геокимёвий, геотектоник, геобиологик жараёнлар уруши туфайли илк хужайралар моддийлашиб, тараққий этиб нерв тизимларини вужудга келтиргани...Геогенездан биогенез, сўнг психогенез...Психогенездан инсонга келинди. Энди эса психогенез ўзининг энг юқори функционал чўққисига чиқиб, олдин туғилиш, сўнг эса рух тараққийетини, ривожланиши бошлаб – ноогенезга ўтади. В.И.Вернадский фикрларига кўра, инсониятнинг биосферадаги барча жараёнларига биогеокимёвий айланишга таъсири кучайиб кетганини англагани туфайли биосферани оқилона, мақсадли бошқаришга, илмий асосланган бошқаришга бутун ақлининг йўналганлиги ноосфера ғояси мағзини ташкил этади.¹³³ Аслида табиатни асрамай туриб, барқарор иқтисодий тараққийетни таъминлаб бўлмайди. Мана бунга оддийгина бир мисол, дунёдаги ҳар икки иш ўрнининг бири қишлоқ хўжалигида, ўрмон саноати ёки балиқчилик соҳасида бўлиб, улар экотизимнинг барқарорлигига чамбарчас боғлиқдир.

Олам тартиблигининг бузилиш сабаблари:

1.1. Экологик компонентларнинг тикланиш ва сарфланиш орасидаги мутаносибликнинг бузилиши сабабли юзага келадиган табиат ва инсон орасидаги зиддиятлар; мутахассислар таҳлили натижаси шуни кўрсатадики, АҚШда ер ости сувларининг фойдаланиши унинг табиий тикланишига нисбатан 25% тез сарфланмоқда. Бир самолётнинг Европа билан Америка орасида қатновига 50-100 тонна кислород сарфланади. Бу кислородни тиклаш учун эса 10 000 гектар ўрмон бир кеча-кундуз вақт сарфлаб, “ишлаши” зарур. Аслида ўрмонлар шафқатсизлик билан йўқотилиб юборилмоқда. Биргина йигирманчи асрнинг ўзида тропик ўрмонларнинг ярми йўқотиб юборилди. Ҳозирги кунда эса ҳар йилда 16-17 млн.га. тропик ўрмонлар (16-17 млн. гектар майдон Япония худудига мос келади) йўқотилмоқда. Бу кўрсаткич 1980 йилдаги ўрмон йўқотиш даражасидан

¹³³ Горелов А.А. Концепции современного естествознания. - М.: Гуманитарный издательский Центр. Владос. 1999. -С.201.

икки барабар ортиқдир. Ўрмон майдонларининг камайиб бораётгани ва ўрмон деградацияси бутун дунё мамлакатлари учун характерлидир. Ҳар бир йилда дунё миқёсида 3,4 млрд.метр куб ёғоч тайёрланади. Бунинг ярмиси Канада, АҚШ ва МДХ давлатларига тўғри келади. Ўрмонларнинг кескин камайиб кетаётгани айниқса кейинги ўн йилликларга тўғри келади. Биргина АҚШда 95% бокира ўрмонлар йўқотилди. Ер шарида бокира ўрмонлар деярли қолмади.

Албатта, киши эҳтиёжини қондириш учун 0,4 гектар ишлатиладиган ер керак бўлади. АҚШ стандартларига кўра, бир кишига 0,9 гектар ер тўғри келиши керак. Шунини таъкидлаш лозимки, аҳоли сонининг ошиши туфайли, шаҳар ва саноат қурилишларига ерларнинг ишлатилиши – урбанизация натижасида қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар камайиб бормоқда.

1.2.Тикланадиган ва тикланмайдиган табиий компонентлари-заҳиралар мавжудлигини билиш;

БМТ маълумотида кўра, ер сайёрасида 97,5% сув шўрланган бўлиб, бу сувлар - суғоришга ҳам, ичиш сифатида фойдаланишга ҳам яроқсиз саналади. 2,5 % сувни эса тоза ичимлик суви ташкил этади, шундан учдан икки қисми айсберг ва тоғ музликлари суви шаклида мавжуд бўлади. Ернинг сув заҳирасидаги атиги 1%ини инсоният истеъмолига тўғри келадиган сув ташкил этади. Истеъмолга яроқли сувни ичимлик суви дейилади. Ичимлик суви деб эса инсон организмга зарар етказмайдиган, туз миқдори 0,1%дан ошмайдиган, амалдаги стандарт меъёрлар талабларига жавоб берадиган, инсон ва бошқа жонзотлар томонидан кундалик истеъмолга яроқли сувга айтилади.¹³⁴ Демак, ичимлик сувида эмма-коли 3 бўлса бу меъёрни билдиради.

Кейинги беш минг йил давомида сувнинг кўлами, миқдори - асосий экологик компонент сифатида ўзгармай қолган бўлса-да, шу вақт мобайнида

¹³⁴ Сувга бактериологик баҳо беришда унда ичак таёқчаси бор-йўқлиги коли-титр ёки коли-индекс билан аниқланади. Коли титр – деб битта ичак таёқчасини сақловчи энг кам сув миқдorigа айтилади. Коли индекс – деб 1 литр сувдаги ичак таёқчаларининг сонига айтилади. Талқикотлар шунини кўрсатадики, агар сув зарарсизлантирилгандан кейин коли-индекс учгача камайган (бунда коли – титр 300 мл дан юқори) бўлса, унда тиф, паратифлар гуруҳига кирадиган патоген микроблар, лептоспироз ва туляремия касалликларини кўзгатувчилар бутунлай нобуд бўлади.

ер юзи аҳолиси бир неча юз мартага кўпайди, технология янгиликлари амалиётда қўлланилди. Бугунги кунда ичимлик суви, энг ноёб ва қимматбаҳо табиий ресурс деган фикр ўз амалиётини топди.

“Қуръони Карим”нинг кўпгина сураларида Аллоҳ таоло инсонларга ато этган неъматларини эслатиб, улар ичида сувни алоҳида зикр қилади: яъни: “У осмондан сизлар учун ундан ичимлик бўладиган сувни (ёмғирни) ёғдирган зотдир. (Ҳайвонларингизни) боқадиган гиёҳлар ҳам ўша сувдан (суғорилур). У сизлар учун ўша (сув) билан (турли) экинларни, зайтун, хурмо, узум ва барча меваларни ундирур. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломат бордир” (Наҳл сураси, 10-11-оятлар). Мутахассислар фикрича, инсон таомсиз бир икки ҳафтагача яшаши мумкиндир, аммо сувсиз уч кунга ҳам чидай олмайди. Одам танасидаги сув агар ўн беш фоизга камайса, у ҳалок бўлади. Инсон танасининг аксар қисми сувдан иборат.

БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури (United Nations Environment Programme-ЮНЕП)да яқинда аниқроғи, 2050 йилга келиб, ер юзидаги аҳолидан 30% ичимлик сув танқислиги муаммосига дуч келиши уқтирилган эди. Бу жараён эса аслида тезлашиб кетди. Дунё аҳолиси олдида сув танқислиги ва сув сифати муаммолари кўндаланг бўлиб қолди. Ер шаридаги барча сувлар яхлит-ягона бўлиб, улар доимий ҳаракатда, ўзгаришда ва янгиланишда бўлади. Сувнинг ноль градусдан то 100 градус цельсия орасидаги суюқ ҳолати яшаш учун ерда ҳаётнинг мавжудлигининг асосий шарти саналади.

Сайёрамизда нисбатан доимий ҳароратни ушлаб туришда гидросферанинг роли беқиёсдир, у иссиқлик аккумулятори бўлиб, бир томондан сайёрадаги ўртача доимий ҳароратни таъминласа, бошқа томондан фитопланктонлар ҳисобидан атмосферадаги кислороднинг ярмисини таъминлаб беради.

Сувли муҳит – балиқлар овлаш, ўсимликларни йиғиш, сувости захиралари – рудалари (марганец, никель, кобальт ва нефть) олиш бўлса, яна бир фойдаси юкларни олиб бориш ва йўловчиларни манзилига етказадиган

муҳит ҳамдир. Ҳозирги замонда ривожланаётган мамлакатлардаги 80% касалликлар илдизи сувларнинг ифлосланишига бориб тақалади.

Мутахассисларнинг башорат қилишларича, 2025 йилда сув инқироzi яна 17 мамлакатга тарқалади, бу таназзулдан Ҳиндистон ҳам четда қолмайди. Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги пайтда ҳар бир ҳинд оиласига бир кунда 250 литр сув тўғри келмоқда. Ҳиндистондаги энг йирик шаҳарнинг 7 тасига (бу 7 шаҳарда бутун мамлакат аҳолисининг 35% истиқомат қилади) бир суткада 100 л сув ишлатишмоқда.

Мабодо бу сув хавфи Хитойга ҳам таҳдид солса, бунинг оқибатини тасаввур қилиш қийин. Чорак асрдан сўнг сув хавфи 8 млрд. кишига таҳдид солиш мумкин, шу сабабли ҳозирданоқ сувни тежаш ҳақида амалий фаолиятни бошлаш лозим.

Аллоҳ таоло барча нарсаларни бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда, ўзига хос ўлчови ва ҳисоби билан яратган, бу ҳақда “Қуръони Карим”да далиллар жуда кўп. Жумладан: яъни: “Аллоҳ таоло осмондан ёмғир сувларини туширади ва водийларда сувлар ўз ўлчови ва ҳисоби билан оқади...”¹³⁵ (Раъд сураси, 17-оят). Яна бир ояти каримада “Биз осмондан ҳисоби билан ёмғир сувларини ёғдириб, (Ер юзидаги барча нарсаларнинг эҳтиёжига яраша) Ерга ўрнаштирдик. Биз бу сувларни кетказиб, сизларни ундан маҳрум қилиб қўйишга ҳам қодирмиз”¹³⁶ (Мўъминун сураси, 17-оят).

Бу ояти карималар орқали Ҳақ таоло бизларга Ер юзидаги барча нарсалар, шу жумладан, сув ҳам ўзининг маълум ҳисоби ва ўлчови билан яратилганлигини маълум қилади. Яъни, керагидан ортиқ ёмғир ёғса, сув тошқини пайдо бўлиб, экинлардан тортиб, турар жойларгача вайрон бўлиб кетиши, агар бутунлай ёғмай қўйса, қурғоқчилик, сув танқислиги рўй бериши мумкин эди. Бугунги кунда бу бебаҳо неъматга бепарво муносабатда бўлаётган кишиларнинг ҳам борлиги ачинарли ҳолдир. Ҳаётимиз учун энг зарур неъмат бўлган сув исрофи ҳаммасидан ошиб тушяпти. Сувни исроф

¹³⁵ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Тафсири Ҳилол. 3-жуз. Тузатилган ва қайта тўлдирилган нашр – Тошкент: Nilol-Nashr, 2018. –Б.222.

¹³⁶ Шайх Аҳмад Муҳаммад Совий. Ҳашияту ас-Совий ала тафсийрул Жалолайн. 4-жуз. – Тошкент: Darul kitabul ilmiyua Вауруvt-Libnan, 1995. –Б.160.

қилмаслик барчамизнинг бурч ва вазифамиз эканлигини асло унутмаслигимиз зарур. Ҳозир жаҳонда ичимлик суви муаммоси биринчи даражали муаммога кўтарилиб, Африка, Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Жанубий Америка мамлакатларида дарё заҳиралари ва ички ичимлик суви кўллари бўйича қатъий мунозаралар олиб борилмоқда.

Жаҳон банки вице-президенти Исмаил Серагельдин таъкидлашича: “Қишлоқ хўжалигида, саноатда ва уй-жой хўжаликларида ишлатиладиган ҳар бир томчи сувни санаш заруриятдир”. Айнан Исмаил Серагельдиннинг ўзи 1998 йилда тузилган “Сув бўйича жаҳон комиссияси”нинг сардори бўлиб, мазкур комиссия жаҳон мамлакатларидаги сув муаммоларини чуқур ўрганиб, сув хавфи - сув инқирозидан қутилиш учун давлатларга кўрсатмалар тайёрлаб беришни ўз зиммасига олган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти хабарига кўра, 2 миллиарддан ортиқ аҳоли учун тоза ичимлик суви танқислиги мавжуд.

Агар 1960 йилда Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада 1 йилда 1 кишига 3300 л. сув тўғри келган бўлса, ҳозир бу рақам 1250 литрни ташкил этади, яъни, бу рақам хавfli чизиққа (1 инсон учун 1 йилда 1000 литр сувнинг тўғри келиши санитария нормасининг энг пастки хавfli чизиғи эканлигини билдиради) етган. Сурия ва Ливан давлатлари бу хавfli чизиққа яқин келмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатлари орасидаги Қозоғистон кўпинча сув танқислигини ўз бошидан кечирмоқда. Сув таъминоти бўйича Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида энг охириги ўрин Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади: бу ерда 1 кв.км га 37 минг метр куб сув тўғри келади, бир кишига эса бир йилда 6000 метр куб сув тўғри келади. Қозоғистон ҳудуди 56% сув таъминланишини ўз ҳудудидан қондирса, қолган 44% сувга қониқишни бошқа кўшни давлатлар ҳисобидан қоплайди. Бу энг катта иқтисодий-экологик фалокат даракчисидир.

Жаҳон мамлакатларининг кўпчилиги учун сув тақчиллиги рўй берар экан, сув омилининг аҳамияти ўшанча даражада ортаверади. Бу борада Suez

Lyonnais des Eaux va Vivendi каби халқаро сув инфраструктураси билан шуғулланувчи йирик компаниялар фаолияти кучайди.

Халқни ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва саноат учун сув захиралар тақчиллигини Хитой, Ҳиндистон ва ҳатто АҚШ ўз бошларидан кечиринмоқда. Бу муаммони Хитойда ҳал қилиш учун улар Шимолий райондаги дарёларини жанубга томон йўналтирмоқчи бўлишмоқда, бу лойиҳани амалга ошириш учун эса 12 млрд. доллар ва 10 йилга етарли иш талаб қилинади.

Каттагина нефть захирасига эга бўлган Форс қўлтиғи мамлакатлари ўзларининг ерости сувлари орқали ичимлик сув муаммоларини ҳал этишмоқчи. Аммо бир неча минг йиллар давомида йиғилган сувлар кўлами тез қисқариб, камайиб бормоқда.

Ичимлик суви ечимининг яна бир йўналиши – айсбергларни ишлатишдир. Биргина Антарктиданинг ўзида йилида тўпланган айсберг миқдори билан 1 йил давомида бутун ер аҳолисини сув билан таъминласа бўлади. Олимлар эътироф этишларича, айсберг сувлари ниҳоятда тозалиги билан ажралиб турар экан. Айсберг сувларидан фойдаланиш масаласини илк бор Скрипсоновский океонографик институти тадқиқотчиси Дж. Айзек XX асрнинг 50-йилларида ўртага ташлади. 70-йилларда эса Америка фирмалари Саудия Арабистони буюртмасига мувофиқ, Шимолий кутб айсбергларини ишлаш технологияларини – ишлаб чиқара бошлашди. Тажрибалар учун миллионлаб доллар маблағ сарфланар эди.¹³⁷ Аммо 1978 йилда АҚШнинг конгрессида бу ғоянинг самарасизлиги аниқланиб, ишлар тўхтатилди, улкан қаттиқ сув қояларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш катта маблағларни талаб этарди.

Иккинчи томондан океан устидан оқизилиб бораётган бу улкан сув қоясини шўр океани суви манзилга етказгунча 2 бараварга камайтириши маълум бўлди. Австрия бир йилда сув экспорти ҳисобидан 500 млн. доллар фойда олар экан. Баъзи мамлакатлар учун айсбергни қайта ишлаш муаммо

¹³⁷Вода и мир. (Сув ва дунё)//Экономическое обозрение. - Ташкент, 2001.-№5-6.-С.16.

бўлиб турган пайтда, баъзи мамлакатлар музликларидан унумли фойдаланиб, тоза ичимлик муаммосини ҳал этишмоқда. Яқинда Гренландия муз сувни экспорт қилишни ошириш масаласини жиддийлик билан ўртага ташлади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш экспертларининг фикрича, ҳар йили Гренландияда ҳосил бўладиган 5% тоза муз парчасидан 500 млн. литр сув олиш мумкин экан. Бу сув миқдори Канададан АҚШ га бир йил давомида экспорт қилинаётган сув ҳажмига тенг. Мазкур лойиҳани амалда қўллаш учун эса 40 млн. доллар пул зарур бўлади. Бинобарин, америкалик элита қатлам аҳолиси Гренландиядаги музликлар сувидан аллақачонлардан бери фойдаланишаётган эканлар, бу музлар – самолётлар орқали штатларга етказилар экан. Сувнинг йирик экспортчилардан бири Туркия бўлмоқчи, бу давлат Яқин Шарқда сув сотиб, бир йилги даромадини 300 млн. долларга етказмоқчи. Яқинда Қирғизистон Тянь-Шан тоғ музларини Германияга экспорт қила бошлади. 25 литр ҳажмдаги канистр Тянь-Шан суви билан тўлдирилса, унинг нархи Европада роппа-роса 12 долларга тенг бўлар экан. Бу янги бизнес орқали Қирғизистон ўзининг даромадларини тиклаб олмоқчи, зеро, музликлар билан қопланган ҳудуд мамлакатда 6500 км² ташкил этади ва ўз бағрида бир неча миллиард метр куб сувларни сақламоқда. Ҳатто Белоруссия ҳам Араб Амирлигига, Кения ва бошқа Африка мамлакатларига сув етказиб беришни режалаштирмоқда¹³⁸.

Ер сайёрасидаги барча сувнинг ҳажми 1400 млн.куб километрни ташкил этса, шунинг атиги 2%, яъни 35 млн. куб километрини тоза, ичимлик суви - чучук сув ташкил этади. Унинг асосий қисми Антарктида, Гренландиянинг кўп йиллик музлик ва қорликларига тўғри келади. Мана шу чучук, ичимлик сувининг 200 минг куб километрини ишлатилади. Чучук сув захираларининг инсоният яшаётган ҳудудлардан анча олислиги ҳам экологик низога сабаб бўлиб, сув истеъмоли қийинлашишига олиб бормоқда.

¹³⁸Формирование мирового рынка пресной воды// Экономическое обозрение. – Ташкент, 2001.-№5-6.-С.17. Источник “Экспорт”.№8.26.01.2001.

Жаҳон захиралар Институти хабарларига қараганда, дунёдаги 13 мамлакат сув билан етарли даражада таъминланмаган мамлакатлар гуруҳига мансуб.

Жон бошига то бир минг куб метргача ичимлик суви тўғри келадиган мамлакатлар рўйхатида биринчи Миср давлати туради.

Мисрда жон бошига йилига тўғри келадиган сув миқдори 30 метр³, Исроил 150 метр³, Туркманистон 206 метр³, Молдавия 236 метр³, Покистон 350 метр³, Жазоир 440 метр³, Венгрия 594 метр³, саккизинчи ўринда эса Ўзбекистон 625 метр³, Нидерландия 676 метр³, Бангладеш 761 метр³, Марокко 963 метр³, Озарбайжон 972 метр³, ЖАР 982 метр³ сув тўғри келади. Аслида ҳар бир жон бошига бир йил давомида сувнинг тенг келадиган табиий-экологик меъёри 13 000 метр³ ни ташкил этади. (Бир метр³ сув - 1000 литрга тенг). Демак, жон бошига бир йилда бир кишига 13 млн. литр сув тўғри келса, бу табиий-экологик меъёр ҳисобланади. Хоразм ва Бухоро университетлари талабалари орасида ўтказилган социологик сўровномада шундай “Бугунги кунда Ўзбекистоннинг табиий захираларидан бири: ичимлик сувини етарли деб ҳисоблайсизми?” саволига талабаларнинг 8.3% етарли, 71.8% етарли эмас, 19.8% бу ҳақда қизиқмаганман деб жавоб берган. Демак 72% талабалар тоза ичимлик сувининг танқислигини билишган. Бу жавоблар эса ичимлик сувини тежаш, уни ифлос қилмаслик ва асраб авайлашга чақиради. Эътибор қаратсак, яқин Шарқ ва Шимолий Америка мамлакатларида сув захираларининг тақчиллиги мавжуд. Ер сайёрасининг қурғоқчилик қисмида сув танқислиги долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Энг кам сув таъминоти бўлган мамлакатларда, йил давомида бир жон бошига атиги 5 000 куб/метр ва ундан ҳам кам сув тўғри келади. Ҳиндистондаги 7 йирик шаҳар аҳолисининг атиги 35% бир суткада 100 литр сув билан таъминланган. Ўртача бир ҳинд оиласига бир кунда 220 литр тўғри келади. Ҳиндистонда бир йилда жон бошига 213 м³ сув тўғри келади.

2020 йилга келиб биргина Африканинг 75 миллион аҳолисидан тортиб 250 млн. аҳолиси сув танқислигига рўбарў келишади. Бу кўрсаткич турли

мамлакатларда турлича, сув танқислиги, айниқса, Ливан мамлақатида бир йилда 1250 литрни ташкил этади. Араб давлатларида ҳар бир истиқомат қилувчи киши учун бир йилда 1,5 минг куб метрни ташкил этади. Яъни, сув истеъмоли ўз меъёридан 9,5 баравар кам.

Дунё бўйича эса сув истеъмоли 11,1 бараварга ошиб кетган. Энг кўп сув талаб этадиган мамлакатлар қаторига Ҳиндистон, Хитой, АҚШ, Покистон, Япония, Таиланд, Индонезия, Бангладеш, Мексика ҳамда Россия давлатлари мансуб.

БМТ башоратида кўра, 2025 йилда чучук, ичимлик тоза сув захирасининг кўплиги билан Россия, Скандинавия, Жанубий Америка ҳамда Канада юқори ўринни эгаллайди, сув билан тўлиқ таъминланган давлатлар рўйхатида туради, чунки у мамлакатларда яшовчи ҳар инсонга бир йилда 20 000 метр³ сув (жон бошига) тўғри келади. Бу эса меъёрий кўрсаткичдан анча баланд.

Ҳозирги кунда бутун дунёда БМТнинг Барқарор тараққиёт концепцияси тан олинган. “Барқарор тараққиёт” ибораси илмий мулоқотга 1987 йил Гру Харлем Брундтланд томонидан киритилган. Рио-92 Жаҳон Конференциясида “Барқарор тараққиёт – бу ҳозирги замон ва келажакдаги инсониятнинг эҳтиёжларини қондира оладиган тараққиётдир”¹³⁹ деб тасниф берилгани, ҳар бир инсон соғлом, тоза атроф-муҳитда яшашга ҳақли эканлиги назарда тутилгандир. Мазкур форумда иштирок этган 179 мамлакатнинг сиёсий ва диний раҳбарлари, юқори лавозимдаги вакиллар ўзларига истиқболда жаҳон тараққиётини барқарорлаштириш мажбуриятини олдилар ва бу иқтисодий ўсишни тўхтатиб қўйишни эмас, балки келгуси авлодларнинг катта миқдоридаги эҳтиёжларини кўзда тутди.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, барқарор тараққиёт – бу биосфера учун лозим бўлган аҳоли миқдори; иккинчидан, бу атроф-муҳитни, табиатни илмий бошқариш, ҳар бир экотизимни оқилона бошқариш, эҳтиёжларнинг

¹³⁹ Валянсий С.И., Калужный Д.В. “Третий путь цивилизации, или Спасет ли Россия мир?” –Москва: “Алгоритм”, 2002. -С.480.

ақлий, оқилона ва табиий меъёрдан ортиқ бўлмаган миқдорини топа билиш ва уларга риоя этиш деганидир. Бунинг учун эса ёш авлодга замонавий билимлар бериш, табиат қонунларини бузмасликни, ҳар бир заҳирадан унумли фойдаланишни йўлга қўйишни амалга ошириш лозим бўлади. Академик А.Эргашев: “Барқарор тараққиёт ғояси – ҳам ҳозирги, ҳам келажак авлод учун юқори ҳаёт тарзини таъминлаш, уларнинг яшаш муҳитини ҳимоя қилиш ва яхшилашни кўзда тутувчи иқтисодий тараққиёт билан ўзаро тил топишга қилинган ҳаракат ҳисобланади”¹⁴⁰ деб таъкидлаган эди. Олим табиат компонентларини асраш, биологик хилма-хилликка зарар етказмай иқтисодий тараққиётга ўтиш ҳақида ўз фикрларини қуйидагича давом эттиради: “Яъни бу шундай уйғунликдаги ривожланиш бўлиши лозимки, унда табиий бойликлар, инвестициялар, технологиялар баркамоллиги ва ижтимоий тузилманинг ўзгариши ҳам бугунги, ҳам эртанги кун эҳтиёжлари билан мос тушиши талаб этилади.”¹⁴¹

“Барқарор тараққиёт” - бу ҳозирги замон ва келажакдаги инсониятнинг эҳтиёжини қондира оладиган тараққиётдир”, деб бонг ураётган бир вақтда бундан қарийб бир минг бир юз эллик йил олдин, аниқроғи, 861 йил ҳозирги Қоҳира олдинги Фустот шаҳрига борган Аҳмад Фарғоний томонидан Нил дарёсида қурилган (Нил дарёсининг узунлиги 6671 км, ҳавзасининг майдони 2 млн. 870 000 км.кватратни ташкил этган, яъни Нил – дунёдаги энг азим дарё саналади – таъкид бизники, А.З.) “Нилометр” тизимидаги кудуқ ва шу кудуқ ичига тик ҳолатда ўрнатилган ўлчов устунни сув сатҳи тебранишларини қайд қилувчи қийматларга мос ўлчамларда бунёд этилганини таъкидлаш зарур. Аниқроғи, кудуқ дарё юзасидаги ўзгаришлар амплитудасига мувофиқ чуқурликда (камида ўн метр) қазилса, унинг ўртасига ўрнатилган устуннинг баландлиги шу қийматдан кичик чиқмаган¹⁴². Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, “Нилометр”нинг ўлчов устундаги белгилар (катта, кичик даражалар) Қоҳира яқинида қайд этилиши эҳтимол бўлган энг катта қийматдан юқори

¹⁴⁰Эргашев А.Э., Руденко И., Давлетов С. Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари. - Тошкент:Вактриа press, 2016. –Б.10.

¹⁴¹Кўрсатилган асар.-Б.10.

¹⁴²Хасанов А. Маънавият оламига саёҳат. – Бухоро, ”Бухоро” нашриёти, 2018.-Б.109.

хам, энг кичик қийматдан пастда ҳам кузатилган. Шу боис иншоот ёрдамида у ишга тушган 861 йилдан то 1946 йилгача (деярли бир минг юз йил мобайнида) кузатувчилар томонидан дарёдаги барча энг баланд ҳамда энг қуйи сув сатҳлари ҳисоблаб борилган”¹⁴³. Эътибор берсак, Ал Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синолар илмий тадқиқотларидаги яқдиллик улар ўрганган табиат борлиғидаги объектнинг “энг катта қийматдан юқори”, “энг кичик қийматдан паст” миқдор кўрсаткичлари устида тинимсиз иш олиб борганларининг гувоҳи бўламиз. Бу ўрганилаётган мазкур объектнинг табиий меъёр чегаралари эканлиги, айнан мана шу ҳақиқат эканлиги, моҳиятини топганларини англаймиз. Шу аниқ миқдорларни топганидан бўлса керак, Христофор Колумбнинг Испаниядаги Колумбино кутубхонасида сақланаётган бир дастхатида сайёҳ ўз экспедициялари ва тадқиқотларида Фарғоний яратган илмий ишларга таянганини таъкидлаган. “Нилометр”нинг асосий қисми бўлган қудуқ дарё билан ерости сув йўллари орқали туташ эканлигига урғу берилган. Ана шу сув туташ йўлларининг сони турли манбаларда турлича кўрсатилган. Лекин бу рақамлар қанчалигидан қатъий назар, Аҳмад Фарғоний “Нилометр” тизимида улардан фойдаланиб, энг муҳим муаммони ҳал этган. Аҳмад Фарғоний ҳисоб-китобига кўра, Нил сатҳи “Нилометр”даги ўлчов устунида ўн олти тирсаккача¹⁴⁴ кўтарилгани қайд қилинганда ҳосилнинг мўл-қўл бўлиши, ўн беш тирсаккача яхши, ўн тўрт тирсаккача ўртача, ўн уч тирсаккача ёмон, ўн икки тирсаккача етганда эса сув озайиб, очарчилик хавфи туғилиши мумкинлиги аниқланган. Шунингдек, сув кўтарилишининг ҳам маълум чегараси белгиланган. Сув сатҳининг ўн етти тирсак (тўққиз метрдан юқорига чиқиши кўп жойларда ўта хавфли тошқин юз беришидан, оқибатда бу ҳолат қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигидан дарак берган, деб экологик офат чегараларини кўрсатиб берган. Айнан мана шу илмий маълумотларга асосланиб, деҳқонларга нисбатан адолатли солиқ

¹⁴³Кўрсатилган асар. –Б.14

¹⁴⁴Бир тирсак тахминан 55 сантиметр ёки 0,55 метрга тенг

тизимлари ишлаб чиқилган, ҳар йили бир хилда эмас, балки ҳосилдорлик, сув таъминотиغا кўра солиқ солинган, солиқ соҳасидаги ноҳақликларга барҳам берилган. 12 ва 17 тирсак эса меъёрнинг хавфли чегараларини билдирган. “Нилометр”дан фойдаланиш натижасида Миср ҳудудида деҳқончилик гуркираб ривожланган, ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб борган.

Инсон – биоижтимоий мавжудот. У биологик (физиологик) ва ижтимоий (моддий ва маънавий) эҳтиёж хилларига зарурият ҳис этади. Инсонга зарур бўлган табиий-экологик эҳтиёжлар ҳам хилма-хил. Инсон тоза сувга, соф ҳавога, қуёш нурларига, гўзал хидли гулларга, тоза тупроққа доимо эҳтиёж сезади. Юқоридаги барча эҳтиёжлари, албатта, текин қондирилади.

Инсондаги бир эҳтиёж қондирилдими, шу оннинг ўзидаёқ янги бир эҳтиёж пайдо бўлади. Бу эҳтиёжнинг қондирилиши билан яна бошқа эҳтиёжи пайдо бўлади. Шу сабабли бўлса керак, “Инсонлар – қонмаган эҳтиёжларини қондиришга интилувчи очкўз махлуқлардир”, деб ёзган эди америкалик инсоншунос олим Абрахим Маслау¹⁴⁵. Инсондаги қондирилмаган эҳтиёж мақсадга айланади, ишлаб чиқариш тараққиёти ривожини учун стимул – сабаб бўлган омил – бўлади. Булар ишлаб чиқаришнинг такомиллашувига, тараққиётга, ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўсишига олиб келади. Инсон худди мана шу хусусияти билан ҳам ҳайвонот оламидагилардан фарқ қилади.

Инсоният эҳтиёжини қондириш мақсадида изланади. Изланиш орқали табиат борлиғи қонунлари, қоидаларини ўрганади. Тут ипак қурти ривожланиш фазоларидаги мантиқий тартибли кетма-кетликни аниқ ўргана олгани учун ҳам (тут ипак қурти учун: тухум – личинка – ғумбак – имаго) ипак толалар ярата олди. Ипак толалардан эса жуда чиройли матолар яратилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак:

¹⁴⁵ <http://staff.tiiame.uz/storage/users/414/books/menes7sqs2paCuPCngz9T8Laf0ZWK4lmSor3Rucf.pdf>

1. Антропоген омил ўз эҳтиёжига эга. Бу эса оқилона эҳтиёждир. Бу табиий-оқилона эҳтиёждир, ундан ортиқ эмас.

2. Изланувчанлик, яратувчанлик, ривожланиш, тараққиёт – булар бари биз яшаб турган биосферани у ёки бу даражада ўзгартиради. Ўзгартириш, яратувчанлик, ривожланиш фақат табиат компонентларининг меъёри доирасидагина бўлиши шарт.

§ 3.2. Экологик муаммоларни ҳал қилишнинг амалий воситалари хақидаги дунёвий ва диний қарашлар

Бугунги кунда 2 миллиард киши тоза ичимлик суви танқислигига учраган ва ҳар йили 10 миллион киши ифлосланган ва зарарланган сувни ичгани туфайли оламдан кўз юммоқда. 2008 йил декабрь ойида Ҳиндистондаги ижтимоий масалаларга бағишланган махсус ҳисоботда қайд этилишича, ҳар куни 14000 киши ифлосланган ичимлик сувидан заҳарланиш таъсиридан вафот этмоқда. Ҳар куни 1000 та ҳиндистонлик болакайлар ифлос сувдан истеъмол қилгани туфайли ичкетар касаллигига чалиниб, дунёдан кўз юммоқда. Хитойда ҳар йили 656 000 киши атроф-муҳитнинг ифлосланиши оқибатида вафот этмоқда. “Хитойда аҳоли ўлимига таъсир кўрсатаётган энг катта омил – атмосферанинг ифлосланиши” мавзусидаги махсус ҳисоботда тахминан ярим миллиард хитойлик тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда, деб таъкидланган. Талабалар ўртасида олиб борилган социологик сўровномада “Сизни фикрингизча табиатни қандай усуллар орқали асраш мумкин?” саволга 15% талаба инсоннинг табиат борлигига оқилона таъсири, 20,5% талаба табиат қонунларига риоя қилиш, 6,5% талаба экологик асосланган технологияларга ўтиш, 10,5% талаба ерга оқилона муносабат орқали, 22% талаба ҳаво, сув ва тупроқни ифлосламаслик орқали, 22,5% талаба табиат компонентларининг табиий-экологик меъёрини бузмаслик орқали, 5,5% талаба экологик асосланган технологияларни қўллаш орқали деган фикрни билдирган. Бу эса инсонларни ҳаво, сув ва тупроқни

ифлосламаслик, табиат компонентларининг табиий-экологик меъёрини бузмасликка чақиради. Агар биз табиий-экологик меъёрини бузсак ҳаво, сув ва тупроқни зарарласак, ҳар ҳил касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўламиз (2.6-расмга қаранг). Фикримиз исботи сифатида қуйидаги маълумотларни келтирамиз дунё олимларининг кўп йиллик тадқиқотлари туфайли 1931 йили тишнинг доғланиш касаллигининг келиб чиқиш сабаби аниқланди. Бунга ичимлик суви таркибидаги микроэлементларнинг меъёридан ортиқ эканлиги сабаб бўлган. 1 литр сувда 0,8-1 миллиграмм фтор бир кеча-кундуздаги истеъмол сувида бўлса етарли ҳисобланади. Организмга озиқ-овқатлар билан 1 суткада 1 миллиграммгача фтор кирса етарли, шунинг 5% инигина организмдаги тўқималар ушлаб қолади, қолган 95%и чиқинди моддалар билан ташқарига чиқариб юборилади. Ундан ортиғи организм учун жуда зарарли бўлиб, тиш тўқимасини зарарлайди.

Тожикистоннинг ТАЛКО алюминий заводи 1975 йилдан, яъни 46 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Мазкур завод ҳар йили 120 тонна водород фторид газини атмосферага юборади. Ҳар йили ушбу заводдан 22 минг тонна ифлослантирувчи моддалар атмосферага юборилади. Сарийосиё туманида 2006-2010 йилларда фтор бирикмаларининг 26 километр узоқликдаги назорат намуналаридан олинган кўрсаткичлари РЭМ (рухсат этиладиган миқдор)дан 1,1 – 2,0 баробар кўплиги аниқланди. Ўсимликлардан олинган фторидлар кўрсаткичи эса РЭМ 10мг/кг га қараганда 70-180 мг/кг, яъни 7 баробардан 18 мартагача ошганлиги аниқланди. Бунинг натижасида ҳосилдорликнинг пасайиши, мевалар сифатининг ёмонлашуви кузатилган.

Оғирлиги 1-1,5 килограммгача бўлган Дашнобод анорлари аввалгидек, ширин, катта ва серсув бўлмай қолган. Тажриба натижалари Дашнобод жамоа хўжалигида анор, шафтоли, олма меваларида В₁ витамин миқдори 35-45% камайгани, узумда эса 50-55%гача камайиб кетгани аниқланган. Демак, ўсимликларнинг фтор бирикмаларига таъсири ўта кучли. Шу сабабли ҳам атмосферанинг ифлосланишига йўл қўйиш мумкин бўлмаган ҳолатдир.

Сигир ва бузоқларда эса – йирик чорва молларининг тишларида очик-жигар рангли доғлар бўлиши, тиш ва милк деформациялари, ёш бузоқларда тиш тузилишининг ўзгариши кузатилди. Сигир ва бузоқларнинг кўпчилигида флюороз касаллигининг II босқичи кузатилди. Тиш милкларининг қизариши, қонаши ва ниҳоят тушиб кетиши туфайли, ўзи озиклана олмаган чорва моллари озиб кетиб, чорвачиликка катта иқтисодий талофат келтирилди.

Худди шундай касаллик инсонлар орасида Сурхондарё вилоятида айниқса, ёшлар орасида кўп тарқалди. Флюороз IV-босқичининг ҳамма хили учрайди.(1.2 расмга қаранг).

Фақатгина экологик фалокатлар туфайли илгари бўлмаган, қуйидаги касалликлар вужудга келди:

1. “Минимата” касаллиги;
2. “Флюороз” касаллиги;
3. “Итай-итай” касаллиги;
4. “Ура” касаллиги
5. “Юшо” касаллиги;
6. “Карцинома, меланома”;
7. “Сариқ болалар” касаллиги ва бошқалар.

Экологик нуқтаи назардан бир мамлакатда рўй берган мудҳиш хатоликни бошқа бир мамлакат асло қайтармаслиги лозим.“Ура касаллиги”, “Минамата касаллиги”, “Итай-итай” каби касалликлар – экологик касалликлар бўлиб, улар атроф-муҳитнинг, сувнинг заҳарли ва зарарли кимёвий бирикмалар билан ифлосланиши туфайли вужудга келади.

Стронций ва унинг тузлари инсон организмида тўпланишидан пайдо бўлган “ура касаллиги” Забайкальенинг Ура дарё водийси атрофида яшайдиган кишиларда учраган. Зеро, Ура дарёси сувида стронций тузлари рухсат этиладиган миқдордан анча кўп бўлган. Бу сувни ичган киши суягидаги тузлар билан стронций тузлари тезда аралашиб кетган, натижада суяк юмшоқ, эгилувчан бўлиб, инсонда ўзига хос майиблик, ногиронлик юзага келган.

Мабодо ифлосланган атмосфера хавосига қуйидаги ифлос моддалар аралашиб кетса, ифлосланган бирикма вужудга келади. Масалан:

А) бензол+никель+кул+бенз(а)пирен+формальдегид=мазкур моддалар аралашмаси саратон келиб чиқишининг сабабчиси бўлади;

Б) углеводородлар+оғир металллар (қалайи, мис, симоб)= бирикмалари аёлларнинг репродуктив саломатлигини издан чиқишига сабаб бўлади. Олмалик, Оҳангарон, Ангрен, Чирчиқ, Фарғона, Навоий, Қўқон, Самарқанд шаҳарлари саноати тараққий этган шаҳарлар сирасига киради. Аммо ушбу шаҳарлардаги аҳолининг 80% нафас олиш йўллари хасталиги билан касалланишади¹⁴⁶.

В) “Итай-итай” касаллиги эса гуруч истеъмоли орқали, аниқроғи гуруч таркибида кадмий бирикмасининг мавжудлиги туфайли юзага келади. Бу пайт буйрак ишдан чиқади, суяклар юмшоқлашиб, эгилувчан бўлиб қолади.

Г) “Юшо”– инсонларнинг (ПХБ) бифенилларнинг полихлорланиши билан заҳарланиши орқали вужудга келган.

Юқоридаги касалликлардан фақатгина флюороз – тишнинг доғланиш касаллиги сурхондарёликлар орасида учрайди, аммо уларнинг кўпчилиги Ўзбекистонда учрамайди. Аммо уларнинг рўй беришига ҳам асло йўл қўймаслигимиз шарт.

Биз бу борада экологик фалокат туфайли вужудга келган касалликлар билан цивилизация (тамаддун) касалликлари орасидаги фарқларни аниқ билишимиз лозим. Аср балоси ҳисобланмиш ОИТС, наркомания, алкогольизм, кашандалик – булар бари цивилизация касалликларидир.

Ҳар иккаласи ҳам инсоният учун ўта хавфли касалликлар. Ҳар иккала касалликларни ҳам олдини олса бўлади. Бунинг учун қалб ва тана поклиги, улар орқали олам поклигига эришиш лозимдир.

Бугунги кунда коронавирус (Covid-19) пандемияси бутун дунё халқларини ташвишга солмоқда. 2019 йил декабрь ойида Хитойнинг Ухан

¹⁴⁶ Эргашев А.Э., Руденко И., Давлетов С. Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари. - Тошкент: Vaktria press, 2016. –Б.121-122.

шаҳрига пайдо бўлган ушбу касаллик ўта тез тарқала бошлади ва 2021 йил 16 апрель ҳолатига келиб 230 та давлатда тарқалди, беморлар сони дунё бўйича 139 млн. тага етди ва шундан 2,99 млн. таси ўлим билан якун топган.

2021 йил 16 апрель ҳолатига кўра Ўзбекистонда ушбу касаллик билан оғриган беморлар 85 730 кишини ташкил қилмоқда, айти пайтда тузалганлар сони 83 462 кишини, 634 та инсоннинг бевақт ўлимига сабабчи бўлди¹⁴⁷.

Ушбу касаллик хасталанган одамлардан ҳаво-томчи ҳамда маиший мулоқот йўли билан юқади. Шунинг учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти касалликнинг янада ривожланиб кетишининг олдини олиш мақсадида, фуқароларга тиббий ниқоб тақиш, оралик масофани сақлаш, қўл бериб ва ўпишиб кўришмаслик, уйдан чиқмаслик, қўлларни тез-тез совунлаб ювиш, карантин қоидаларига тўла амал қилишни тавсия қилмоқда. Ушбу қоидалар миллий ва диний урф-одатларимизга тўла мос келади.

Бундай ҳолатларда инсон Аллоҳ таолонинг тақдир қилгани юзага чиқишига қаттиқ ишонган ҳолда, касалликдан сақланиш чора-тадбирларини кўради. Вабо ва шу каби тез тарқаладиган касалликлар чиққан жойга кирилмайди ва қаттиқ зарурат бўлмаса, у ердан чиқиб кетилмайди. Тиббий соҳа вакиллари кўрсатмаларига тўла амал қилинади.

Пайғамбар алайҳиссалом буюради: “Вабо бало ёки азобдир. – Уни бани исроилга ёки сиздан олдин ўтган кимсаларга юборилган эди. Қачон унинг бирор ерда пайдо бўлганини эшитсангиз, у ерга бормангиз. Агар у сиз турган ерда воқеъ бўлса, ундан қочиб у ердан чиқмангиз” дедилар. Бу ҳақида икки шайх ва Ҳазрат Термизий ривоят қилишган¹⁴⁸.

Аллоҳ таоло “Қуръони Карим”да: “Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг, Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг¹⁴⁹ (ан-Нисаа-59) дея буюради. Бундай қийин вазиятда инсонларнинг раҳбарларга итоат қилишлари уларни табиий экологик ва ҳар хил турдаги

¹⁴⁷ <https://www.minzdrav.uz/uz/news/detail.php?ID=61589>

¹⁴⁸ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Ҳадис ва Ҳаёт. Тиб ва Дам 18-жуз. – Тошкент: “Шарқ”, 2007. –Б. 62; 145 Қуръони Карим. “Нисо” сураси, 59-оят.

касалликлардан қисқа муддат ичида ҳамжихатликда қутулишлари учун имконият яратади.

Бугунги кунда жаҳон тажрибалари ҳам, ўзимизнинг тажрибаларимиз ҳам экология ўлчовларини халқаро гуманитар сиёсатнинг муҳим мезонларидан бирига айлантириш зарурлигини кўрсатиб турибди.


Дунёда Россия ҳудуди жуда катта 17 млн.кв.км. Лекин инсон ҳаёти учун қулай ҳудуд атиги 5,5 млн. кв.км (ҳаво ҳарорати ўртача – 2⁰С ва денгиз сатҳидан баландлиги 2000 метрдан кўп эмас). Масалан, АҚШда бу майдонлар нисбати 9,3 ва 7,9 га тенг. Бразилияда 8,5 ва 8,0 млн.кв.км.га тенг. Россия бу жиҳатдан дунё миқёсида 5-ўринда туради. Яна бир муҳим муаммо, ҳаммага маълумки, биосферанинг таркибига кирувчи ҳар бир экологик компонент биосферанинг умумий сифатига оид маълум вазифасини бажарса-да, унга мамлакатлараро чегаранинг дахли йўқ. Ҳар бир мамлакат ўзи сарфлаётган кислород - ўз ҳудудида “ишлаб чиқарилаётган” кислород - миқдорига кўра кўпроқ кислородни сарфламоқда. Фикримизни мисоллар орқали тушунтирамиз: АҚШ ўз тараққиётига 100% кислород ишлатса, унинг табиати ўзига сарфлаётган кислороднинг атиги 60%ини етказиб бера олади, холос. Швейцария 39,3 млн. тонна кислород сарфлайди, аммо Швейцария мамлакатининг майдони 9,5 млн.тонна, яъни ўзи ишлатаётган кислороднинг атиги 25%ини етиштириб бера олади. Америка-Европа йўналиши бўйича учадиган суперреактив лайнер 8 соат ичида 50-70 тонна кислород сарфлайди. Бу миқдордаги кислородни 25-30 минг гектар майдондаги ўрмон 8 соат мобайнида етказиб беради. Табиий шундай саволлар туғилади?

1. 25-30 минг гектар майдонли ўрмон яратилиши учун қанча вақт табиат меҳнат қилади?

2. Суперреактив лайнер 8 соат ичида 50-70 тонна кислород сарфласа, бундай самолётлар жаҳон миқёсида қанча? Улар бир йилда неча мартадан учишади ва қанча кислород сарфлашади? Экологик мутаносибликка зарар етказмай учиши учун сайёрамизнинг қанча қисми ўрмон ҳолида қолиши керак?

Ҳаммага маълумки, ўрмон ва океанлар кислород манбаи. Инсон нечоғлик ақлли бўлмасин, табиат борлигини кислород билан тўйинтира олмайди. Илмий иборалар билан айтганимизда инсон табиат компонентлари бажараётган вазифаларни ўз бўйнига ола олмайди. Кислород атмосферада динамик мувозанатда бўлади. Наботот олами фаолияти туфайли ҳар йили 10^{11} тонна кислород ажратилади. Бир гектар қарағайзор ўрмони бир йилда 30 тонна кислород ажратиб чиқаради. 30 тонна кислород билан 19 киши бир йил давомида нафас олиши мумкин бўлади.

Барқарор тараққиёт концепциясини амалга оширишнинг энг биринчи омилларидан бири – бу табиий ресурслардан фойдаланиш борасида муайян чекланишларни йўлга қўйиш. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришни асосий мезони табиат қонунларига риоя этишдир. Социологик сўровномани талабалар орасида ўтказиш жараёнида “Ҳозирги атроф-муҳитни асраш борасидаги ҳаракатлар сизни қониқтирадими? мазмунидаги саволга талабалардан қуйидагича жавоблар олинди: 12.5% талаба тўлиқ қониқтиради, 10% талаба қониқтиради, 57.5% талаба қисман қониқтиради, 20% талаба умуман қониқтирмайди, деган фикрни билдирган (2.7-расмга қаранг). Бугунги кунда табиат қонунларини ўрганиш энг аввало қуйидаги мантиқий тартибдаги билимларни ўзлаштирилишини талаб этади:



Мазкур фанларни ўрганиш орқали табиат қонунларининг барчасини аниқ биламиз. Амалиёт эса уларга риоя этишдан бошланади. Бу қонунлардан баъзиларини эслатиб ўтишни лозим деб биламиз:

- *Ю.Либихнинг минимум қонуни;
- * В.Шельфорднинг толерантлик қонуни;
- * Олли қондаси;
- * Ов қилишнинг 70% қондаси;

* В.И.Вернадскийнинг тирик модданинг физико-кимёвий ягоналик қонуни (Бошқача сўзлар билан ифодалаганда, Ердаги тирик модда физико-кимёвий жиҳатдан ягонадир).

* Ж. Кювье корреляция қонуни;

* Вильямснинг “қайтариш” қонуни ;

* Линдеманна самарадорлиги ёхуд 10% қонуни;¹⁵⁰

* Б.Коммонернинг тўрт қоидаси: а) ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ; б) барчаси қаергадир кетади; в) табиат “жуда яхши билади”; г) ҳеч нарса текинга берилмайди.

* Ички динамик мувозанат қонуни (Н.Реймерс) ва ҳақозо.

Юқоридаги қонунларга қатъий риоя қилинса, ҳеч қачон экологик танглик, экологик кризислар содир бўлмайди. Юқоридаги табиат қонунларига риоя этиш бу экотизимдаги компонентларнинг табиий-экологик меъёрини бузмаслик деганидир. Чунки экотизимдаги лимитирик меъёрлар антропоген омилнинг мезони ҳисобланади. Техникаларни экотизимлар қонунига риоя этган ҳолда ишлатиш, бошқача айтганда, экологик асосланган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш. Масалан, ер билан ишлайдиган машиналар тупроқнинг оптимал зичлигига путур етказмаслиги керак, яъни, янада енгилроқ бўлиши лозим. Биосферани бир бутун, яхлит ҳолда асраб қолишда барча диний экологик билимлар алоҳида аҳамият касб этади.

1. Инсониятни яшаб қолиши ва барқарор тараққиётнинг иккинчи бир зарурий шарти - бу биологик хилма-хилликни асрашдир. Муқаддас китобда таъкидланганидек: “Ерда юрадиган ҳайвонлар, осмонда учадиган қушлар, сувда сузадиган балиқлар Сиз каби умматларимдир”. Демак, Ер сайёрасида яшайдиган ҳар бир тур ўсимлик, ҳайвон, тирик ва нотирик табиат неъматлари – инсон каби Аллоҳ умматидир. Бугунги кунда ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар уларнинг табиий қайта тикланишига қараганда 100 баробар

¹⁵⁰ Дажо Р. Основы экологии. - М.: Прогресс, 1975. Одум Ю. Экология. В 2-х томах. - М.: Наука, 1986. Саломова Х.Ю. Ижтимолий экология асослари. - Тошкент: "Fan va texnologiya", 2004.

тезроқ йўқолиб бормоқда. Бутунжаҳон Ёввойи табиат фонди (WWF) маълумотларига кўра, 1970 йилдан 2003 йилгача, аниқ қилиб айтганда, 33 йил орасида ер юзидаги жонзотларнинг турлари 315 тага камайган. БМТ маълумотларига кўра, тахминан 34 минг турдаги ўсимликлар ва 5200 та турдаги хайвонлар, жумладан, куш турларининг 1/8 қисми йўқолиш арафасида турибди.¹⁵¹ ЮНЕСКОнинг “Инсон ва биосфера” дастури доирасида “1-апрель – Халқаро кушлар куни” сифатида нишонланади; (Ўзбекистонда 462 турга мансуб кушлар учрайди, маълумотларга қараганда, дунё миқёсида кушларнинг 250 тур ва кенжа турлари ер юзидан йўқ бўлиб кетган);

1917 йил америкалик олим И.Гринелл “экологик ниш” қонунини ёритиб берди. Ҳар бир тирик организмнинг ўз яшаш макони мавжуд. Мазкур “яшаш макони”га турнинг касб-кори, бошқа турлар билан алоқаси, “ҳамдўстлиги”, функциялари, бошқа турлар билан ўртоқликлари ҳам киради. Ривожланган мамлакатларда шишали баланд кўп қаватли уйларнинг қад кўтариши миллионлаб кушларнинг экологик нишидан айрилишига сабаб бўлди. Кушларнинг шишани илғамаслиги кўплаб кушлар қирилишига олиб келди. Бунинг олдини олиш учун дарпардалар ёпиқ бўлиб турилиши ёхуд шишаларга ёрқин рангли кушлар расмлари илиб қўйилиши лозим. Ўшандагина биз кушларни асрай олишимиз мумкин.

Нега дунё миқёсида сув куни, кушлар куни, халқаро табиатни муҳофаза қилиш кунлари ва ҳ.лар ўтказилади? Эътибор беринг:

2 - февраль – Сув-ботқоқлик ерлар куни;

14 - март – Тўғонларга қарши Халқаро ҳаракатлар куни;

22-март – Бутунжаҳон сув куни¹⁵²;

1-апрель – Халқаро кушлар куни;

7-апрель – Халқаро саломатлик куни;

¹⁵¹Эргашев А., Руденко И., Давлетов С. Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари. - Тошкент: Vaktria press, 2016. –Б.126.

¹⁵² БМТ томонидан 1992 йил Риоде-Жанейро шаҳрида “Атроф-муҳит ва тараққиёт” мавзуида бўлиб ўтган конференцияда сув масаласи тобора долзарб аҳамият касб этгани учун 22 мартни “Бутунжаҳон сув куни” сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

15-апрель – Халқаро экологик билимлар куни;

22-апрель – Бутунжаҳон Ер куни¹⁵³;

Дунёнинг 900 миллион гектар майдонидаги ерлар чўлланиш жараёнига дуч келган. ЮНЕП маълумотларига кўра, чўллашув жараёни дунёнинг барча худудларида кечмоқда. Бир йилда жаҳон миқёсида 7 млн.га ер ишлаб чиқаришдан четга чиқиб қолмоқда.

Ер шу қадар тилсим ва мўъжизалар маконики, заминдан то Ойга қадар инсон қадами етган бизнинг кунларимизда ҳам бу асрор ҳикматини ҳамма бирдай идрок этишдан ожиз. Ер биз учун ватан ва ризқ, тараққиёт, камолот манбаи қилиб берилган. Ҳар нарса мавжудликдан фанога қайтар, ерга кўшилар. Унинг ҳалоллиги, беҳиёнатлиги шунчаки, шарҳлаш билан асл моҳиятига етиш мушкул. Она тупроқ. Уни асраш – оламни асраш демакдир.

Сайёрамизнинг ўпкаси саналган ўрмонлар қай аҳволда?

Ер шаридаги ўрмон майдонлари бундан бир неча аср илгари 7200 млн.гектарни ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 4100 миллион гектардан ошмайди. Охириги 50 йил мобайнида ўрмонзорлар майдони 2 марта камайган. Дунё миқёсида ҳар йили 15-20 млн. га ўрмонлар, (бу майдон жиҳатдан Финландия мамлакатининг ярим худудига тенг худудли майдон) йўқолмоқда. Дунё бўйича Бразилия, Мексика, Ҳиндистон, Таиланд сингари 10 давлатдаги ўрмонлар йўқолди. Ўрмонлар йўқолиши шундай кўрсаткич билан давом этса, Ер юзида 30-40 йилдан сўнг ўрмон бутунлай йўқолиб кетади. Оқибатда атмосфера таркибидаги кислород ўз табиий-экологик меъёридан анча пастга тушиб кетмоқда; Ҳар йили ўрмонлар камайиши оқибатидан атмосфера таркибидаги кислород миқдори 10-12 млрд.тоннага камайиб бормоқда. Ҳаводаги кислород мутаносиблиги издан чиқмоқда. Бу олам тартиблиги бузилиши дегани.

¹⁵³БМТнинг Бош ассамблеяси томонидан 2009 йил 22 апрелда бўлиб ўтган йиғилишда мазкур санани “Бутунжаҳон Ер куни” сифатида нишонлашга қарор қилинди.

Табиатдаги биологик хилма-хиллик инсонларга, наботот ва ҳайвонот дунёсини эҳтиёт қилиб, унга оқилона муносабатда бўлишимиз учун ушбу кун дунёда нишонланади. (22-май – Халқаро биологик хилма-хиллик куни).

Аллоҳ таоло дунёдаги барча зоҳирий ва ботиний неъматларни инсон учун яратгани ва унга бўйсундириб қўйгани ҳақида шундай дейди: “(Эй инсонлар!) Аллоҳ осмонлар ва Ердаги барча нарсаларни сизларга бўйинсундириб қўйганини ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий) неъматларини комил берганини кўрмадингизми?!” (Луқмон сураси, 20)¹⁵⁴.

Ҳамма табиат қўйнида яратилган барча беҳисоб зоҳирий ва ботиний неъматлар инсон учун ва унинг бу дунёдаги ҳаёти учундир, уни ҳар томонлама асраб-авайлаш, унга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш барчамизнинг бурчимиз.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳам ҳадиси шарифларида шундай деб марҳамат қилганлар: “Ким бир дарахтни экиб, уни мева қилгунича эҳтиётлаб парваришласа, Аллоҳ таоло ҳузурида шу дарахтдан ейилган ҳар бир мевада унга садақа бўлур” деган сўзлари ҳар бир инсонни биологик хилма-хилликни асрашга ундайди¹⁵⁵.

Юқорида келтирилган кунлар биохилма-хилликни асрашга ҳамма бирдек масъуллигини кўрсатади. Бунинг учун эса энг митти организмнинг ҳам экологик яшаш муҳитини бузмаслигимиз шарт. Шаҳар, йўл қурилишлари, ўрмонларнинг кесилиши туфайли экологик нишлар йўқолишига олиб келмоқда.

16-октябрь – Бутунжаҳон озиқ-овқат куни; (ФАО томонидан 1945 йил 16 октябрда Квебекда бўлиб ўтган конференцияда таъсис этилган бўлиб, 1981 йилдан бошлаб ҳар йилнинг 16-октябрь куни Бутунжаҳон озиқ-овқат куни сифатида нишонланади)

5-июнь – Халқаро атроф-муҳитни ҳимоя қилиш куни;

¹⁵⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. ТАФСИРИ ҲИЛОЛ. Тўртинчи жуз. Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр – Т.: “Hilol-Nashr”, 2018. – б 483.

¹⁵⁵ Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. - Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. –Б.208.

17-июнь – Чўллашишга қарши курашиш куни. Дунё миқёсида ҳар йили 5-7 миллион гектар ер таркиби бузилиб, қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқмоқда, 6 миллион гектари эса чўлга айланмоқда.

26-июнь – Халқаро гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни; “Қуръони Карим”нинг “Бақара” сураси 168-оятида “Эй одамлар, Ердаги ҳалол, пок нарсалардан энглар”, деб чақирилади. Маст қилувчи барча нарсалар ҳаром саналган. 2001 йилда Афғонистонда кўкнори экиладиган майдон 18 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2007 йилда ушбу кўрсаткич 190 минг гектарни ташкил этди. 10,5 баравар майдон атиги олти йил давомида ошган. Гиёҳванд модда ишлаб чиқариш бизнесига 3,3 миллион киши жалб қилинган бўлиб, бу жами аҳолининг 14,3%ни ташкил этади. Гиёҳвандларнинг эса 60%ини ўспирин ёшлар ташкил этади.¹⁵⁶ Англияда ота-онаси доимий чекувчи бўлган 16 минг бола билан олиб борилган тест кўрсаткичлари орқали уларнинг 48%ида сурункали йўталиш борлиги аниқланган. Яъни 16 минг боладан 7680 та бола сурункали йўталиш касаллиги билан касалланган.

2002 йил – Халқаро тоғ йили деб эълон қилинган. Ўзбекистон ҳудудидаги экологик мутаносиблик, мувозанатни сақлаб қолиш учун унинг умумий ҳудудининг 5% ҳар доим тоғ бўлиб қолиши шарт.¹⁵⁷

2003 йил – Халқаро тоза сув йили деб ном берилиши бежиз эмас, албатта. Давлат экология кўмитаси матбуот хизматининг 2021 йил 28 февралдаги маълумотиغا кўра Тошкент вилояти Қибрай туманининг “Ўнгқўрғон” маҳалласидаги фермер хўжаликларининг ўртасидан ўтган ариқдан ҳар куни икки маҳал қонли сув оқиб турган, ўрганиш давомида ҳақиқатан ҳам “Обод Савдо Бизнес” МЧЖ га қарашли кушхона фаолиятидан ҳосил бўлган оқова сувларни зах ариққа оқизилгани маълум бўлган. Бу билан Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги

¹⁵⁶ Каримов С., Ўрозов Ш., Абдувоҳидов С. Ижтимоий тараққиёт: муаммо ва ечимлар. – Самарқанд, “Зарафшон”, 2014. –Б.73.

¹⁵⁷ Джумаев Т. Сохраним богатство гор // Экономика и статистика. Специальный выпуск посвященный международной конференции. “Экономика, экология и жизнь”, 1996. –С.61-64.

Қонуннинг 18, 19, 99-моддалари талаблари бузилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 72-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган. Эътиборли томони шундаки, кушхона ҳудудидан чиқаётган оқова сув учун қилинган ўралар гидроизоляцияланган (бетондан ясалган), лекин оқова йиғилмасдан дала ва зах ариққа оқизилган. Шу ўринда савол пайдо бўлади, агар ушбу корхона ходимлари диний экологик билим ва тарбиядан хабардор бўлсалар бундай қабих ҳолатга йўл қўйишмас эди.

“Қуръони Карим”да шундай дейилган: “Сизлар ўзларингиз ичаётган сувни (ўйлаб) кўрдингизми? Уни булутлардан сизлар ёғдирдингизми ёки Биз ёғдирувчимизми? Агар Биз хоҳласак, уни шўр ва аччиқ қилиб қўйган бўлар эдик. Бас, (шу обихаёт учун ҳам) шукр қилмайсизми?”¹⁵⁸ (Воқеа сураси, 68-70 -оятлари). Аллоҳ ушбу оят орқали инсонларни сувнинг қадрига етиш, уни исроф қилмасликка чақиради. Ҳар бир тирик мавжудот, ҳар бир табиат заррасининг асралиб қолиниши, барқарор тараққиёт омили саналади.

Бугунги кунда дунёда ичимлик суви, энг ноёб ва қимматбаҳо табиий ресурс бўлиб қолмоқда. Давлат Геология қўмитаси маълумотиغا кўра, Ўзбекистонда 97 та ерости кони бўлиб, унда 64 миллион куб метр умумий сув захиралари мавжуд. Бу сув захиралари асосан Тошкент, Самарқанд, Сурхандарё, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятида тарқалган. Аммо Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикасида деярли чучук сувлар мавжуд эмас. Бухоро ва Навоий вилоятида ўртача сув захиралари бор. Мамлакатдаги сув захиралари тенг тақсимланмаганлиги учун бугунги кунда сувдан унумли фойдаланиш, уни исроф қилмаслик масаласи долзарбдир.

Одам танасидаги сув агар ўн беш фоизга камайса, у ҳалок бўлади. Инсон танасининг аксар қисми сувдан иборат. Аллоҳ оятлари орқали инсонларни сувнинг қадрига етиш, уни исроф қилмасликка чақиради. Сувни асраш уни исроф қилмаслик тўғрисида пайғамбар алайҳиссаломнинг кўплаб

¹⁵⁸ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 6-жуз. Тузатилган ва қайта тўлдирилган нашр – Тошкент: Hilol-Nashr, 2018. –Б.37-38.

ҳадисларини учратамиз. Ривожланган бугунги жамиятда биз сувни қанчалик тежаяпмиз, юз-қўлимизни ювиш, чўмилишда қанча сувни сарфляпмиз, агар ҳисобласак камида 1 дақиқада 15 л, 15 дақиқада 45 л сув оқизилади, ҳар бир инсон чўмилса 180-200 л сувдан фойдаланади, Пайғамбар алайҳиссалом таҳорат учун 1 мут сув ишлатган 1 мут 688 гр бўлади, ғусил учун 3 мут 2 л сув сарфлаган. Сувни асраш уни тежаш барчамизни бурчимиздир. Хусусан, сувни ортиқча исроф ва ифлос қилиш, сув ҳавзаларини булғаш ислом дини таълимотида қаттиқ қораланган. Бу ҳақда Табароний ривоят қилган ҳадисда шундай дейилган: “Пайғамбаримиз оқар сувни ифлос қилишдан қаттиқ қайтарганлар” (Имом Табароний ривояти)¹⁵⁹. Ер сайёраси, табиат неъматлари оқилона, “эҳтиёж доирасида”, қаноат билан, исрофгарчиликсиз фойдаланилганда барча инсонларнинг эҳтиёжларини қондиришга қодир эканлиги кўрсатилади. Шамс Табризий сўзи билан айтганда, “Роббим, барчамизга ҳаддимизни билиб, мулкингда одоб билан яшамоғимизни насиб айла!” деб меъёр одоб билан яшамоқликка чорласа, Жалолиддин Румий ўз ҳикматларида сув қадрини кўрсатиб:

Оби ҳайвон қиблайи жон, эй рафиқ,

Сув ила яшнайти бўстон, эй рафиқ.

деб ёзади, XI асрда яшаб ўтган ижодкор Фаҳриддин Гургони ўз даврида сувни ифлос қилмаслик ҳақида улуғ ўғит сифатида;

“Бугун чашма сувни қилсанг агар хор,

Бошқа ичолмассан бу сувдан зинҳор”,- деб сувни ифлос қилмаслик уни асрашга чақирган.

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Учта лаънатловчидан – сув бошига, йўлга ва сояга қазои ҳожат қилишдан сақланинглари”, дедилар (Абу Довуд ривояти)¹⁶⁰. Яъни, бирор инсон сув боши, йўл ва соя жойга ҳожат чиқарса одамларга озор бериб, уларнинг кўнглини оғритган бўлади.

¹⁵⁹ Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. - Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. –Б.148.

¹⁶⁰ Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. - Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – Б.150.

Натижада барча уни лаънатлайди. Чунки ҳадисда саналган уч жой барчанинг эҳтиёжи тушгани учун ҳаммага тегишли экани англанилади. Бу ҳадисни шарҳлаган уламоларимиз лаънатга қолиш учун ҳадисда саналган уч жойга ҳожат чиқариш шарт эмас. Балки шу каби жойларни ифлос қилиб, ахлат ва чиқиндилар ташлаши ҳам лаънатга қолиши учун етарли бўлади, деганлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, атроф-муҳитни тоза тутиш, чиқиндиларни ўз вақтида саранжом-саринта қилиш, ифлосликлар ва турли кўзга кўринмас микроблардан эҳтиёт бўлиш ҳам табиатни асрашда муҳим аҳамиятга эга эканини, барчамизни турли хил касалликларга чалинишдан асрашни яхши англашимиз даркор.

Диний манбаларда ҳам, замонавий илмий адабиётларда ҳам ҳамоҳанг, уйғун бўлган “қизил тугун”ни пайқадик. Агар диний манбаларда “Ҳар бир ўсимлик ёхуд тирик мавжудот Сизлар каби умматларимдир” деб уларни эъзозлашга даъват этилса, замонавий илмий асарларда “биологик хилма-хилликни асраш” ёхуд юқорида келтирилган ҳар бир биосфера элементини асрашга оид саналар тарзида битта умумий мақсад ётади: у ҳам бўлса биосферани бир бутунлигича асраш муаммоси.

Тадқиқот иши доирасида ўтказилган социологик сўров натижалари шуни кўрсатдики, бугунги кунда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг экологик инқирозлар ечимини топишда диний манбаларга бўлган қизиқишлари тобора ортиб бормоқда. Жумладан, тадқиқот мавзуси доирасида ўтказилган социологик сўров натижасида ёшларнинг 67,5 фоизи диний манбалар, хусусан, тасаввуф аҳлининг экологияга оид қарашларига қизиқишлари юқори эканлигини билдириб ўтганлар¹⁶¹.

Иқтисодий экологик бошқариш даври келди. Бу қандай бошқарув?

Эҳтиёж, зарурий-табиий эҳтиёж билан чекланган табиат компонентлари орасидаги мутаносиблик бузилганда, яъни инсоният ўз зарурий эҳтиёжини очкўзлик билан алмаштирганда, кўпроқ иқтисодий фойда олиш эвазига табиат компонентларига ваҳшийларча муносабатда бўлади.

¹⁶¹ Социологик тадқиқот дастури диссертациянинг илова қисмида берилган.

Айнан Юсуф Ҳамадонийнинг асарларида мана шу нуқтага жиддий эътибор берилган.

Экологик инқирозлар олдини олишнинг яна бир йўли экологик бошқарувга ўтиш ҳисобланади. Масалан, Германия ва Италия мамлакатлари автомобил чиқиндиларидан баъзиларини 99%ини қайта ишлаб, янги чиқитсиз технологияларни қўллашмоқда. Халқаро меъёрга мувофиқ, енгил машинанинг ишлатиш даври 10 йил бўлиб, 10 йилдан сўнг машиналар қайта ишлатиш пунктларига жўнатилиши лозим. Швейцарияда ҳар йили 250 000 эскирган енгил автомашиналар йиғиштириб олинади ва автомобилларни қайта ишлаш тизими майдонига келтирилади. Айнан мазкур тизим туфайли ҳар йили 114 минг тонна қора ва 12 минг тонна рангли металл қайта ишланиб, бу кўрсаткич Швейцариянинг ҳар йилги металл эритиш ҳажмининг 15%ини ташкил этади. Ҳар йили Швейцариянинг ички бозорига 3,5 млн. янги шина тушади. Ҳар бир шинанинг иш бажариши 40 минг км.га тенг. Айнан мана шу соҳада 50-60 минг ишлатилган шиналар тўпланиб қолади. Булардан 21 минг тоннаси бошқа мамлакатларга қайта ишлатилиш учун юборилади. 17 минг тоннаси асфальтбетон заводларида ёқиб юборилади, 12 минг тоннаси майдалангандан сўнг товуш ютувчи ашё сифатида автомобиллар, темир йўл ва трамвай линияси йўлларида ишлатилиш учун фойдаланилади.

Бир автомобил “ўз умри” мобайнида 10 тонна карбонат ангидридни атмосферага чиқинди тарзида чиқаради. Автомобиллар сони беқиёс кўрсаткичлар билан ошаётган бир пайтда, экологларнинг ҳисоб-китобига кўра, бир квадрат километрда унинг зичлиги, яъни автомобиллар сони 1000 га тенг бўлса, бу ўша ҳудуднинг талофатли, экологик емирилаётган ҳудуд эканлигини билдиради.¹⁶² Автомобиллар миқдори олинаётган пайт енгил автомобиллар сони мезон қилиб олинади. Бу ҳисобга кўра, бир автобус ёхуд бир юк машинаси беш дона енгил автомобилга тенг деб ҳисобланади. Автомашина фаолиятида 100 литр бензин ёнганда сарфланадиган кислород

¹⁶²Инженерная экология и экологический менеджмент. - М.: Логос, 2003. –С.288.

миқдори бир кишининг йил давомида нафас олиш учун талаб этиладиган табиий-биологик эҳтиёжини қоплайди.¹⁶³ Биргина автомобиль саноатининг ўзи атмосферадаги икки ноёб: карбонат ангидрид ва кислороднинг табиий-экологик мувозанатига қанчалар манфий таъсир этмоқда. Ҳозирги пайтда бутун дунё аҳолисининг атиги 20% тоза ҳаводан, яъни, зарарли моддалари рухсат этиладиган концентрациядан юқори бўлмаган ҳудудларда яшамоқдалар.

Экологик офатлар олдини олишнинг асосий шартларидан бири иқтисодий экологик бошқарувини йўлга қўйишдир.

Юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулосага келишимиз мантиқийдир:

1. Биосферадаги барча жонли, жонсиз, кичик ёхуд катта экологик компонент албатта ўзининг табиий-экологик меъёрида бўлиши, инсоният бу меъёрларни билиб, уни бузмай фаолият олиб бориши шарт. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга чексиз интилиш ва биосферанинг имконият чегаралари ўртасидаги қарама-қаршиликлар - “Жамият – табиат” тизимини ривожлантириш учун асосий қарама-қаршилик бўлиб қолмоқда. Инсониятни янада ривожлантириш тақдири сезиларли даражада кўрсатиб ўтилган қарама-қаршиликни ҳал қилиш йўллари қанчалик муваффақиятли бўлишига боғлиқ.

2. Инсоният “олам тартиблилигини” бузмаслиги шарт. Олам тартиблилигини сақлаш деярли барча динлардаги умумийликдир. Олам тартиблилигининг замонавий илмий ифодаланиши - бу биосферанинг ҳаёт кўрсаткичлари бўлиб, бу кўрсаткичларни асраш экологик мувозанатни асраш омили ҳисобланади.¹⁶⁴

3. Ер биз учун ватан ва ризқ, тараққиёт, камолот манбаи қилиб берилган. Ҳар нарса мавжудликдан фанога қайтар, ерга қўшилар. Унинг ҳалоллиги, беҳиёнатлиги шунчаки шарҳлаш билан асл моҳиятига етиш мушкул. Она тупроқни асраш – оламни асраш демакдир.

¹⁶³ Экологические очерки о природе и человеке. - М.: “Прогресс”, 1988. -С.57.

¹⁶⁴Қаранг.: Саломова Х., Эргашев М. Табиий-экологик меъёрнинг биосферани асрашдаги амалий аҳамияти// БухДУ Илмий ахборотномаси. – Бухоро, 2018. -№3. –Б.18-21.

4. Инсонларнинг экологик билимларини ошириб, уларда биохилма-хилликни асрашга масъулликни кучайтириш лозим, шунда энг митти организмнинг ҳам экологик яшаш муҳитини бузмаймиз. Шаҳар, йўл қурилишлари, ўрмонларнинг кесилиши туфайли айнан экологик нишлар йўқолишининг олдини оламиз.

5. Антропоген омил ўз эҳтиёжига эга. Бу эса оқилона эҳтиёждир. Бу табиий-оқилона эҳтиёждир, ундан ортиқ эмас.

6. Изланувчанлик, яратувчанлик, ривожланиш, тараққиёт – булар бари биз яшаб турган биосферани у ёки бу даражада ўзгартиради. Ўзгартириш, яратувчанлик, ривожланиш фақат табиат компонентларининг меъёри доирасидагина бўлиши шарт.

7. Диний экологик билим, экологик онг, экологик маданият бутунги кунда инсон ва табиат ўртасидаги гўзал муносабатни шакллантиришга хизмат қилиб, биосферани экологик инқироздан асрайди.

8. Дунёда технологик ютуқлар натижасида табиатга антропоген таъсир ошиб бормоқда, ишлаб чиқариш корхоналарининг атмосферани ифлослаши, ичимлик сувларини зарарланиши табиат мезонларининг бузилиши сабабли инсон саломатлигига катта зарар келтирмоқда буни олдини олиш учун завод ва фабрикалардан чиқаётган тутун ва чиқинди сувларни қайта ишловчи, тозаловчи замонавий технологиялардан фойдаланишни давр тақозо этмоқда.

ХУЛОСА

Диссертация бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

1. Зардуштийлик, яҳудийлик, христианлик ва ислом динларида белгиланган йўл инсон манфаатларига қаратилган бўлиб, асосий кадриятлар – инсонни, унинг тинч ҳаётини, мол-мулки, табиат борлигини муҳофаза қилиш ҳисобланади ва инсоният ўзининг оқилона эҳтиёжини аниқлаб олиши, “оқилона эҳтиёж”, “табиий эҳтиёж”, “зарурий эҳтиёж” билан табиатнинг имконият чегаралари орасида диалектик алоқадорликни билиш - табиат борлигини асрашдаги илк қадамдир.

2. Ислום динидаги табиат борлиғи, олам тартиблиғи (экологик мувозанат), табиат борлиғига муносабат ҳади, фикр билан иш тутиш, қисқаси, табиатни асраш омиллари ўзидан олдин вужудга келган динларнинг табиат борлиғига бўлган қарашларидан янада сермазмун бўлганлиғи ва чуқур моҳиятга эғалиғи аниқланди.

3. Ислום таълимотига оид ҳар бир адабиётда учрайдиган “илм” калимаси инсониятни фақатгина диний илмларни эмас, балки дунёвий илмларни ҳам ўрганиб, уни жамият ва табиат борлиғини асраш, инсониятнинг фаровон турмушини яхшилаш учун чуқурроқ ва кенгроқ тадқиқ қилишга чақиради.

4. Диний тафаккур билан ҳикмат аҳлининг экологик тафаккури борасидаги уйғунлик мавжудлиғи аниқланди. Зеро, буюк аждодларимизнинг экологик манбаларини тўлиқ ўрганиш ва инсониятга диний-экологик маданиятларни чуқур ўргатиш – бу давр талабидир.

5. Табиат қонунлари бирламчи ва ҳар бир табиат компонентининг фойдаланиш чегараси мавжуд.

6. Диний манбалардан ҳам маълумки, ҳеч бир турнинг вазифасини иккинчи бир тур бажара олмайди, унинг табиат борлиғи қаршисидаги вазифасини ёлғиз ўзигина бажара олади. Биологик хилма-хилликни асраш барча мамлакатлар учун бирдек – табиат борлиғи олдидаги қатъий бурчдир.

7. Ҳар бир инсон ер юзида тинчлик ва омонлик учун масъул бўлибгина қолмай, балки бутун борлиқ учун, келажак авлодга табиат борлиғини саломат ҳолатга етказишга масъулдир. Инсон – табиатнинг гултожиси. Ислом динида атроф-муҳитни асраш бўйича муҳим кўрсатмалар берилганини Қуръони карим оятлари ва Ҳадисларни ўрганиш асосида билиб олинади.

8. Тасаввуф аҳлининг табиат борлиғини асрашдаги характерли томонлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, табиий борлиқдаги ҳар бир наботот ва ҳар бир ҳайвонот оламининг хилма-хиллигини, ўзаро боғлиқлигини, яхлитлигини билишгани;

иккинчидан, табиат захираларининг ҳаддини билишган, унга зарар етказмасликни (Жалолиддин Румий, Юсуф Ҳамадоний ва бошқалар). Ҳар бир табиат таркиби миқдор ва сифат нуқтаи назардан ҳисобга олинishi шарт;

учинчидан, инсондаги зарурий оқилона эҳтиёж билан табиат захираларининг меъёри орасидаги боғлиқликни билишгани (Юсуф Ҳамадоний оқилона эҳтиёж деганда, табиат таркиблари билан “муомалада, мулоқот”да бўлганда унинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига қатъий риоя этишни назарда тутган. М.Гандининг “Ер инсоннинг эҳтиёжини қондиради, аммо очкўзлигини эмас” ибораси билан ҳамоҳанглигини пайқаш қийин эмас).

9. Антропоген омилнинг мезони экотизимлардаги лимитирик меъёрга риоя қилиш, амал қилишдир. Жамиятдаги кишиларнинг ахлоқий тамойили ёки этикасининг “олтин қондаси”: “Сенга одамлар қандай муносабатда бўлишини истасанг, сен ҳам уларга шундай муносабатда бўл!”- деган шиордан иборат бўлади. Экологик жамият инсонни табиат билан бирлаштиради. “Табиат сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, сен ҳам унга худди шундай муносабатда бўл!”,- деган тамойил энг олий ахлоқий қонунга айланади. “Иқтисодий тараққиётни экологиязациялаштириш” ёхуд “экологик асосланган технологияларга ўтиш” дегани энг аввало, иқтисодиётни барча табиат қонунлари асосида юритиш, зарурий, оқилона эҳтиёж билан табиат экотизимлари, экокомпонентларининг имконият чегараларини бузмаган ҳолда, ҳар бир экокомпонентнинг тикланиш, ўз-ўзини янгилаш функцияларини инобатга олган

ҳолда тараққиётни ташкиллаштириш ёхуд иқтисодий экологик бошқарувини йўлга қўйиш деганидир.

10. Биосферадаги барча жонли, жонсиз, кичик ёхуд катта экологик компонент албатта ўзининг табиий-экологик меърида бўлиши, инсоният бу меъёрларни билиб, уни бузмай фаолият олиб бориши шарт. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга чексиз интилиш ва биосферанинг имконият чегаралари ўртасидаги қарама-қаршиликлар - “Жамият – табиат” тизимини ривожлантириш учун асосий қарама-қаршилик бўлиб қолмоқда. Инсониятни янада ривожлантириш тақдири сезиларли даражада кўрсатиб ўтилган қарама-қаршиликни ҳал қилиш йўллари қанчалик муваффақиятли бўлишига боғлиқ.

11. Инсоният “олам тартиблилигини” бузмаслиги шарт. Олам тартиблилигини сақлаш деярли барча динлардаги умумийликдир. Олам тартиблилигининг замонавий илмий ифодаланиши - бу биосферанинг ҳаёт кўрсаткичлари ва табиат қонунларининг бирламчилиги бўлиб, бу кўрсаткичларни асраш экологик мувозанатни асраш омили ҳисобланади.

Тадқиқот хулосаларига асосланиб қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистондаги ўқув юртларининг барчасида “Экология” (Умумий экология ёхуд биологик экология ёки классик экология), “Ижтимоий экология”, “Эконология” фанларини ўқитиш зарур.

2. Имом-Бухорий халқаро илмий – тадқиқот маркази ёнида ташкил этилган “Ҳадислар илми мактаби” да “Дин, табиат борлиғи ва инсон”, “Диний экологик таълим” ёхуд “Тасаввуф аҳлининг экологик қарашлари” деб номланган ўқув курсларини ташкил этишни зарурият деб биламиз.

3. Ислом фалсафа ва тасаввуф фалсафаси алломаларининг табиат борлиғига оид фикр-мулоҳазаларини чуқурроқ ўрганиб, бу борадаги ғоялар – диний-экологик маданиятга оид фикрларини ўзбек тилига ўгириб асарларини чоп этиш лозим.

4. Ўзбекистоннинг суви танқис бўлган ҳудудларида сув кам талаб қилувчи ўсимлик ва дарахт турларини кўпайтириш ҳамда илмий текшириш институтларида сув кам талаб этадиган ўсимлик навларини етиштиришни ва бу ишларни жадаллаштириш.

5. Ўзбекистоннинг ер ости сизот сувлари бўлган ҳудудларида кўпроқ бақатераклар ўстириш.

6. Ўзбекистон шаҳарлари орасида “Энг тоза шаҳар”, “Биз сувни тежайдиган шаҳармиз”, “Энг кўкаламзор шаҳар”, “Гуллар шаҳри” каби конкурслар ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2018. - 80 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири), (13.12.2002-йил №444-П).
3. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатнинг қўриқланадиган ҳудудлари тўғрисида”ги Қонуни (03.12.2004-йил №710-П).
4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” (03.12.2004-йил. №710-П)
5. Ўзбекистон Республикасининг “Озон қатламини емирувчи ашёлар тўғрисида”ги Қонуни. Монреаль протоколига ратификация тузатишлари тўғрисида. (07.09. 2006-йил №ЗРУ-44).
6. Ўзбекистон Республикасининг “Озон қатламини емирувчи ашёлар тўғрисида”ги Қонуни. Монреаль протоколига ратификация тузатишлари тўғрисида. (07.09. 2006-йил №ЗРУ-45).
7. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни (27.12.2013 йил. №363)
8. “Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби” тўғрисидаги Низом. (26.07.2016 йил. №2817)
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. (18.01.2017 йил, ПҚ-2731-сон)
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони (07.02.2017-йил. ПФ-4947-сон.)
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-

муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаш-тириш тўғрисида”ги Фармони (21.04.2017-йил, ПФ-5024-сон).

12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: “Маънавият”, 2008. 176 б.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.– Т.: Ўзбекистон, 1997. 326 б.
14. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 21 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи //Халқ сўзи, 22 сентябрь 2010 йил.
15. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўрта Осиё трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш” мавзусидаги Халқаро конференция иштирокчиларига табриги // Ўзбекистон овози, 2010 йил 18 ноябрь.
16. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2017. - 104 б.
17. Мирзиёев Ш.М. Буёқ келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2017. - 488 б.
18. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2017. -56 б.
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 20 сентябр, 2017 йил.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи. 29 декабрь. 2018 йил.

21. Мирзиёев Ш.М. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи//uza.uz.15 июн. 2017 йил
 22. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. -420 б.
- II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:**
23. Абдулазиз Мансур. “Қуръони Карим” маъноларининг таржимаси. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. - 617 б.
 24. Абдулҳолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. ЎЗР ФАШИ. № 2533.
 25. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II – жилд. Илмий асарлар. - Т.: “Маънавият”, 2000. - 256 б.
 26. Абдуҳолиқ Гиждувоний. Тўғри йўл мақсуди рисоласи. – Бухоро, “Когон” нашриёти, 1913. – 17 б.
 27. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис ал-Жомеъ ас-саҳиҳ.Том.1. - Т.: “Қомуслар бош таҳририяти”, 1997. -548 б.
 28. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 жилд. - Т.: “Абдулла Қодирий нашриёти”, 1993. – 304 б.
 29. Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. - Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. - 208 б.
 30. Абу Ҳомид Ғаззолий. “Мукошафат-ул қулуб” (Қалблар кашфиёти). - Т.: “Адолат”, 2002. - 288 б.
 31. Авесто (“Вандидод”. Тўртинчи фаргард.). - Т.: “Шарқ”, 2001. - 150 б.
 32. Артур Л.Дал. Пока не поздно. - Санкт-Петербург: Издательский фонд Бахаи “Единение”, 1995. -142 с.
 33. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. - Т.: Фан, 1990. -168 б.
 34. Аҳмад Муҳхаммад Мубашшир Аҳмад. Ислом ҳазораси. - Т.: Қақнус медиа нашриёти, 2019. -160 б.
 35. Абдулҳақим Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат. 2001. – 191 б.

36. Басилов В.Н. Культ святых в исламе. - М.: "Мысль", 1970. -144 с.
37. Бахайские террасы// Тасвир. – Тошкент, 2012. -№29. –Б.19.
38. Беруний. Танланган асарлар. I-том. – Тошкент, 1968. -458 б.
39. Библия. "Ловийлар" бўлими. 11-12 боб. – Тошкент, 1991.
40. Валянский С.И., Калюжный Д.В. Третий путь цивилизации, или Спасет ли Россия мир? – М.: "Алгоритм", 2002. - 480 с.
41. Вернадский В. Размышления натуралиста.-М.: Наука, 1977.-193 с.
42. Вернадский и современность. - М.: "Наука". 1986. -232 с.
43. Вода и мир. // Экономическое обозрение. Научный журнал. – Москва, 2001. №2. -40 б.
44. Гдилев А., Трисов Ю., Киященко Л. Взаимо–действие общества и природы. - М.: Наука, 1986. -354 с.
45. Горизонты экологического знания. Социально-философские проблемы. - М.: "Наука", 1986. -206 с.
46. Дотто Л. Планета Земля в опасности. - М.: Мир, 1988. -210 с.
47. Deep ecology and world religions: new essays on sacred ground / Edited by David Landis Barnhill and Roger S. Gottlieb. - N.Y.: State University of New York, 2001. -305 p.
48. Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. - Т.: "Мехнат" нашриёти, 2001. -160 б.
49. Жалолоддин Румий. Қалб кўзингни оч... Мавлоно Румийдан ҳикматли сўзлар. - Т.: "Сано-стандарт" нашриёти, 2011. -160 б.
50. Жалолоддин Румий. Ҳикматлар. - Т.: "Шарқ" нашриёти, 2008. -272 б.
51. Жўшон М.А. Ислом тасаввуф ва ахлоқ. – Т.: Истиқлол. – 41 б.
52. Зиёмухамедов Б. Экология ва маънавият. - Т.: "Мехнат" нашриёти, 1997. -104 б.
53. Израэль Ю.А., Король Д. Атмосферный Озон – сенсации и реальность. - Л.: Гидрометеоиздат, 1991. – 120 с.

54. Израэль Ю.А., Ревенский Ф.Я. Берегите биосферу. - М.: Педагогика, 1987. – 128 с.
55. Инженерная экология и экологический менеджмент. - М.: “Логос”. 2003. – 528 с.
56. Инжил. Тавротдан Мусо пайғамбарнинг биринчи китоби “Ибтидо”. Забур. – Туркия: Муқаддас китоб жамияти, 1995. - 328 б.
57. Ислом энциклопедияси / Хусниддинов З. ва бошқалар. – Т.: ЎзМЭ, 2004. – 313 б.
58. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. (З.Хусниддинов таҳрири остида) -Т.: ЎзМЭ, 2004. -320 б.
59. Исломшунослик қомусий луғати. 1-жилд // Масъул муҳаррир З.М.Исломов. -Т.: “Мовароуннаҳр” нашриёти. 2013. – 342 б.
60. Исломшунослик қомусий луғати. 2-жилд // Масъул муҳаррир З.М.Исломов. -Т.: “Мовароуннаҳр” нашриёти. 2013. - 385 б.
61. Камшилов М.М. Эволюция биосферы. - М.: Наука, 1974. -256 с.
62. Каримов С. Шарқ ижтимоий тафаккури тарихидан. - Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти,2016.-462 б.
63. Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед тарихи. - Самарқанд, 1994. – 80 б.
64. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Т.:Ёзувчи, 1996. – 272 б.
65. Лосев А., Пробадкин Л. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация. - Т.: Фан, 2000. -416 с.
66. Лосев А., Пробадкин Л. Социальная экология гуманитарий издательский центр Владос. - М.: Наука, 1938. -312 с.
67. Мақомоти Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний ва Хожа ориф Ревгарий (Форс тилидан Маҳмуд Хасаний таржимаси) // Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний. - Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2003. -128 б.
68. Мамашокиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. - Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2012. -232 б.

69. Мансуров С. Маҳдуми Аъзамнинг “Баттихия” асарида маънавий – ахлоқий қарашлар // Мустақил Ўзбекистон: Фалсафа фанларининг долзарб муаммолари. –Тошкент, 2002. – 117 б.
70. Масштабы экологического кризиса// Инженерная экология и экологический менеджмент. - М.: “Логос”, 2003. – 110 б.
71. Mounin G. Die Übersetzung in der Antike // Die Übersetzung: Geschichte, Theorie, Anwendung. – München: Nymphenburger Verlagshandlung, 1967. S. 23 - 24. (Übers.)
72. Муқаддас китоб ҳақида // Инжил. Тавротдан-Ибтидо. Забур. - Стокгольм (Швеция): Библияни таржима қилиш институти, 1992. – Б. VI.
73. Муҳаммад Олим Шайх Азизон. Ламаҳот. Яссавия тариқати пирлари мақомоти. Форсчадан К.Каттаев ва А.Нарзуллаев таржимаси.- Самарқанд, 2007. – 193 б.
74. Наврўзова Г.Н.. Аврад. - Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2019. -112 б.
75. Наврўзова Г., Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний – Етти пирнинг табаррук устози. – Т.: “Mashhur Press” нашриёти, 2016. – 148 б.
76. Назаров Қ. Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. – 496 б.
77. Нуриддинов А. Маҳдуми Аъзам Косоний. - Т.: Фан, 2008. -39 б.
78. Раҳматуллоҳ қори Обидов. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир (“Қуръони Карим”да пайғамбарлар сиймоси). Биринчи китоб. Иккинчи китоб. - Т.: “Мовароуннаҳр”. 2005. – 320 б.
79. Реймерс Н.Ф. Природопользование. Словарь-справочник. - М.: “Мысль” 1990. - 638 с.
80. Риклефс Р.. Основы общей экологии. - М.: “Мир”, 1979. – 424 с.
81. Роваъул Баён тафсйру аятил аҳками минал Қуръан. Муҳаммад Алий Собуний. Мактабатул Асийриййа Bayruvt-Libnan, 2017.–340 б.
82. Plants of the Quran By M.I. H. Farooqi. Published by Sidrah Publishers, 1989. – 168 p.

83. Саййид Мубашшир Тарозий. Соф табиат дини. - Т.: “HILOL-NASHR”, 2013. -120 б.
84. Саломова Х.Ю. Жалолиддин Румий – мутафаккир. – Бухоро, “Дурдона”, 2019. - 40 б.
85. Саломова Х.Ю. Ижтимоий экология. - Т.: “Fan va texnologiya”, 2004. – 158 б.
86. Саломова Х.Ю. Ижтимоий экология. - Т.: “Fan va texnologiya”. 2008. -198 б.
87. Саломова Х.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. – Бухоро, “Дурдона”, 2018. -196 б.
88. Сергеев Б. Тайна памяти. - М.: Цитадель.1995. – 272 с.
89. Сулаймонова Ф. Зардуштийлик ва Иония фалсафаси журнали. - “Адабий мерос”, 1989. -№4.
90. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 416 б.
91. Тафсири Ҳилол. 16-17-жузлар. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тузатилган ва қайта тўлдирилган нашр – Т.: Hilol-Nashr, 2018. – 432 б.
92. Тўраев Б. Борлик: моҳияти, шакллари, хусусияти. - Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2011. – 357 б.
93. Тўраев Б.О. // Маҳдуми Аъзам (ҳаёти ва илмий-маънавий мероси). – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. - 48 б.
94. Тўраев Б.О. Ижтимоий фалсафа, социология, миллий ғоя ва публицистика. Танланган асарлар II-жилд. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. – 468 б
95. Тўраев Б.О. Маҳдуми Аъзам – мутафаккир. -Т.:ИБХМН,2013.– 56 б.
96. Хожагий Аҳмад Косоний. Рисолаи Баттихия. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XVIII – 18 б.
97. Экологические очерки о природе и человеке. // Б. Гржимек - М.: Прогресс. 1988. – 640 с.

98. Эргашев Абдуқодир. Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари. - Т.: Baktria press. 2016. -252 б.
99. Эргашев Убайдулло. Юсуф Ҳамадоний ва Абдуҳолик Ғиждувоний – Ҳожагон тариқати асосчилари. - Т.: “Адолат”, 2003. – 204 б.
100. Юсуф Ҳамадоний. Рисола (Фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон). - Истамбул, Кўпрули кутубхонаси, Ф.А.Пошо, № 853.
101. Ўзбек педагогикаси антологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1995. – 424 б.
102. Қўлэзма. “Силсилаи азизон” алоҳида боб, 1-4 б. 1707 йил.
103. Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Т.: Чўлпон, 1992. - 361 б.
104. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 517 б.
105. Қуръони Карим. Таржимон ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2006. – 530 б.
106. “Қуръони Карим” маъноларининг таржимаси. - Т.: “Тошкент ислом университети нашриёти”, 2001. - 619 б.
107. Ғуломов М.И. Ҳозирги замон экологияси. – Бухоро, 2009. – 70 б.
108. Ҳазрати азизон Шайх Худойдод Валий мақомотлари ёки мақомот. Форсчадан М.Ҳазратқулов таржимаси. - Т.: Мовароуннаҳр, 2011. – 52 б.
109. Ҳасанов Аҳрор. Маънавият оламига сайёҳат. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2018. -116 б.
110. Ҳашияту ас-Совий ала тафсийрул Жалолайн. Шайх Аҳмад Муҳаммад Совий. - Т.: Darul kitabul ilmiyuа Bayruvt-Libnan, 1995.
111. Ҳожа Абдулҳолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний (Рисолаи соҳибия) Васиятнома. Таржиймон ва сўзбоши муаллифлари: С.Сайфуллоҳ, Н.Ҳасан. Ўзбекистон мусулмонлари идораси. - Т.: “Movarounnahr”. 2018. -168 б.

112. Ҳожа Абдулҳолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. - Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. – 44 б.
113. Ҳожа Юсуф Ҳамадоний “Рутбату-л-хаёт” (“Ҳаёт мезони”). - Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. – 88 б.
114. Ҳожа Юсуф Ҳамадоний. “Ҳаёт мезони (Рутбату-л-хаёт), Одоб тарикат, Коинот ва инсон ҳақида”. Таржиймон ва сўзбоши муаллифлари: С.Сайфуллоҳ, Н.Ҳасан. Ўзбекистон мусулмонлари идораси. - Т.: “Movarounnahr”. 2018. -224 б.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

115. Давлетов С.Р. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш (ЗЕФ/ЮНЕСКО лойиҳаси мисолида). МВА даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: 2013. -93 б.
116. Омонов Б.Н. Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-экологик сиёсати: Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Автореф. – Самарқанд, 2018. – 38 б.
117. Саидова У.Г. Экологик маданият тарихи ва унинг ривожланиш босқичлари.: Автореф.дис. ...фалс.фан.номз. – Тошкент, 2008. -21 с.
118. Саломова Х.Ю. Проблема мера в экологии: Афтореф. дис. канд. филос. наук. – Ташкент, 1988. – 22 с.
119. Саломова Х.Ю. Философская категория “мера” его значение в науке и практике: Автореф. дис.док. филос. наук. – Ташкент, 1998. – 44 с.
120. Сангинов С.С. Философско-методологические проблемы моделирования глобальных процессов. - Дис. док. философ. наук. – Ташкент, 1998. - 280 с.
121. Расулов.Д. Урбанизациялашган муҳитнинг экологик маданиятни ривожлантиришдаги роли: Автореф. дис...фалс.фан.номз. – Тошкент, 2000. -21 с.

122. Усмонов Э. М. Экологический политик государств Центральной Азии в современных условиях: дисс. канд. философ.наук. – Ташкент, 2006. – 162 с.
123. Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси йиллик ҳисоботлари (2010, 2011, 2012, 2013, 2014, 2015, 2016, 2017 йиллар)
124. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология назорат маркази йиллик ҳисоботлари (2010, 2011, 2012, 2013, 2014, 2015, 2016, 2017 йиллар).
125. <http://www.lex.uz>
126. <http://www.centrasia.com/>
127. <http://www.un.org/ru/>- БМТнинг расмий сайти
128. <http://window.edu.ru/catalog/pdf2txt/309/59309/>
129. [http:// www.ekolog.uz/article_view.php?id=50](http://www.ekolog.uz/article_view.php?id=50)
130. http://dia.uz/uz/yangiliklar/dunyo/2017/02/09/290_global-suv-inqirozi-sharpasi.
131. <http://www.polit.ru/research/2006/01/18/goklany.html> Глобализация.
132. <http://www.uza.uz/oz/politics/markaziy-osiye-zbekiston-tash-i-siyosatining-asosiy-ustuvor--11-08-2017>
133. <http://uza.uz/oz/documents/ekologiya-va-atrof-mu-itni-mu-ofaza-ilish-so-asida-davlat-bo-21-04-2017>
<http://www.kun.uz/news/2017/06/29/ekologia-ucun-eng-zararli-va-eng-bezien-gadzetlar-malum-kilindi>.
134. [www.dni.gov/nic/ICA_Global Water Security.pdf](http://www.dni.gov/nic/ICA_Global_Water_Security.pdf) - “США держат руку на пульсе “водной проблемы” постсоветского пространства.


ИЛОВАЛАР

№1.1

АСАЛАРИНИНГ ТАБИИЙ ЭКОЛОГИК МЕЪЁРИ

*Хонаҳо созанд нур аз ҳалвойи тар,
Ҳақ бар у он ки илмро бикшод дар.*
Жалолиддин Румий

*Ҳақ таъоло илми бирлан болари хона
тиклайди тўла холвалари*
Жалолиддин Румий



№1.2



Флюороз касаллиги кўринишлари

МАВЗУГА ОИД СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

I. “Экологик муаммоларнинг ечими” мавзуидаги социологик тадқиқот ДАСТУРИ

Биосферани яхлит, бир бутун ҳолда асраш барча инсоният олдидаги бурч. Биргина мамлакатнинг экологик ҳолатини яхшилаш билан экологик танглиklar олди олинмайди, аксинча, бу борада ҳамкорлик, яқдиллик муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, барча дин эътиқод қилувчилари учун ҳам, барча миллат учун ҳам, ёш-у қари – сайёрамиздаги ҳар бир яшовчи инсон учун – биосфера ягона. Уни асраш учун замонавий илмлар каби диний илмлар ҳам зарур. Диний билимлардаги экологик қадриятларимиз, экологик билим ва онг муҳим. Буларга оид ёшларимизнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида социологик тадқиқот ўтказилди.

Дастурнинг мақсади: Талабаларнинг бугунги кундаги экологик муаммолар ечими борасидаги фикрларини ўрганиш.

Дастурнинг вазифалари: Талабаларнинг экологик онг ва маданият, экологик муаммолар ечими борасидаги амалий фаолият хилларини ўрганиш.

Дастурнинг предмети: Экологик муаммоларнинг ечими.

Дастурнинг объекти: Бухоро давлат университетининг физика, табиий фанлар, тарих факультетининг “Тарих”, “Ислом тарихи ва манбашунослиги” йўналиши талабалари ўртасида ҳамда Урганч давлат университетининг табиий фанлар “Экология” ҳамда “Тупроқшунослик” йўналишлари талабалари, Тарих факультетининг “Тарих”, “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши талабалари орасида ўтказилди.

Дастур респондентлари: Жами респондентлар сони 600 та бўлиб, шулардан: 300 таси Бухоро давлат университети ҳамда 300 таси Урганч давлат университети талабаларидир. Жинслар орасидаги мутаносиблик ҳам тўлиқ сақланди, бошқача сўзлар билан ифодаланишида, ҳар бир олий

таълим муассасидан социологик сўровномада 150 та ўғил бола талабалар ва 150 та қиз бола – талабалар – жами 600 талаба иштирок этишди.

Тадқиқот фарази (гипотеза): илк экологик билим, онг ва маданият, табиат компонентларига оқилона муносабат талабаларда мавжуд.

Тадқиқот методи: анкеталаштириш.

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ СЎРОВЛАРИ

1. “Табиат” деганда Сиз нимани тушунаси? (учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)

А) Табиат – бу Она Ватан.

Б) Табиат - бу жонли ва жонсиз олам.

В) Табиат - бу инсоннинг яшаши мумкин бўлган борлиқ.

Г) Табиат – инсон ва инсоният мавжудлигининг табиий шароитлари йиғиндиси.

Д) Табиат – инсонни қуршаб олган моддий олам, бутун мавжудот.

С) Табиат – бу гидросфера, атмосфера, литосфера, флора, фауна, биота - биосфера, инсон.

2. Қайси тасаввуф аҳли олимининг фикрини қўпроқ қўллаб-қувватлайсиз? (учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)

А) Инсон – коинот (борлиқнинг) қули. Сизнинг ожизлигингиз – коинотсиз, борлиқсиз яшай олмаслигингизда (Юсуф Ҳамадоний).

Б) “Оламни яшнатиш”, “инсон ер юзидаги тартиб, меъёр ва осойишталикка шахсан масъул ” (Маҳдуми Аъзам).

В) “ Ерда юрадиган ҳайвонлар, осмонда учадиган қушлар, сувда сузадиган балиқлар Сиз каби умматларимдир” (“Қуръони Карим” оятларида).

Г) “Дин – покизалиқдир” (Муҳаммад а.в.).

Д) Ҳар қандай жониворга қилинган хизматнинг савоби бор (Муҳаммад а.в.).

С) “Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Кимки ундан ҳақли равишда ҳалоллик билан олса, ундан барака топади. Кимки нафс хоҳиши билан дунёни муккасидан кетиб эгалласа, қиёмат куни дўзахдан бошқа нарсага эришмайди” (Ҳадис)

К) “Коинот – сув ва тупроқдир. Улар иккаласи сен истаган ҳожатинг миқдорида ва мақсадинг ҳаддига мувофиқ бўлса фойдалидир. Агар улар наф етказиш даражасидан зиёда бўлса, унинг ортиғини тарк этасан” (Юсуф Ҳамадоний).

2. Сизнинг фикрингизча қайси диний манбаларда табиатни асрашга оид аҳамиятли фикрлар маълум?

А) “Енглар, ичинглар, исроф қилманглар” (“Қуръони Карим”)

Б) “Инсоннинг вазифаси яратилган тириклик олами устидан масъуллик, уни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиб, гуллашиб, яшнатишидан иборатдир” (Маҳдуми Аъзам).

В) “Табиат ейиш, ичиш, эшитиш, ҳидлаш, сўз, иш, ҳаракат ва тўхташдир...” (Юсуф Ҳамадоний).

3. Тасаввуф аҳлининг табиатни асраш борасидаги фикрлари Сизни қизиқтирадими?

А) Қизиқтиради.

Б) Қисман қизиқтиради.

В) Умуман қизиқтирмайди.

5. Сизнинг фикрингизча, экологик маданиятни оширишда нималарга эътибор бериш керак? (учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)

А) Давлатнинг табиат борасидаги қонунларига риоя этиш.

Б) Жамият ва диннинг ёзилмаган қонунларига риоя қилиш.

В) Инсоннинг табиатга таъсир кўламини камайтириш орқали.

Г) Табиат қонунларига риоя этиш орқали.

С) Экологик билимга эга бўлиб, уни амалиётга қўллаш орқали.

Д) Ўз хонадонимиздаги озодалик, сувнинг ҳар бир томчисини авайлаб ишлатиш орқали, табиат оламига меҳр бериш, экологик маданиятни ёшилигиданоқ шакллантириш орқали.

6. Сизни фикрингизча табиатни қандай усуллар орқали асраш мумкин? (учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)

- А) Инсоннинг табиат борлиғига оқилона таъсири.
- Б) Табиат қонунларига риоя қилиш.
- В) Экологик асосланган технологияларга ўтиш.
- Г) Ерга оқилона муносабат орқали.
- Д) Ҳаво, сув ва тупроқни ифлосламаслик орқали.
- С) Табиат компонентларининг табиий-экологик меъёрини бузмаслик орқали.
- Е) Экологик асосланган технологияларни қўллаш орқали.

7. Ҳозирги атроф–муҳитни асраш борасидаги ҳаракатлар Сизни қониқтирадими?

- А) Тўлиқ қониқтиради.
- Б) Қониқтиради.
- В) Қисман қониқтиради.
- Г) Умуман қониқтирмайди.

8. Ўз яшаш жойингиздаги энг муҳим экологик муаммо нима деб уйлайсиз? (учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)

- А) Тоза ичимлик суви танқислиги;
- Б) Ерларнинг шўрланиши, чўллашув даражасининг ортиши;
- В) Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг кескин камайиб бораётганлиги;
- С) Ҳаво қобиғи, сув ва тупроқнинг ифлосланиши;
- Г) Озон туйнугининг пайдо бўлгани
- Е) Табиат заҳираларининг тугаб бораётганлиги
- Д) Ов қилиш меъёрига риоя этмаслик орқали турларнинг қисқариб бораётганлиги

9. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг табиий захираларидан бири: ичимлик сувини етарли деб ҳисоблайсизми?

- А) Етарли;
- Б) Етарли эмас;
- В) Бу ҳақда қизиқмаганман

10. Ҳозирги кундаги Оролбўйи минтақаси муаммоларини ҳал этишнинг қайси йўллари тўғри деб ўйлайсиз? (учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)

- А) Оролбўйи минтақаси учун “Траст фонди” фаолияти орқали.
- Б) Оролбўйи минтақасида сувсиз қолган ҳудудни яшил ўрмонларга айлантириш орқали.
- В) Оролбўйи минтақаси аҳолисининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши орқали.
- С) Ҳозир Оролбўйида 400 гектардан ортиқ ўрмонзор яратилган, шуни 900 минг гектарга етказиш орқали.

11. Экологик муаммоларни ҳал этиш ечимининг йўллари: (учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)

- А) Сув, ҳаво, тупроқ тозаллиги, сифатини асраш.
- Б) Табиат қонунларига қатъий риоя этиш.
- В) Экологик маданиятни оиладан шакллантириш орқали.
- Г) “Ерга тупурма”, “Ҳар бир томчи сув олтидан қиммат”, “Дарёлар, каналларни тоза тут! каби шиорларни шаҳарлар панноларига ёзиб, аҳолида табиатга онгли муносабатни чуқур шакллантириш орқали.
- С) Ҳар бир регионнинг экологик харитасини тузиб, ушбу харита орқали локал экологик хатоликларни тузатиш орқали.
- Д) Қуш, бедана овловчилар, балиқ овловчиларга берилган квотадан чиққанларни қаттиқ жазо бериш орқали.
- Е) Табиат қонунларининг барча–барчасини аҳолига кенг ва чуқур тушунтириб бериш ва риоя қилишни ўргатиш орқали.

12.Ўзбекистон Республикасида экология ва табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларни биласизми?

А) Ҳа

Б) Йўқ (қайси қонунлардан хабардор бўлсангиз ўшани белгиланг)

а) “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида (ПФ-5024-сонли 2017)

б) “2017-2021 йилларда ерости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” (2017)

в) “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида” (2017)

с) 2018 йил 28 декабрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидаги устувор йўналишларидан бири “экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш”

Миллатингиз:

Ёшингиз:

Жинсингиз: Эркак Аёл.....

Бухоро Давлат Университетида “Тарих ва маданий мерос” факультети талабалари орасида ўтказилган сўровномага оид жадваллар (сўровномада 300 талаба иштирок этди).

Урганч давлат университети талабаларидан 300 талаба социологик тадқиқотларда иштирок этишди. Жами 600 талаба социологик сўровда қатнашди.

“ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ”



СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ


2019 йил

Бухоро давлат университети талабалари (300 та талаба)

10-22 апрель

Тадқиқотдаги иштирокчилар жинси бўйича






2. Қайси тасаввуф аҳли олимининг фикрини кўпроқ қўллаб-қувватлайсиз? (3 тагача жавоб)




3. Сизнинг фикрингизча, қайси диний манбаларда табиатни асрашга оид аҳамиятли фикрлар маълум?




- А) "Енглар, ичинглар исроф қилманглар" (Қуръони Карим)
- Б) "Инсоннинг вазифаси яратилган тириклик олами ўстидан масъуллик, уни келгүси авлодлар үчүн сақлаб қолиб, гуллашиб, яшнатишидан иборатдир" (Махдуми Аъзам)
- В) "Табиат ейиш, ичиш, эшитиш, ҳидлаш, сўз, иш, Ҳаракат ва тўхташдир..." (Юсуф Ҳамадоний)


4. Тасаввуф аҳлининг табиатни асраш борасидаги фикрлари Сизни қизиқтирадими?




5. Сизнинг фикрингизча экологик маданиятни оширишда нималарга эътибор бериш керак? (3 тагача жавоб)




6. Сизнинг фикрингизча табиатни қандай усуллар орқали асраш мумкин? (3 тагача жавоб)




8. Ўз яшаш жойингиздаги энг муҳим экологик муаммо нима деб ўйлайсиз (3 тагача жавоб)?





10. Ҳозирги кунда Орол бўйи минтақаси муаммоларнинг ҳал этилиш йўллари тўғри деб ўйлайсиз? (3 тагача жавоб)?




11. Экологик муаммоларни ҳал этиш ечимининг йўллари: (3 тагача жавоб)?



12. Ўзбекистон республикасида экология ва табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларни биласизми

(3 тагача жавоб) ?



“Экологик муаммолар ечими”

социологик тадқиқот


2019-йил 28-март ва 9-апрель кунлари



2. Урганч давлат университети табиий фанлар факультети экология, биология, тупроқшунослик йўналишларида таҳсил олаётган 300 талабалар социологик тадқиқотда иштирок этишди.



Аёллар – 38% (Қизил рангда)


Ўғил болалар – 62% (Ўғил болала кўк рангда)





2. Қайси тасаввуф аҳли олимининг фикрини кўпроқ қўллаб-қувватлайсиз? (3 тагача жавоб)

- А) Инсон – коинот (борлиқнинг) кули. Сизнинг ожизлигингиз – коинотсиз, борлиқсиз яшай олмаслигингизда (Юсуф Хамадоний)
- Б) “Оламни яшнатиш”, “инсон ер юзидаги тартиб, меъёр ва осойишталикка шахсан масъул” (Махдуми Аъзам)
- В) “Ерда юрадиган ҳайвонлар, осмонда учадиган қушлар, сувда сузадиган балиқлар Сиз каби умматларимдир” (Қуръон оя Ряд2 Точка "1" Значение: 97 (97%))
- Г) “Дин – покизалиқдир” (Муҳаммад а.в.)
- Д) Ҳар қандай жониворга қилинган хизматнинг савоби бор (Муҳаммад а.в.)
- С) “Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Қимки ундан ҳақли равишда ҳалоллик билан олса, ундан барака топади. Қимки нафс




3. Сизнинг фикрингизча қайси диний манбаларда табиатни асрашга оид аҳамиятли фикрлар маълум? 10%

А) “Енглар, ичинглар исроф қилманглар” (Қуръони Карим)

Б) “Инсоннинг вазифаси яратилган тириклик олами устидан масъулилик, уни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиб, гуллайтиб, яшнатишидан иборатдир” (Махдуми Аъзам)

В) “Табиат ейиш, ичиш, эшитиш, хидлаш, сўз, иш, ҳаракат ва тўхташдир...” (Юсуф Ҳамадоний)




4. Тасаввуф аҳлининг табиатни асраш борасидаги фикрлари Сизни қизиқтирадими?

1. Қизиқтиради

2. Қисман қизиқтиради


3. Умуман қизиқтирмайди



5. Сизнинг фикрингизча, экологик маданиятни оширишда нималарга эътибор бериш керак? (учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)




6. Сизни фикрингизча табиатни қандай усуллар орқали асраш мумкин? (учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)



7. Ҳозирги атропо-муҳитни асраш борасидаги ҳаракатлар
Сизни қониқтирадими?


- А) Тўлиқ қониқтиради
- Б) Қониқтиради
- В) Қисман қониқтиради
- Г) Умуман қониқтирмайди



■ 1 ■ 2 ■ 3 ■ 4

8.Ўз яшаш жойингиздаги энг муҳим экологик муаммо нима деб ўйлайсиз? (учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)

- A) Тоза ичимлик суви танқислиги;
- Б) Ерларнинг шўрланишуви, чўллашув даражасининг ортиши;
- В) Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг кескин камайиб бораётганлиги;
- С) Ҳаво қобиғи, сув ва тупроқнинг ифлосланиши;
- Д) Озон туйнугининг пайдо бўлгани
- Е) Табиат заҳираларининг тугаб бораётганлиги
- Д) Ов қилиш меъёрига риоя этмаслик орқали турларнинг қисқариб бораётганлиги




**9. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг
табiiй захираларидан
бири: ичимлик сувини етарли деб
ҳисоблайсизми?**


А) Етарли;

Б) Етарли эмас;

В) Бу ҳақда қизиқмаганман;




10. Ҳозирги кундаги Орол бўйи минтақаси муаммоларининг ҳал этиш йўлларини тўғри деб ўйлайсиз? (учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)




- A) Орол бўйи минтақаси учун “Траст фонди” фаолияти орқали
- B) Орол бўйи минтақасида сувсиз қолган ҳудудни яшил ўрмонларга айлантириш орқали
- B) Орол бўйи минтақаси аҳолисининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши орқали
- C) Ҳозир Орол бўйида 400 гектардан ортиқ ўрмонзор

11. Экологик муаммоларни ҳал этиш ечимининг йўллари: (учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)



12. Ўзбекистон Республикасида экология ва табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларни биласизми?



A) Ҳа

Б) Йўқ (қайси қонунлардан хабардор бўлсангиз ўшани белгиланг)

а) “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида (ПФ-5024-сонли 2017)

б) “2017-2021 йилларда ер ости сувлари заҳираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” (2017)

в) “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида” (2017).

с) 2018 йил 28 декабрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидаги устувор йўналишларидан бири “экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш”

Социологик тадқиқот натижалари таҳлилидан қуйидагилар аниқланди:

1. Бухоро давлат университетининг талабалари билан Урганч давлат университети талабаларининг жавоблари деярли ҳамоҳанг:
А) УрДУ қиз бола талабалар 38%; ўғил балалар – 62%
БухДУ қиз бола талабалар 35%; ўғил болалар – 65% ташкил этишган.
Б) УрДУ 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган талабалар 94,3%
БухДУ 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган талабалар 96% ни ташкил этди.
2. “Қайси тасаввуф аҳли олимининг фикрини кўпроқ қўллаб-қувватлайсиз?” деган саволга
УрДУ – 50% БухДУ – 46% талабалари Маҳдуми Аъзамнинг “Оламни яшнатиш, “инсон ер юзидаги тартиб, меъёр ва осойишталикка шахсан масъул” деган оқилона фикрни қўллаб-қувватлашган;
3. “Сизнинг фикрингизгча қайси диний манбаларда табиатни асрашга оид аҳамиятли фикрлар маълум?”-деган саволга
УрДУ талабаларининг 50% БухДУ талабаларининг 53% “Қуръони Карим”даги фикрларни ижобий деб билишган.
4. “Тасаввуф аҳлининг табиатни асраш борасидаги фикрлари Сизни қизиқтирадими?” – деган саволга УрДУ талабаларининг 65%, БухДУ талабаларининг 70, 3% қизиқтиради, деб жавоб беришган.
5. “Табиатни қандай усуллар орқали асраш мумкин”-деган саволга
УрДУ 23% талабаси –инсоннинг табиат борлиғига оқилона таъсири;
23% талабаси –табиат компонентларининг табиий-экологик меъёрини бузмаслик орқали;
БухДУ 22%- табиат компонентларининг табиий-экологик меъёрини бузмаслик орқали;
21% талаба - инсоннинг табиат борлиғига оқилона таъсири; деб белгилашган.

Социологик тадқиқот натижаларидан хулоса:

1. Талабалар учун диний-ирфоний манбалардаги табиатни асрашга оид фикрлар жуда қизиқарли бўлиб, уларда табиат борлигини асрашга оид диний-экологик билим, маданиятнинг гнесиологик илдизларини аниқлашга, экологик талофатлар йўқотилиши учун фаолликка мойиллик кучли, бу эса ёшлар экологик ҳаракатини ташкил этишда асос бўлади.
2. Тадқиқот натижаларидан келинган хулоса-таклиф – “Ҳадис илми мактаби” да “Ижтимоий экология”, “Экология ва иқтисод” фанларини ўтишимиз лозим. Зеро, ҳозирги ёшлар “Қуръони Карим” ва Ҳадислардаги табиат борлиғига оид фикрларни билишга интилишлари жуда катта. Зеро, “Ижтимоий экология” курсининг I-боби “Қуръони Карим” ва Ҳадислардаги табиат борлиғига оид фикрлар” деб аталган бўлади.
3. Ўрта Осиё мутафаккирларининг табиат борлиғига оид асарларининг кўпчилигини ўзбек – крилл алифбосига таржима қилиш мавруди келди.
4. Ёшларга табиат қонунлари ҳақида чуқурроқ билим бериш зарур. Бу борада телевизион кўрсатувлар “Инсон ва табиат” рукни ташкил этиб, умумий экологиядан – ижтимоий экология – умумбашарий экология – амалий экология – эконология – транспорт экологияси ҳақида мантиқий изчилликда замонавий-илмий оммабоп рукни ташкил этишни давр талаби деб биламиз.